

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

19-сон  
(1195)  
2025 йил  
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

216. «Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ–1061-сон Қонуни
217. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ–1062-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

218. «Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ–76-сон Фармони
219. «Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қув-

ватлаш, уларда касбий кўнималарини ривожлантириш ва рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ-77-сон Фармони

220. «Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ-78-сон Фармони
221. «Камбағал оиласларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПФ-84-сон Фармони [Кўчирма]
222. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПФ-85-сон Фармони
223. «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПҚ-171-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

224. «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонла маҳрум бўлган болаларни ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлик харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 5 майдаги 294-сон қарори [Кўчирма]
225. «Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 майдаги 296-сон қарори
226. «Соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларида ичимлик суви ҳамда санитария-гигиена инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган «Тоза қўллар» дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 майдаги 297-сон қарори
227. «Ҳудудларда микросаноат марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 майдаги 308-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

228. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 11 апрелдаги 3-мҳ-сон “Спорт турлари бўйича 2025 — 2028 йиллар учун Ягона спорт таснифини тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи (Ўзбекистон Республикаси

*Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3623)*

229. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 2-maydagi 10/14-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida xorijiy davlatlarning banklari vakolatxonalarini akkreditatsiya qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘srimcha va o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-mayda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 1883-2*)
230. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 10 апрелдаги 2373-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 8 апрелдаги 21-сон “Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2373-2*)
231. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 25-apreldagi 250-son hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2025-yil 17-apreldagi 2025/11-1-son “O‘zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyatida gaz-kimyo kompleksini qurish, “Mustaqillikning 25 yilligi” konida dastlabki qidiruv va uni ishlatish bilan birga “O‘zbekiston mustaqilligi” investitsiya blokiga nisbatan mahsulot taqsimotiga oid bitimni amalga oshirish doirasida O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasi orqali olib o‘tiladigan tovarlarning bojxona rasmiylashtiruvi tartibi to‘g‘risidagi nizomning muqaddimasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-mayda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 2934-1*)
232. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 18 апрелдаги 207-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-2*)
233. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 28-apreldagi 254-son hamda Sog‘liqni saqlash vazirligining 2025-yil 23-apreldagi 10-son “Pullik tibbiy xizmat ko‘rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash tartibi 8-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-mayda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3603-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**216 Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
7 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини кучайтириш, экологик вазиятни яхшилаш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ер ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик, шаҳарсозлик регламентлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ва ер участкалари мулкдорларининг ер участкаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бундан ташқари республикамизда скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар ҳудудларининг ҳамда уларда экилган дараҳтларнинг муҳофаза қилинишини кучайтириш, уларнинг ерларида бино ва иншоотлар қурилишининг олдини олиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари жорий этилишини, ахолининг маданий-маиший эҳтиёжларини кондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш, уларнинг ҳудудларини қисқартириш, мазкур ҳудудларда бино ва иншоотлар қуриш тақиқланишини, ушбу чекловларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилишини, ботаника боғларини хусусийлаштириш ва уларнинг ҳудудларида қурилишни амалга ошириш тақиқланган ҳолда ботаника боғларининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритилишини назарда тутувчи ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун ер участкаларидан фойдаланиш жараённада ер ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2025 йил 5 майда эълон қилинган.

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ҳамда яшил худудларни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳукуқий асос яратишга имкон беради, шунингдек ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар) **229<sup>4</sup>-моддаси иккинчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) давлат мулки бўлган ҳамда аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ернинг ёки унинг бир

қисмининг бегоналаштирилишига, унинг худуди қисқартирилишига сабаб бўлса».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534,

535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 65-модда:**

**биринчи қисмининг диспозициясидаги** «ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига нумуофик фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектаргача майдонга эга ер участкасида суфориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги»;

**учинчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектардан ортиқ майдонга эга ер участкасида суфориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги»;

**2) 67-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«67-модда.** **Вақтинча эгаллаб турилган ер участкаларини ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик**

Вақтинча эгаллаб турилган ер участкаларини ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

**3) 68-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«68-модда.** **Ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш**

Тасдиқланган ер тузиш лойиҳа хужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай

туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш»;

**4) 68<sup>1</sup>-модда:**

**биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вактида мурожаат этмаслик, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган ҳол мустасно»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга турар жойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вактида мурожаат этмаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади»;

**5) қўйидаги мазмундаги 68<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«68<sup>2</sup>-модда. Давлат кадастрларини юритиш қоидаларини бузиш**

Давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан тегишли давлат кадастрларини юритиш қоидаларини бузиш, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиш учун давлат кадастрларининг ахборотини тақдим этишдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборотни тақдим этиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади»;

**6) 91<sup>3</sup>-модданинг:**

**номидаги «шунингдек чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш»** деган сўзлар чиқариб ташлансан;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансан;

**7) 245-модданинг биринчи қисми** «67» рақамидан кейин «68<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

**8) 266<sup>1</sup>-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«266<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг орғанлари**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг органларига ушбу Кодекснинг 60-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60<sup>1</sup>-моддасида, 65-моддасида (ер участкларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига номувофиқ фойда-

ланишга оид қисмида, бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мустасно), 68-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари мустасно), 68<sup>1</sup>-моддасида ва 69-моддасида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларининг чегара белгиларига оид қисми мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари номидан маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қўйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда, № 8, 831-модда, № 9, 958-модда, № 10, 1072-модда, № 11, 1193-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 9-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларини белгилаш йўли билан аниқлаштирилади.

Ер участкаларининг ҳуқуқий режими уларнинг фондининг муайян тоифасига мансублигидан ва рухсат этилган фойдаланишнинг асосий туридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади»;

**учинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**2) 10-модданинг:**

**тўртинчи қисмидаги** «асосий фойдаланиш мақсадини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Фойдаланиш мақсадига» деган сўзлар «Рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қўйидаги мазмундаги **2<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**«2<sup>1</sup>-боб. Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари, уларни ўзгартириш тартиби ва рухсат этилган фойдаланишнинг белгиланган асосий туридан қатъи назар ер участкаларидан фойдаланиш**

#### **10<sup>1</sup>-модда. Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари**

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш турлари ер участкасида амалга оширилиши мумкин бўлган фаолиятнинг йўл қўйиладиган турларидир.

Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари худуднинг функционал зоналаштирилишини белгиловчи шаҳарсозлик хужжатлари билан асосий, шартли рухсат этилган ва ёрдамчи тури сифатида белгиланади.

Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификаторига мувофиқ кўрсатилади.

#### **10<sup>2</sup>-модда. Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий тури**

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий тури ер участкаси қайси фаолиятни юритиш мақсадлари учун мўлжалланган бўлса, ўша фаолиятнинг асосий турини акс эттиради.

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий тури у тўғрисидаги маълумотлар Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олишнинг интеграциялашган ахборот тизимига киритилган кундан эътиборан белгиланган хисобланади.

#### **10<sup>3</sup>-модда. Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури**

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури ер участкасидағи фаолият тури бўлиб, уни амалга ошириш учун рухсатнома олиш ва шаҳарсозлик регламентида белгиланган шартларга риоя этиш талаб қилинади.

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури у тўғрисидаги маълумотлар Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олишнинг интеграциялашган ахборот тизимига киритилган кундан эътиборан белгиланган хисобланади.

**10<sup>4</sup>-модда. Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг ёрдамчи тури**

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг ёрдамчи тури ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига ёки ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш турига нисбатан қўшимча хисобланадиган, мустақил бўлиши мумкин бўлмаган ва фақат ушбу турлар билан биргаликда амалга ошириладиган ер участкасидаги фаолият туридир.

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг ёрдамчи тури худуднинг функционал зоналаштирилишини белгиловчи шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланган кундан эътиборан белгиланган хисобланади.

Рухсат этилган фойдаланишнинг ёрдамчи турларига мувофиқ фойдаланиладиган ер участкасининг майдони мазкур ер участкасининг рухсат этилган фойдаланишнинг асосий ёки шартли рухсат этилган турига мувофиқ фойдаланиладиган майдонидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий (шартли рухсат этилган) ва ёрдамчи турларининг чегаравий нисбати ҳар бир худудий зона учун шаҳарсозлик регламенти, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

**10<sup>5</sup>-модда. Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини ўзгартириш тартиби**

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш унинг ҳуқук эгасининг аризасига кўра амалга оширилади.

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш учун ариза давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг ёрдамчи турини ўзгартириш унинг ҳуқук эгаси томонидан шаҳарсозлик регламентида назарда тутилган ёрдамчи турлар орасидан фаолият турларини танлаш йўли билан мустақил равиша амалга оширилади.

**10<sup>6</sup>-модда. Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома олиш тартиби**

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома олиш унинг ҳуқук эгасининг аризасига кўра амалга оширилади.

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома олишга доир ариза давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома жамоатчилик муҳокамаси натижаларини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,

вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси хузуридаги тегишли ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг қарорларига асосан берилади.

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламент, шу жумладан ер участкаларининг хуқуқ әгалари билан очик муҳокамалар ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ер участкасидан шартли рухсат этилган фойдаланишнинг айрим турларига рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда тўлов ундирилиши мумкин.

### **10<sup>7</sup>-модда. Рухсат этилган фойдаланишнинг белгиланган асосий туридан қатъи назар ер участкаларидан фойдаланиш**

Рухсат этилган фойдаланишнинг белгиланган туридан қатъи назар ер участкасидан:

геодезия пунктларини, чегара, ахборотга доир ва бошқа белгиларни жойлаштириш;

муҳандислик-коммуникация тармоқлари обьектларини сервитут шартларида жойлаштириш;

муҳандислик ҳамда геологик қидирув ва тадқиқотларни амалга ошириш;

бинолар ва иншоотларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун зарур бўйланган асосий воситаларни, қурилишга доир ҳамда бошқа материалларни бундай қурилиш ёки реконструкция қилиш даврида қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштириш;

шаҳарсозлик регламентлари талабларига мувофиқ ободонлаштириш обьектларини жойлаштириш;

ерларни рекультивация қилишни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун фойдаланилиши мумкин»;

4) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турлари, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-модда биринчи қисмининг биринчи хатбоисидаги** «Ерларнинг мўлжалланган асосий мақсадига» деган сўзлар «Ерлардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **24<sup>1</sup>-модданинг бешинчи қисмидаги** «улардан фойдаланишнинг мазкур Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган асосий мақсадини сақлаб қолиш шарти билан» деган сўзлар «улардан ушбу Кодекснинг 20-моддасида назарда тутилган рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини сақлаб қолиш шарти билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «белгиланган мақсадларда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **29-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «асосий фойдаланиш мақсадини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **30<sup>1</sup>-модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «ундан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10) 30<sup>2</sup>-модда:**

**иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «ундан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «фойдаланиш мақсадини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **35-модда иккинчи қисмининг 2-бандидаги** «фойдаланиш мақсади» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий тури» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **36-модда биринчи қисмининг 6-бандидаги** «белгиланганидан бошқа мақсадларда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига номувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13) 39-модда биринчи қисми:**

**1-бандидаги** «ундан фойдаланиш мақсадига» деган сўзлар «ундан рухсат этилган фойдаланишнинг турларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «фойдаланиш мақсади» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг турлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **11-банд** билан тўлдирилсин:

«11) қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва шартларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш»;

**14) 40-модда биринчи қисмининг:**

**1-бандидаги** «ердан белгиланган мақсадга мувофиқ» деган сўзлар «ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **49-модданинг тўртинчи қисмидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **51-модданинг олтинчи қисмидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**17) 64-модда:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар» деган сўзлар «ўрмон-боғлар, скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий фойдаланишдаги ерларда факат ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

күйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат мулки бўлган ҳамда ахолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ёки уларнинг бир қисмини хусусийлаштириш ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириш, ушбу ерларда бинолар ва иншоотларни қуриш (бундан енгил турдаги обьектлар, шунингдек ободонлаштириш ва муҳандислик инфратузилмаси обьектлари мустасно) ёки мавжуд бинолар ва иншоотларнинг қурилиш майдонларини кенгайтириш, шунингдек ушбу ерларнинг худудини қисқартириш тақиқланади».

18) **72-модданинг биринчи қисмидаги** «уларнинг белгиланган мақсадига» деган сўзлар «улардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **73-модданинг биринчи қисмидаги** «уларнинг белгиланган мақсадига» деган сўзлар «улардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **74-модданинг биринчи қисмидаги** «уларнинг белгиланган мақсадига» деган сўзлар «улардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **75-модданинг биринчи қисмидаги** «уларнинг белгиланган мақсадига» деган сўзлар «улардан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **85-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ер участкаларидан белгиланган мақсадда» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **90-модда иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошиси** күйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига ному-вофиқ фойдаланганликда»;

**еттинчи хатбошиси** күйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вақтинча эгаллаб турилган ер участкаларини қайтариш муддатини бузганликда ёки уларни рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганликда».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12,

608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда, № 9, 958-модда, № 10, 1072, 1080-моддалар) қўйидаги ўзгартришлар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисмидаги «қатъий белгиланган мақсадда»** деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер участкасидан қонунчилиқда ва ижарага олиш шартномасида белгиланган шартлар асосида, рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ самарали ва оқилона фойдаланишини таъминлаши».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги 666—I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 432-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «фойдаланиш мақсади» деган сўзлардан кейин «ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий тури» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **20-модданинг биринчи қисми** «қайси мақсадда фойдаланиш мўлжалланганлигини» деган сўзлардан кейин «ва рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида**»ги 710-II-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2024 йил, № 8, 831-модда) қўйидаги ўзгартришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисмидаги «миллий боғлар»** деган сўзлар «миллий боғлар, ботаника боғлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **X бобнинг номидаги «миллий боғлар»** деган сўзлар «**миллий боғлар, ботаника боғлари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қўйидаги мазмундаги **45<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **«45<sup>1</sup>-модда. Ботаника боғлари**

Ботаника боғлари ўсимлик дунёсини ва унинг генетик фондини сақлаб қолиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг турларини ўрганиш, иқлимга мослаш ва такрор кўпайтириш, илмий, ўқув ҳамда таълим ишларини олиб бориш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича билимларни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этиладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардир.

Ботаника боғлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этиладиган умумдавлат аҳамиятига молик ботаника боғларига ва маҳаллий аҳамиятга молик ботаника боғларига бўлинади.

Ботаника боғлари ҳудудида ушбу боғларни ташкил этиш мақсадларига мувофиқ бўлмаган ва ўсимлик дунёсининг сақланиб қолишига таҳдид солувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ-676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1010-модда; 2024 йил, № 8, 830, 831-моддалар, № 9, 961-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

#### **1) 3-модданинг:**

**ўн тўққизинчи хатбошисидаги** «ер участкаларидан ва бошқа кўчмас мулк обьектларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳамда турларининг» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларининг, бошқа кўчмас мулк обьектларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳамда турларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**йигирманчи хатбошисидаги** «ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини белгилаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 14-модданинг тўртинчи қисмидаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

#### **3) 80-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «фойдаланиш мақсадини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «фойдаланиш мақсадини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ-680-сонли Қонунининг

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 10, 1072, 1080-моддалар) **10-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**биринчи қисмдаги** «ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ оқилона фойдаланилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмдаги** «белгиланган мақсадда» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Томорқа хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ-681-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 287-модда; 2023 йил, № 6, 446-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини» деган сўзлар «ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ оқилона фойдаланилишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «мақсадли ва самарали фойдаланилишини» деган сўзлар «рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ самарали фойдаланилишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «шахсий томорқа ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши» деган сўзлар «шахсий томорқа ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мувофиқ оқилона фойдаланилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган **«Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги ЎРҚ-728-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1060-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2023 йил № 10, 795-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «ёхуд ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонун кучга киргунига қадар вужудга келган доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуки асосида хусусийлаштириш субъектларига тегишли бўлган ер участкалари, шунингдек хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк обьектлари жойлашган ер участкалари ушбу модданинг биринчи

қисмида назарда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунига қадар хусусийлаштирилиши мумкин»;

**2) 12-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ҳамда сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар);

**3) 23-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ёки ер участкасидан фойдаланишнинг руҳсат берилган турларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4) 25-модданинг биринчи қисмидаги** «ер участкаларидан фойдаланишнинг руҳсат берилган турларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 марта қабул қилинган «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги ЎРҚ-821-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 3, 183-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда, № 10, 1079-модда) **19-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «шу жумладан хиёбонлар ва ботаника боғлари» деган сўзлар «шу жумладан табиат боғлари, миллий боғлар ва ботаника боғлари, шунингдек скверлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Баш прокуратураси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsin;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**14-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
ЎРҚ-1061-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ҚОНУНИ

**217**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-  
га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
4 марта қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 30 апрелда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерларни муҳофаза қилишга ва ер эгаларининг мулкий хуқуқларини кафолатлашга, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга, ахоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёjlари учун сувдан оқилона фойдаланишини таъминлашга, шунингдек сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ер муносабатлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб, бўш турган ерларни ҳисобга олиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш механизmlарини такомиллаштириш, хуқуқ эгаларининг ер участкаларини олганлик учун ҳақ тўлашни амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш зарурияти юзага келмоқда. Бундан ташқари ер ости сувларини ерларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун олиш кескин ўсганлиги, шунингдек кудуқларни рухсатсиз бурғилаш ва сувлардан назоратсиз, ҳисобга олмасдан фойдаланиш ҳоллари давом этайданлиги сабабли ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига давлат мулкидаги бўш турган ерларнинг ҳисобга олинишини ташкил этишни, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларида рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган обьектларни жойлаштиришни, ер участкаларини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмагандан ер участкаларига бўлган хукуқни бекор қилишни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига аниқлик киритилмоқда, суғориладиган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ёки суғорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича аниқ талаблар белгиланмоқда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш зарур бўлган ҳоллар кенгайтирилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Иқтисадиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий номларини

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 майда эълон қилинган.

аниқлаштиришга, шунингдек Маъмурий-худудий бирликларнинг давлат реестрида объектни маъмурий-худудий белгилашнинг тизимли коди тўғрисидаги ахборот акс эттирилишига қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига, шунингдек «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ер ости сувларига қудукларни қонунга хилоф равишда бурғилаш ва хавфли геологик жараёнларнинг олдини олишга доир кўрсатмалар талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилашни, ер ости сувлари сув ўлчаш ускуналарисиз олинганда солиқни белгиланган солик ставкасининг беш баравари миқдорида ундиришни, ер ости сувларига қудукларни бурғилашга доир рухсатномани бериш тартиб-таомилини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ерларни муҳофаза қилиш ва ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, Маъмурий-худудий бирликлар давлат реестрининг ахборот тизимини такомиллаштиришга, ер ости сувларидан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга, ер ости сувларига қудукларни бурғилаш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ер ости сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1,

242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 74-модда:**

**тўртинчи қисмининг:**

**диспозицияси** «ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш» деган сўзлардан кейин «ер ости сувларига қудуқни қонунга хилоф равишда бурғилаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**санкцияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг олти бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**бешинчи қисмининг санкцияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бир бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**2) 204<sup>1</sup>-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги, фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек хавфли геологик жараёнларнинг ол-

дими олиш юзасидан ваколатли давлат органининг кўрсатмалари талабларини бажармаслик»;

3) **260<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми** «(ер ости сувларига доир қисмida)» деган сўзлардан кейин «74-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда; 2024 йил, № 7, 629-модда, № 8, 831-модда, № 9, 958-модда, № 10, 1072-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг олтинчи хатбошиси** «давлат рўйхатига олинишини» деган сўзлардан кейин «давлат мулкида бўлган бўш турган ерларнинг хисобга олинишини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **7-модданинг олтинчи хатбошиси** «давлат рўйхатига олинишини» деган сўзлардан кейин «давлат мулкида бўлган бўш турган ерларнинг хисобга олинишини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **8-модда 1-бандининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ушбу Кодекснинг 43-моддасига мувофиқ турларга бўлинади»;

4) **9-модданинг:**

**бешинчи ва олтинчи қисмлари** қўйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суфорилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўtkазиш ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади, суфориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ёки суфорилмайдиган ерларга ўtkазиш эса ушбу Кодекснинг 44<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Эгаликда, фойдаланишда ёки ижарада бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўtkазиш мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 36-моддасида белгиланган тартибда бекор қилинганидан кейин ва улар такоран берилгунига (реализация

қилингунига) қадар амалга оширилади, бундан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳукуклар қонунда белгиланган тартибда эътироф этилган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ҳоллари мустасно.

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатларда, ер участкаларига бўлган ҳукуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатларда ҳамда давлат ер кадастри ҳужжатларида, шунингдек Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларнинг давлат реестридан электрон кўчирмаларда кўрсатилади»;

**еттинчи қисми саккизинчи қисм** деб хисоблансан;

5) **12-модданинг тўққизинчи қисми** «тупроқ эрозиясига қарши курашиб тадбирларини ишлаб чиқиши» деган сўзлардан кейин «қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкаларида ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш обьектларини жойлаштиришни (қуришни)» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

6) **13-модданинг тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан, қишлоқ хўжалиги мўлжалланган суборилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш обьектларини жойлаштиришни (қуришни) назарда тутивчи ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади. Бунда қишлоқ хўжалиги мўлжалланган суборилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш обьектларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

7) **28-модданинг:**

**биринчи қисми** «Ўзбекистон Республикасида» деган сўзлардан кейин «ер участкаларини олганлик ва» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

**иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсан:

«Ер участкаларини олган юридик ва жисмоний шахслар ушбу Кодексга мувофиқ электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра ёки баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланадиган миқдорда ҳақ тўлайди, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплади.

Ўз эгалигига ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ерлардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлайди. Ердан фойдаланганлик учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига караб белгиланади»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб хисоблансан;

8) **36-модда:**

**биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **9<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«<sup>9<sup>1</sup></sup> ер участкасини олганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда — муддати ўтган қарздорлик унинг мавжудлиги тўғрисида ваколатли органлар томонидан огоҳлантириш берилган санадан эътиборан олти ой ичida бартараф этилмаганда»;

кўйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига бўлган ҳукуқ бекор қилинганда, мазкур ер участкаси захира ерлар тоифасига ўтказилмайди ҳамда туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлган бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинади.

Туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлган бўш турган ер участкалари ўн беш кунлик муддатда туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан давлат ер кадастрида ҳисобга олиниши ҳамда ушбу ерларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш (реализация қилиш) чоралари кўрилиши керак»;

9) **43-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги мазмундаги **иккинчи — бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:

фойдаланиш турига кўра — қишлоқ хўжалиги ерларига ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерларга;

сув билан таъминланиш даражасига кўра — суфориладиган ерларга ва суфорилмайдиган ерларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ҳайдаладиган ерларга (суфориладиган ва лалми экин ерлари), кўп йиллик дов-дараҳтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлар ва бошқа кўп йиллик дов-дараҳтлар) эгаллаган ерларга, ташландик ерларга, пичанзорларга ва яйловларга бўлинади. Қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар ихота дараҳтзорлари, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, сув ҳавзалари, сувни тежайдиган суфориш технологиялари, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ерларга бўлинади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суфорилмайдиган ерларда ички хўжалик ер тузиш лойиҳасига мувофиқ ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган объектларни жойлаштиришга (куришга) йўл қўйилади. Бунда мазкур ерлар ички хўжалик ер тузиш лойиҳасига асосан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар сифатида ҳисобга олинади.

Агар қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ер фондининг бошқа тоифаларига тааллуқли бўлган ерлар таркибидаги ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар, ташландик ерлар, пичанзорлар ва яйловлар давлат ер кадастрида қишлоқ хўжалиги ерлари сифатида ҳисобга олинади ҳамда маҳсус муҳофаза қилинади»;

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисблансин;

10) **44-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер фондининг бошқа тоифаларига тааллукли бўлган субориладиган ерлар ҳам давлат ер кадастрида субориладиган ерлар сифатида ҳисобга олинади. Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мазкур ерларга нисбатан ушбу Кодексда субориладиган ерлар учун белгиланган барча талаблар ва шартлар татбиқ этилади»;

Сув хўжалиги органлари субориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлаши шарт.

Субориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дараҳтлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин»;

11) қуидаги мазмундаги **44<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«44<sup>1</sup>-модда. Субориладиган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ёки суборилмайдиган ерларга ўtkазиш**

Субориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилиниши лозим. Ушбу ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ёки суборилмайдиган ерларга ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги даражаси, шунингдек сув ресурсларининг мавжудлиги ҳамда уларга доир лимитлар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг хulosаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хulosаларни олиш учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан қуидаги маълумотларни ўз ичига олган хужжатлар тақдим этилади:

1) ер участкасининг жойлашган жойи, майдони, кадастр рақами, контурлари сони ва рақами, тупроқ типи, таркиби, сифати ва унумдорлиги, сув билан таъминланганлик даражаси, ерга бўлган ҳукуқ эгаси;

2) ер участкасини бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олиш тўғрисидаги қарорнинг санаси ва рақами, бундан ер участкасидан қишлоқ хўжалиигига хизмат кўрсатувчи ерлар сифатида фойдаланиш ҳоллари мустасно;

3) ер участкасидан кейинги беш йил ичida фойдаланиш ҳолати, бундан бўён ундан субориладиган ерлар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини асословчи тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, сув билан таъминланиш даражасидаги ўзгаришлар, шунингдек ушбу вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлган ва уларни бартараф этишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар;

4) қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдори, уларнинг ўрнини қоплаш манбалари ва муддатлари, қоплашдан тушган маблағларни сарфлаш йўналишлари;

5) тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирлари, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари;

6) ўша ҳудуднинг ўзида ёки бошқа маъмурий-худудий бирликда жойлашган, сугориладиган ерлар ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган миқдорда икки йил ичидан янгидан ўзлаштириладиган ва сугориладиган ерларга ўтказиладиган ер участкалари тўғрисида ушбу қисмнинг 1-бандида назарда тутилган маълумотлар, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари;

7) ер участкасидан келгусида фойдаланиш мақсади. Бунда сугориладиган ерларни саноат обьектлари, якка тартибдаги ва кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратишга ушбу мақсадлар учун илгари ажратилган худудларда бўш турган ер участкалари қолмаган тақдирда ҳамда реновация ва реконструкция қилиш орқали мавжуд қувватларни ошириш чоралари кўрилганидан кейин, шунингдек саноат мақсадларида кўп қаватли ишлаб чиқариш майдонларини устувор тартибда қуриш шарти билан йўл қўйилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда ҳар бир орган билдирилган таклифни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида бир ой ичидан ўз хulosасини тақдим этади. Сугориладиган ерларни ер фондининг бошқа тоифасига ёки сугорилмайдиган ерларга ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида камиде иккита орган томонидан хulosалар тақдим этилган ҳолларда мазкур масала кўриб чиқилмайди.

Хulosалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида фаолият кўрсатадиган Хукумат комиссияси томонидан умумлаштирилади ва кўриб чиқиш учун ярим йилда бир марта фармойиши лойихаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши лойихасида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши керак»;

**12) 45<sup>1</sup>-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига бўлган ҳуқук бекор қилиниши муносабати билан туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қайтирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалариридир.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари белгилangan тартибда туман, шаҳар ҳокимининг қарорига асосан давлат ер кадастрида хисобга олинади.

Жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун бериш факат бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ҳамда захира фонди ерлари хисобидан амалга оширилади»;

**13) 87-модда:**

**иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва ўрмон фонди ерларида ички хўжалик ер тузиш лойиҳасига мувофиқ ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган қурилиш объектларини жойлаштирадиган (қурадиган) юридик ва жисмоний шахслар»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкаси бўлинган ҳамда бир нечта юридик ва жисмоний шахсларга берилган (реализация қилинган) тақдирда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни бўлинган ер участкаларининг майдонига мутаносиб равишда қопланади.

Ер участкалари электрон онлайн-аукцион воситасида реализация қилинганда, шунингдек баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати бўйича тўғридан-тўғри реализация қилинганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари миқдори алоҳида кўрсатилиши ва тўланиши керак»;

**учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қолган барча ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни тўлиқ қопланиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун харажатлар сметаларида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш учун маблағлар назарда тутилиши керак».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илюва; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар, № 2, 188, 194-моддалар)

**445-моддасига** қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

**иккинчи қисмининг бешинчи хатбоиси** «1,1 оширувчи коэффициент қўлланилади» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер ости сув манбаларидан сув ўлчаш ускуналарисиз сув олинганда солик ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари миқдорида белгиланади. Бунда мазкур қоида жисмоний шахслар томонидан шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун суткасига 5 метр кубгача бўлган хажмда ер ости сувларини якка тартибда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги ЎРҚ-635-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 492-модда; 2021 йил, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 574-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсан:

**1) 11-модданинг:**

**номидаги «Давлат солиқ қўмитаси»** деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**биринчи хатбошисидаги** «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**2) 12-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси раҳбарлари киритилади»;

**3) 15-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Маъмурий-худудий бирликларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги томонидан уларни Маъмурий-худудий бирликларнинг давлат реестрига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигига киритиши шарт.

Маъмурий-худудий бирликларнинг давлат реестри қўйидагилар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади:

маъмурий-худудий бирликларнинг тоифалари ва номлари;

объектни маъмурий-худудий белгилашнинг тизимли коди (маъмурий-худудий бирликнинг мансублигини аникловчи код);

маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказлари;

маъмурий-худудий бирликларнинг тавсифлари ва картографик чизмалари;

маъмурий-худудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегаралари ни ўзгартириш, маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказларини

белгилаш ва кўчириш, маъмурий-худудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш саналари;

маъмурий-худудий бирлик таркибига кирувчи маъмурий-худудий бирликларнинг объектни маъмурий-худудий белгилашнинг тизимли коди кўрсатилган рўйхати;

маъмурий-худудий бирлик таркибига кирувчи маъмурий-худудий бирликларнинг рўйхати;

маъмурий-худудий бирликнинг муайян маъмурий-худудий бирлик таркибига мансублиги;

маъмурий-худудий бирликлар майдони ва уларнинг худудида яшайдиган аҳоли сони (аҳолини охирги рўйхатга олиш маълумотлари бўйича)»;

4) **45-модданинг матнидаги «Давлат солик қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ-701-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар; 2025 йил, № 1, 3, 6-моддалар, № 2, 189, 197-моддалар) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **2-илованинг 57-позицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

57.	Ер ости сувларига қудукларни бурғилаш бўйича фаолиятга доир рухсатнома	Ер ости сувларига қудукларни бурғилаш бўйича фаолият.	Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
-----	--	---	---

»;

2) **4-илова II бўлимиининг 48-позицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

48.	Ер ости сувларига қудукларни бурғилаш бўйича фаолиятга доир рухсатнома	150
-----	--	-----

».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминласин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси, 2-моддаси 8-бандининг учинчи хатбошиси, 3, 5-моддалари мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
ЎРҚ-1062-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **218 Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиши тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чорта-тадбирлар тўғрисида\***

Таълим ташкилотларида ўкув ва илмий-тадқиқот жараёнларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида **қарор қиласман**:

##### **I. Мақсад**

1. Ушбу Фармоннинг асосий мақсади таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш механизmlарини белгилаш ҳамда кўрса-тилаётган таълим хизматлари сифатини ошириш ҳисобланади.

##### **II. Таълим сифатини ташқи баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш**

2. «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офиси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузурида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Агентлик ўрта маҳсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини амалга оширувчи маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Кўйидагилар:

Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

##### **III. Таълим сифатини таъминлаш**

4. Белгилансинки, Агентлик таълим сифатини ташқи баҳолашни қўйидаги шаклларда амалга оширади:

(а) идоравий мансублиги ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар ўрта маҳсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 6 майда эълон қилинган.

ни (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказади. Бунда:

(i) комплекс давлат аккредитацияси хар 5 йилда таълим ташкилотларини ташки баҳолаш натижалари асосида ўтказилади;

(ii) махсус давлат аккредитацияси кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилаётган таълим дастурлари бўйича ўқув жараёни бошланишидан олдин ўтказилади;

(б) таълим ташкилотини хавфни таҳлил қилиш (мурожаатлар, сўровнома асосида аниқланган камчиликлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар материаллари ва бошқа ишончли маълумотлар) асосида навбатдан ташқари ўрганади. Бунда:

(i) хавфни таҳлил қилиш жараёнида камчиликлар аниқланганда Агентлик таълим ташкилотига бу ҳақда тақдимнома киритади ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун муддат белгилайди;

(ii) камчиликларнинг белгиланган муддатда бартараф этилмаганлиги таълим ташкилотини навбатдан ташқари комплекс давлат аккредитациясидан ўтказишга асос бўлади ҳамда бу ҳақда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги хабардор қилинади.

Бунда давлат аккредитацияси ва хавфни таҳлил қилиш натижаси бўйича Агентлик тақдимномасида қўрсатилган камчиликларни бартараф этиш таълим ташкилотлари учун мажбурий хисобланади;

(в) таълим ташкилотларида таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари сифатини қиёсий таққослаш асосида уларнинг миллий рейтингини юритади;

(г) таълим ташкилотлари битирувчилари билим ва кўнкимасига баҳо бериш ва уларнинг замонавий меҳнат бозори талабларига мослигини ўрганиш мақсадида Умуммиллий иш берувчилар сўровномасини ўтказади;

(д) таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабаларининг таълим сифати бўйича фикрларини ўрганишга қаратилган Умуммиллий талабалар сўровномасини ўтказади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси тўлов асосида амалга оширилади ҳамда ундан тушган маблағлар аккредитацияни ўтказиш билан боғлиқ (жумладан, жалб қилинган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш) харжатларни қоплашга йўналтирилади;

(б) Агентлик республика ҳудудида фаолиятини амалга ошириш хукуқи бериладиган халкаро, хорижий ва нодавлат аккредитация ташкилотларига қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда уларнинг реестрини юритади. Бунда мазкур реестрга киритилган ташкилотлар томонидан таълим дастурларини аккредитацияядан ўтказиш тавсиявий характерга эга бўлади;

(в) 2025 йилга қадар битирувчиси бўлмаган ҳамда аккредитацияядан ўтмаган таълим йўналишлари ва мутахассисларни мазкур ташкилотни комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш даврида махсус давлат аккредитациясидан ҳам ўтказилади;

(г) таълим ташкилотининг комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаганлиги ёки ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни белгиланган

муддатларда бартараф этмаганлиги лицензия талаб ва шартларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланади ҳамда Агентлик лицензияни бекор қилиш масаласини ҳал этиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдимнома киритади;

(д) комплекс давлат аккредитацияси натижаларига кўра муайян таълим дастурида аниқланган қўпол камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда ушбу таълим дастури бўйича ўқув фаолиятини давом эттириш ва қабулни амалга оширишга йўл қўйилмайди;

(е) лицензияси бекор қилинган таълим ташкилоти ёки аккредитацияси бекор қилинган таълим дастурида таҳсил олаётган талабалар ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим ўйналишлари ва мутахассисликларига белгиланган тартибда кўчириш Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

#### **IV. Таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш**

6. Белгилансинки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб янги ташкил этиладиган таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш қўйидаги икки босқичда амалга оширилади:

(а) биринчи босқичда фаолиятни бошлаш учун ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим ташкилотлари ўрнатилган тартибда лицензияланади, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим ташкилотлари хабардор қилиш тартибда ташкил этилади;

(б) иккинчи босқичда таълим ташкилотларининг кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган таълим дастурлари (каслар, таълим ўйналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курслар) махсус давлат аккредитациясидан ўтказилади. Бунда:

(i) махсус давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим дастурлари бўйича таълим олувчиларни ўқишига қабул қилишга йўл қўйилмайди;

(ii) махсус давлат аккредитациясидан ўтмасдан қабул жараёнини амалга ошириш лицензия талаб ва шартларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланади ва таълим ташкилотига берилган лицензиянинг бекор қилинишига (фаолиятининг тўхтатилишига) асос бўлади.

7. Белгилансинки:

(а) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг сиртқи шаклига қабул тугатилиб, кундузги таълимдан бошқа муқобил таълим шакллари бўйича қабул квоталари босқичма-босқич ошириб борилади;

(б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

(i) олий таълим ташкилотларининг муқобил таълим шакллари бўйича умумий қабул квотасини кундузги таълим шакли қабул натижасининг 50 фойзидан оширишга йўл қўйилмайди;

(ii) магистратура босқичида муқобил таълим шакллари асосида илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга рухсат берилади;

(iii) олий таълим ташкилотларида муқобил таълимнинг кредит-модул тизимига асосланган мақбуллаштирилган кундузги таълим шакли (part-time education) бўйича ўқитиши ўйлга қўйишга рухсат берилади;

(iv) муқобил таълим шаклларига талабаларни белгиланган меъёрдан ортича қабул қилиш лицензия талаб ва шартларини қўпол равища бузиш деб баҳоланади ҳамда лицензияни бекор қилиш учун асос ҳисобланади;

(в) идоравий мансублиги ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар хар бир таълим ташкилоти таркибида умумий штатлар доирасида ички таълим сифати аудитини амалга оширишга масъул ички таълим сифати назорати бўйимлари ташкил этилади.

#### **V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

8. Таълим сифатини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» З-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

(а) бир ой муддатда Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китобларга асосан Агентликни зарур мебель, жихоз ва компьютер воситалари билан таъминласин;

(б) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсан.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
ПФ-76-сон

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 5 майдаги  
ПФ-76-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг асосий  
фаолият йўналишлари**

Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

- (а) идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) ташқи баҳолашни амалга ошириш;
- (б) таълим ташкилотларида таълим сифати маданиятини шакллантириш, ички сифат назорати мезонлари ва тартибларини такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш бўйича услубий тавсиялар бериш;
- (в) таълим сифатини баҳолаш мезонлари ва усулларини халқаро стандартлар ва илфор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;
- (г) таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш юзасидан илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда сўровномалар ўтказиш;
- (д) таълим сифатини таъминлаш йўналишида халқаро алоқаларни кенгайтириш, сифатни баҳолаш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда миллий аккредитация тизимининг халқаро даражада тан олинишини таъминлаш;
- (е) таълим сифатини баҳолаш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва манфаатдор томонлар иштироқида йиллик хисоботларни эълон қилиб бориш;
- (ж) таълим соҳасидаги давлат дастурлари ва стратегияларида белгиланган мақсадли кўрсаткич ва натижаларга эришилишини таҳлил қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;
- (з) таълим ва илмий-тадқиқот соҳасини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва истиқболли ташабbusларни илгари суриш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 5 майдаги  
ПФ-76-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги фаолиятини  
ташкил этиш тартиби**

1. Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятининг хуқуқий асослари:
  - (а) Агентлик ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлади;
  - (б) Агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиклик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади;
  - (в) Агентлик таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш ўйллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради;
  - (г) давлат органлари раҳбарлари Агентликка ҳар томонлама кўмаклашади, шу жумладан, унинг сўровига кўра марказий аппарат ва тизим ташкилотлари ходимларининг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни сақлаб қолган ҳолда эксперт сифатида юборилишини таъминлайди;
  - (д) ўрта маҳсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мала-каларни баҳолаш соҳаларида ишлаб чиқиладиган норматив-хуқуқий хужжатлар ва таълим жараёнига оид давлат таълим стандартлари (талаблари) лойиҳалари мажбурий тартибда Агентлик билан келишилади;
  - (е) Агентлик ўз ваколатлари доирасида таълим сифатини баҳолаш мақсадида таълим ташкилотлари ҳудуди ва биноларига белгиланган тартибда киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли;
  - (ж) Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи;
  - (з) Агентлик «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офисининг хуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича хуқуқий вориси ҳисобланади.
2. Агентликка ўз вазифаларини амалга ошириш учун қўйидаги хуқуқлар берилади:
  - (а) давлат органлари ва ташкилотларидан, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни олиш;
  - (б) ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат органлари ва ташкилотларидан зарур маълумотларни бепул, жумладан, «Электрон хукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали олиш;
  - (в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг таълим жараёнла-

рини бошқариш ахборот тизимларидан (HEMIS, EMIS) ва олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизимидан тўсиқсиз фойдаланиш;

(г) давлат органлари ва ташкилотларига, жумладан, таълим ташкилотларига таълим сифатини ошириш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

(д) ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тажрибали хорижий ва маҳаллий экспертларни ҳамда нодавлат (хусусий) ташкилотларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида, жумладан, аутсорсинг шаклида ёллаш;

(е) жалб қилинган хорижий ва маҳаллий экспертларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан, маблағларни уларнинг хориждаги хисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш;

(ж) мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ҳолат ва қонунчиликдаги ўзгарышлар ҳамда жаҳон таълим маконидаги замонавий тенденциялардан келиб чиқиб, комплекс ва маҳсус давлат аккредитациясидан ўтказиш талаб ва мезонларини янгилаб бориш;

(з) таълим сифатини таъминлаш, аккредитация, рейтинг ва бошқа масалалар юзасидан халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш.

3. Агентликнинг 62 та штат бирлиги қўйидаги штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади:

(а) тугатилаётган «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офицининг мавжуд 30 та штат бирлиги;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 4 та, Инновацион ривожланиш агентлигининг 3 та, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг 3 та бошқарув штат бирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 22 та штат бирлиги.

4. Миллий малака тизимини ривожлантириш институти Агентлик таркиби га ўтказилади.

5. Агентликнинг низоми ва тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан тасдиқланади.

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринbosарига тенглаштирилади.

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланадиган икки нафар ўринbosарга эга бўлади.

Агентлик директори ўринbosарлари ва ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигига тенглаштирилади.

Агентлик директорига Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-

нистрацияси билан келишган ҳолда, зарур ҳолларда, Агентликнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилади.

6. Агентлик фаолиятини молиялаштириш:

- (а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
- (б) Агентликнинг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;
- (в) аккредитациядан ўтказиш, шунингдек, шартнома асосида бошқа хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;
- (г) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтингча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- (д) ҳомийлик ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**219 Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини  
қўллаб-қувватлаш, уларда касбий кўникмаларини ривож-  
лантириш ва рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-  
сида**

Иқтидорли ёшлар ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, ил-  
мий ва бошқа ташкилотларда таълим олишини ташкил этиш ҳамда давлат  
хизматчиларини хорижий мамлакатларда ўқитиш ва стажировкасини ташкил  
етиш орқали уларнинг касбий кўникмалари, билими ва тажрибасини янада  
ошириш мақсадида **қарор қиласман:**

**I. Фаолиятни самарали ташкил қилиш ва трансформация  
қилиш**

1. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулокот  
қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Пре-  
зиденти хузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт уми-  
ди» жамғармаси (кейинги ўринларда — «Эл-юрт умиди» жамғармаси) этиб  
қайта ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, «Эл-юрт умиди» жамғармаси мутахассисларни хо-  
рижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулокот қилиш бўйича «Эл-юрт уми-  
ди» жамғармасининг хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича унинг хуқуқий вориси  
ҳисобланади.

3. «Эл-юрт умиди» жамғармасининг асосий вазифалари этиб қўйидаги-  
лар белгилансин:

(а) профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган кадрларга бўлган талаабни ўрганиб бо-  
риш асосида иқтидорли ва истиқболли мутахассисларни тизимли равишда  
аниқлаш, танлаш ва уларнинг хориждаги давлат ва нодавлат муассасалари  
ҳамда илмий-таълим ташкилотларда таълим олишини ташкил этиш;

(б) вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари, шу-  
нингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказ-  
лари истиқболли мутахассисларининг ривожланган мамлакатлардаги етакчи  
университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотларда мақ-  
садли стажировкасини ташкил этиш;

(в) номзодларни вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг страт-  
егик корхоналари эҳтиёжларига мос ҳолда профессионал йўналтириш чо-  
ра-тадбирларини амалга ошириш;

(г) вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхона-  
лари томонидан фойдаланиладиган стипендиатлар тўғрисидаги маълумотлар  
базасини шакллантириб бориш;

(д) стипендиатларнинг Ўзбекистонга қайтгандан сўнг меҳнат фаолияти

ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар киритиш;

(е) мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада ошириш учун стипендиятлар салоҳиятидан самараали фойдаланиш;

(ж) давлат тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, хорижда ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш ва бу билан боғлик харажатларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

(з) хорижий университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — хорижий ташкилотлар) билан таълим, тадқиқот ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

(и) Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасалари, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида фаолият юритаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни Ўзбекистонда фаолият юритиш учун жалб қилишга кўмаклашиш;

(к) олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган, Scopus тизимида «Хирш» индекси (h-индекс) юкори бўлган олим, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни ўкув курс ва фанларни ўқитиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш учун жалб этишга кўмаклашиш;

(л) олий таълим муассасаларининг асослантирилган таклифлари бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда THE (The Times High Education) халқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтингида биринчи 300 таликка киритилган хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, уларнинг Ўзбекистон худудидаги филиалларини очиш бўйича харажатларини ҳамда хорижий мамлакатлар ёшларини миллий олий таълим муассасаларида ўқишини молиялаштиришга кўмаклашиш.

4. «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини самараали йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш мақсадида «Эл-юрт умиди» жамғармасининг Бошқарув кенгashi (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгashi) тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилансинки, Бошқарув кенгashi «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятига қўйидаги устувор масалаларда кўмаклашади ва тегишли қарорлар қабул қиласди:

(а) «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини стратегик ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини янада ошириш, моддий-техник салоҳиятини кучайтириш ва ушбу жараёнларга грантларни жалб этиш;

(б) таълим соҳалари кесимида стипендияларнинг ҳамда мақсадли стажировканинг йўналишлари ва квоталарини тасдиқлаш, шунингдек, танловда рақобат даражасини эътиборга олган ҳолда, мазкур квоталарга ўзгартиришлар киритиш;

(в) мақсадли стажировка ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дастурлари бўйича стипендия танловлари натижаларига асосан ғолиблар рўйхатини тасдиқлаш;

(г) «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали хорижда таълим олган стипендиатлар ва мақсадли стажировка ўтаган мутахассисларни муносаб ишга жойлаштириш, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда қайта тақсимлаш ҳамда касбий ва карьеравий ўстириш юзасидан назорат қилишни ташкил этиш;

(д) мақсадли стажировкани ўташ ҳамда бакалавриат, магистратура ва докторантурасида таълим олиш йўналишлари бўйича харажатлар миқдорини белгилаш ва тақсимлаш;

(е) «Эл-юрт умиди» жамғармасининг тузилмасини тасдиқлаш, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан шартнома асосида мутахассисларни ушбу жамғарма фаолиятига жалб қилиш, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш ва улардан ходимларни моддий рағбатлантириш тартиби-ни белгилаш.

## **II. Хорижий стажировка ва таълим дастурларини тақомиллаштириш**

6. «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан ташкил этиладиган иқтидорли мутахассисларнинг хорижий стажировка ва таълим дастурлари тизими қуёйидаги тартибда жорий этилсин:

(а) истиқболи ва талаб юкори бўлган мутахассисларни ташкил этиладиган иқтидорли мутахассисларнинг хорижий стажировка ва таълим дастурлари тизими қуёйидаги тартибда жорий этилсан; (б) очиқ стипендия танловларига асосланган хорижий нуфузли олий таълим, илмий ва бошқа ташкилотларнинг бакалавриат, магистратура ва докторантурасида таълим олиш.

7. Белгилансинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва бошқа йўналишларда «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағларни хисобидан мақсадли стажировка дастури қўйидаги тартибда амалга оширилади:

(а) вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари ходимлари, шунингдек, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари ўқитувчи ва мутахассислари орасидан мақсадли стажировкага юбориладиган номзодлар рўйхати шакллантирилади ҳамда улар тегишли ташкилотга қайтгандан сўнг кейинги икки йил давомида бажариши лозим бўлган аниқ вазифалар бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқлади;

(б) ҳар йили 1 февралга қадар вазирликлар, идоралар ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида лавозим ва йўналишлар кесимида, танланган номзодларнинг стажировкасини ташкил қилиш мумкин бўлган хорижий ташкилотлар ва стажировка муддати бўйича асослантирилган маълумотларни, шунингдек, номзод-

лар стажировкани тамомлагач бажарадиган вазифалари ва эришиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар рўйхатини Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига тақдим этади;

(в) тармоқ йўналишлари бўйича стажировка дастурининг хорижий мамлакатлар кесимидағи квоталари хар йили вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари маълумотлари ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таклифлари асосида «Эл-юрт умиди» жамғармаси Башқарув кенгаши томонидан белгиланади ҳамда хар йили 1 апрелга қадар Агентлик томонидан ўтказиладиган танлов натижалари асосида ғолиблар аниқланади;

(г) стажировка ташкил этиладиган хорижий ташкилотлар ва стажировка муддати буюртмачилар, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан белгиланади;

(д) мақсадли стажировкага юбориладиган мутахассисларнинг стажировка ўташда зарур бўладиган хорижий тилни ўрганиши учун вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари томонидан тегишли шароитлар яратиб берилади, шу жумладан, хорижий тилни ўрганиш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

8. Вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари ходимларининг мақсадли стажировкасини ташкил этишда:

(а) стажировка дастурлари, уларни ўтказиш даврийлиги, муддатлари, хорижда амалиёт ўташ жойи ва харажатлар бўйича маълумотни ҳалқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алока ўрнатган ҳолда тайёрлади;

(б) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан биргаликда стажировкага юборилган мутахассиснинг консуллик ҳисобида туришини таъминлайди, хориждаги хаёти ва соғлиғидан, шунингдек, уларнинг стажировкаси, моддий ва майший ахволидан хабардор бўлиб боради ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан ҳамкорликда унинг муаммоларини бартараф этиш чораларини кўради;

(в) «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировкага юборилган ходимнинг стажировка муддати давомида эгаллаб турган лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи сақланишини таъминлайди, шунингдек, хизмат бўйича биринчи навбатда ўстириш чораларини кўради.

9. «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий нуфузли таълим, илмий ва бошқа ташкилотларининг бакалавриат, магистратура ва докторантурда дастурлари бўйича таълим олиш учун энг муносиб номзодларни саралаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эл-юрт умиди» стипендияси жорий этилсин.

10. Белгилансинки:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эл-юрт умиди» стипендияси ғолиблари очиқ танлов асосида тест синовлари ва сухбат ўтказиш орқали аниқланади;

(б) тест синовлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ташкиллаштирилади ҳамда мазкур жараёнга аутсорсинг асосида ихтиослаштирилган маҳаллий ёки чет эл нодавлат ташкилоти жалб қилинади;

(в) тест синовларида номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва креативлик қобилиялари, психологик барқарорлиги баҳоланади;

(г) очиқ стипендия танловини Бошқарув кенгаши томонидан ташкил этиладиган ҳамда иш регламенти тасдиқланадиган танлов комиссияси ўтказади. Бунда:

(i) танлов комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Махкамаси, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, жамоатчилик фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил эксперталар, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали хорижда ўқиб қайтиб келган стипендиатлар киритилади;

(ii) танлов комиссия аъзоларининг камидаги 50 фоизи нодавлат ташкилотлар вакиллари бўлиши талаб этилади ва унинг таркиби ҳар йили камидаги 30 фоизга янгилаб борилади;

(д) танловлардаги сухбат жараёнлари ёзиб олинади ва онлайн овозли трансляция қилинади ҳамда келгуси номзодлар тайёргарлик кўриши учун имконият яратиш мақсадида маҳсус платформада жойлаштирилади;

(е) бакалавриат бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда магистратура ва докторантураси бўйича THE (The Times Higher Education) халқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтинги натижаларига кўра:

(i) биринчи 100 таликка киритилган хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурлари бўйича ўқиши харажатлари (tuition fee) тўлиқ қопланадиган грант асосида қабул қилинган номзодларга «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари танловларсиз ажратилади;

(ii) биринчи 300 таликка киритилган хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурлари бўйича ўқиши харажатлари (tuition fee) тўлиқ қопланадиган грант асосида қабул қилинган номзодларга халқаро транспорт ва туаржой харажатлари учун «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари танловларсиз ажратилади;

(iii) биринчи 20 таликка киритилган хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқиши харажатлари (tuition fee) камидаги 50 фоиз қопланадиган грант асосида қабул қилинган Президент, ижод ва ихтиослаштирилган мактаблари битирувчиларига «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари танловларсиз ажратилади.

11. Белгилаб қўйилсинки, бакалавриат, магистратура ва докторантураси дастурлари бўйича таълим олиш учун стипендия квоталарини ажратишда STEM йўналишлари (ilm-fan, технология, муҳандислик ва математика) ҳамда иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига (энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура ва қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геодезия, ер мұносабатлари), шунингдек, давлат бошқаруви ва бошқа долзарб ижтимоий йўналишларга (тиббиёт, таълим) мақсадли асосда устуворлик берилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) «Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурларини муваффақиятли

тамомлаган стипендиатлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун устувор ҳисобланган соҳалар бўйича етакчи халқаро ташкилотлар, хорижий муассасалар ва йирик компанияларида стажировка ўташига ёки амалий фаолият билан шуфулланишига рухсат берилади. Бунда:

(i) стипендиатнинг хорижда стажировка ўташи ёки амалий фаолият билан шуфулланиши шартлари «Эл-юрт умиди» жамғармаси, стипендиат ва иш берувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади ҳамда стажировка вақти мажбурий тартибда ишлаб бериш муддатига киритилмайди;

(ii) хорижда стажировка ўташ ёки амалий фаолият билан шуфулланиш мумкин бўлган хорижий ташкилотлар рўйхати ҳамда унинг муддати вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари ва бошқа буюртмачиларнинг асослантирилган тавсияларига мувофиқ «Эл-юрт умиди» жамғармаси Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланади;

(б) стипендиатнинг асослантирилган таклифига кўра Бошқарув кенгаши томонидан унинг узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини таълим, илмий-тадқиқотлар ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ёки давлат-хусусий шериклик шарти асосида ташкил этилган ҳамда жамиятда мұхим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган хусусий корхоналар ва нодавлат ташкилотларида ўташга рухсат берилиши мумкин.

13. «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан мақсадли стажировка ўтаган мутахассислар ва ўқишни якунлаган стипендиатларнинг ишлаб бериш мажбурияти бўйича қўйидаги тартиб ўрнатилсин:

(а) олинган билим ва амалий кўникмаларни иш берувчи ташкилотларда татбиқ қилиш мақсадида қўйидаги муддатларда тўлиқ бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланди:

(i) мақсадли стажировка учун — 2 йил;

(ii) бакалавриат учун — 5 йил;

(iii) магистратура учун — 3 йил;

(iv) докторантура учун — 5 йил;

(б) мақсадли стажировкани ўтаган мутахассислар ва ўқишни якунлаган стипендиатларнинг қайтгандан сўнг, хорижда олган илфор назарий билим ва тажрибаларини амалиётга жорий этиши ҳамда хизмат бўйича ўсишига зарур шароитлар яратиб боришига тегишли вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари ва бошқа иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари масъул ҳисобланади. Бунда мазкур жараёнлар Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва мониторинг қилиб борилади;

(в) шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, сарфланган барча харжатларнинг икки баробари миқдорида мақсадли стажировка ўтаган мутахассиснинг ёки стипендиатнинг ўзи ва молиявий (қўшимча) кафиллари томонидан қопланади.

### **III. Ташкилий чора-тадбирлар**

14. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадр-

ларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

(б) «Эл-юрт умиди» жамғармасининг истиқболли кадрларни хорижда мақсадли тайёрлашга қаратилган таълим дастурлари бўйича очик стипендия танловини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

(в) Иқтидорли мутахассисларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар юзасидан «йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

#### 15. Белгилансинки:

(а) стипендиатларнинг хорижда таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари ва илмий даражалари махсус синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади;

(б) стипендиатларнинг таълим олиш харажатлари бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташаббуси билан хорижий ҳамкорлардан стипендиатларнинг ўқиш харажатлари учун олинган чегирма натижасида тежалган маблағларнинг 5 фоизи ушбу жамғарманинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади ҳамда Жамғарма ходимларини моддий рағбатлантиришга ва моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланади;

(в) эришилган чегирма миқдорини аниқлаш, шунингдек, ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда уларни рағбатлантириш тартиби Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

#### 16. Белгилаб қўйилсанки:

(а) «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ижрочи директор раҳбарлик қиласи;

(б) «Эл-юрт умиди» жамғармаси бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 28 нафардан иборат бўлади;

(в) «Эл-юрт умиди» жамғармасининг ижрочи директори унинг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади;

(г) «Эл-юрт умиди» жамғармасининг ижрочи директори мақоми, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчisinинг ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудирига тенгглаштирилади;

(д) «Эл-юрт умиди» жамғармаси ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбик этилади.

17. «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатларини хориждаги таълим ва тадқиқот даврида доимий қўллаб-қувватлаш бўйича қўйидаги тизим жорий этилсин:

(а) «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан:

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(i) маҳсус онлайн платформа орқали тизимли равиша стипендиатлар орасида сўровнома ўтказиш ва уларнинг ташабbusларини ўрганиш тизими йўлга қўйилади;

(ii) таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатиш орқали стипендиатларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ҳамкор ташкилот маъмуриятининг стипендиатлар тўғрисидаги фикрлари ўрганиб борилади;

(iii) стипендиатларнинг таълим ва тадқиқот натижалари ҳамда муваффақиятлари тўғрисида уларнинг ота-онаси ёки ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилиб борилади;

(б) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик муассасалари раҳбарлари томонидан:

(i) стипендиатлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб борилади ҳамда уларнинг хориждаги кундалик ҳаётида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва таълим дастурларини муваффақиятли якунлаши учун ҳар томонлама ҳуқуқий ва ташкилий кўмак кўрсатилади;

(ii) стипендиатлар билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида «Эл-юрт умиди» жамғармаси хабардор қилиб борилади;

(в) стипендиатларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида қўйидаги масалалар учун масъул бўлган ҳамда маслаҳат органи сифатида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатларининг ота-оналар кенгаши ташкил этилади:

(i) танловларни ўтказишида адолатлилик ва шаффофлик принциплари таъминланишини янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар бериш, шу жумладан, Бошқарув кенгашининг тегишли йиғилишларида иштирок этиш;

(ii) хорижда таълим олаётган стипендиатлар билан доимий мулоқотни таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда дуч келаётган муаммоларига биргаликда ечим излаш, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнларида «Эл-юрт умиди» жамғармасига кўмаклашиш;

(iii) стипендиатларга яратилган шарт-шароитлар, улар эришаётган ютуқларни жамоатчиликка етказиш, ёшлар ва ота-оналар ўртасида билим олиш ва нуфузли олий таълим муассасаларида ўқишини кенг тарғиб қилиш.

18. «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари сонининг ошиб боришини эътиборга олиб, 2025 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикасининг АҚШ (Вашингтон шаҳри) ҳамда Буюк Британиядаги (Лондон шаҳри) дипломатик ваколатхоналари бошқарув тузилмасидаги мавжуд штат бирликлари доирасида «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари билан ишлаш бўйича масъул ҳисобланадиган биринчи котиб штат бирлиги жорий этилсин.

#### **IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

19. «Эл-юрт умиди» жамғармаси:

(а) олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Scopus тизимининг «Хирш» индекси (h-индекс) бешдан юқори бўлган олим, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни тингловчилар, талабалар ҳамда Президент, ижод ва

ихтисослаштирилган мактаблари ўқувчиларига ўқув курслари ва фанларни ўқитиш учун жалб этиш ва молиялаштириш юзасидан зарур чораларни кўриб борсин;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрга қадар нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари, уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги филиалларини очиш, нуфузли олимларни Ўзбекистонда фаолият олиб бориш учун жалб қилиш бўйича харажатларни ҳамда хорижий мамлакатлар ёшлигининг миллий олий таълим муассасаларида ўқишини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(в) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар:

(i) вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари истиқболли мутахассисларининг ривожланган мамлакатлардаги етакчи университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотларда мақсадли стажировкасини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

(ii) бакалавриат, магистратура ва докторантурা битиравчиларини муносиб ишга жойлаштириш ва ташкилотларга қайта тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда битиравчиларни тавсиянома ва уларнинг компетенцияларини баҳолаш натижаларига кўра муносиб ишга жойлаштириш ва ташкилотларга қайта тақсимлашнинг аниқ механизмлари назарда тутилсин;

(г) Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда стипендиатлар билан доимий мулоқот майдонини яратиш мақсадида 2025 йил 1 августга қадар Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларининг «Президент олтин фонд» платформасига интеграция қилинадиган «Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими» электрон портали ишга туширилишини таъминласин;

(д) икки ой муддатда Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси базасида давлат органлари ва ташкилотларидаги истеъоддли кадрларнинг нуфузли халқаро академик рейтингларнинг энг юкори 100 талик рўйхатидаги таълим муассасалари магистратурасида ўқитиш харажатларини тўлиқ қоплайдиган хорижий грантларни қўлга киритишга қаратилган маҳсус курсларда тайёрлаш ҳамда уларни таълим олиш даврида қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича таклифларини Бошқарув кенгашига киритсин;

(е) уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(ж) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ҳар йили Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган медиарежага мувофиқ оммавий ахборот воситаларида «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолияти, стипендиатларнинг эришган ютуқлари ва ушбу Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти бўйича чиқишилар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси F.F. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
ПФ-77-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 5 майдаги  
ПФ-77-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича  
«Эл-юрт умиди» жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг (кеянги ўринларда — Жамғарма) мақсадлари, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ҳисобланади ва унинг фаолияти Бошқарув кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

4. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил баланси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварақлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилидаги ўз номи туширилган муҳр, штамп ва бошқа белгиларига эга.

5. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси;

қисқартирилган — «Эл-юрт умиди» жамғармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ — Фонд «Эл-юрт умиди» по подготовке перспективных кадров при Президенте Республики Узбекистан;

қисқартирилган — Фонд «Эл-юрт умиди»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ — «El-Yurt Umidi» Foundation for the Training of Prospective Personnel under the President of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган — «El-yurt umidi» Foundation.

## **2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари**

6. Қўйидагилар «Эл-юрт умиди» жамғармасининг асосий вазифалари ҳи-собланади:

профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган кадрларга бўлган талабни ўрганиб бориш асосида иқтидорли ва истиқболли мутахассисларни тизимли равишда аниқлаш, танлаш ва уларнинг хориждаги давлат ва нодавлат муассасалари ҳамда илмий-таълим ташкилотларда таълим олишини ташкил этиш;

вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари истиқболли мутахассисларининг ривожланган мамлакатлардаги етакчи университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотларда мақсадли стажировкасини ташкил этиш;

номзодларни вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари эҳтиёжларига мос ҳолда профессионал йўналтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари томонидан фойдаланиладиган стипендиатлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириб бориш;

стипендиатларнинг Ўзбекистонга қайтгандан сўнг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносаб шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар киритиш;

мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада ошириш учун стипендиатлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, унибўйсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, хорижда ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш ва бу билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

хорижий университетлар, илмий марказлар, турли компания ва ташкилотлар билан таълим, тадқиқот ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва тиббиёт муассасалари, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида фаолият юритаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни Ўзбекистонда фаолият юритиш учун жалб қилишга кўмаклашиш;

олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган, Scopus тизимида «Хирш» индекси (h-индекс) юқори бўлган олим, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни ўқув курс ва фанларни ўқитиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш учун жалб этишга кўмаклашиш;

олий таълим муассасаларининг асослантирилган таклифлари бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда THE (The Times High Education) ҳалқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтингида биринчи 300 таликка киритилган хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, уларнинг Ўзбекистон худудидаги филиалларини очиш бўйича ҳаражатларини ҳамда хорижий мамлакатлар ёшлигини миллий олий таълим муассасаларида ўқишини молиялаштиришга кўмаклашиш.

### **3-боб. Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари**

7. Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлилий марказлари ходимлари, шунингдек, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари ўқитувчи ва мутахассисларининг муддати 1 ойдан 6 ойга қадар бўлган мақсадли стажировкадан ўтиш дастурларини ташкил этиш ва молиялаштириш;

хорижий нуфузли таълим, илмий ва бошқа ташкилотларининг бакалавриат, магистратура ва докторантурасида таълим олиш дастурлари бўйича очиқ стипендия танловларини ташкил этиш ва молиялаштириш;

иктидорли ва истиқболли кадрларни илфор хорижий таълим ва илмий муассасалар, компаниялар ва бошқа ташкилотлар фаолияти билан таништириш мақсадида ҳалқаро конференциялар, форумлар, кўргазмалар, семинарлар ва бошқа илмий-амалий тадбирлар, шу жумладан онлайн шаклда ташкил этиш ва молиялаштириш;

Жамғарма стипендиатларининг хорижда таълим олиши ёки стажировка ўташини ташкил этиш ва молиялаштириш, мазкур жараёнлар мониторингини юритиш, стипендиатларга зарур ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

Жамғарма стипендиатлари билан мунтазам алоқаларни йўлга кўйиш, уларнинг хорижда олган билим ва кўнилмаларини амалиётга жорий этишга ҳамда касбий камолотига кўмаклашиш мақсадида ҳар йили камидан бир маротаба стипендиатлар ва битиравчилар форумини ўтказиб бориш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қулай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳалар учун истиқболли мутахассисларни тайёрлаш мақсадида хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларни ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш.

#### **4-боб. Жамғарманинг ҳуқуқлари**

8. Жамғарма унга юқлатилган вазифалар ва фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан кадрларнинг хорижда таълим олиши бўйича ишлар ҳолати, хорижий мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва уларни, хусусан ватандошлар орасидан жалб этиш, шунингдек, айниқса давлат хизматига жалб этилган мутахассислар фаолияти самарадорлигига доир тегишли ахборотни сўраб олиш;

стипендиатларнинг нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим дастурларида таълим олиши бўйича мониторингини юритиш масалаларида тегишли хорижий ва маҳаллий ташкилотлар, Ўзбекистон хорижий ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига стипендиатлар хорижда ўқиши тутатганидан сўнг уларнинг республикадаги профессионал фаолияти мониторингини ўтказишга, уларни Ўзбекистонда муносаб ишга жойлаштиришга, қасбий ва мансаб поғоналарида кўтарилиши масалалари бўйича кўмаклашиш ҳамда бу борада вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳудудида ўз номидан ва ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахслар билан шартномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва имзолаш;

олий таълим муассасаларининг таълим жараёнлари, илмий ташкилотларда тадқиқотчилик фаолияти, шунингдек, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларда амалий фаолиятда иштирок этиши учун хорижлик етакчи ўқитувчилар, олимлар, мұхандис-техник кадрлар ҳамда мутахассисларни республикага белгиланган тартибда таклиф этиш ҳамда бу борадаги харажатларни (транспорт, уй-жой ижараси, тиббий сувурта, ойлик маош ва бошқалар) тўлиқ ёки қисман молиялаштириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ни амалга ошириш, уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги филиалларини очиш бўйича харажатларини ҳамда хорижий мамлакатлар ёшларини миллий олий таълим муассасаларида ўқишини молиялаштиришга кўмаклашиш;

Жамғарма таълим дастурларини ва мақсадли стажировкаларини ташкил этиш, шу жумладан республикага хорижий олимлар ва мутахассисларни, хусусан ватандошларни жалб қилиш учун ҳамкорлар билан биржа танловлари ва ваколатли органларда контрактлар (шартномалар) экспертизасини ўтказмаган холда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳудудида турли кўргазмалар, танловлар, конференциялар ва бошқа илмий ҳамда таълим тадбирларини ташкил этиш;

Жамғарма фаолиятига вазирликлар, идоралар, таълим, илмий ва бошқа муассасалар, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг илмий-педагогик кадрлари ҳамда мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш;

белгиланган тартибда республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган ҳалқаро таълим ҳамда илмий ташкилотлар, турли нодавлат

нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларининг муассиси ва ҳаммуассиси бўлиш;

шартнома асосида таълим, илмий, маслаҳат ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

Жамғарма таълим дастурларини ва мақсадли стажировкаларни амалга ошириш бўйича тузиладиган импорт контрактларини амалга ошириш муддатлари айнан ушбу контрактларда белгиланган муддатлар ҳисобланади.

Жамғарма қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолият билан ҳам шуфуланиш хукуқига эга.

### **5-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш**

9. Жамғарманинг олий бошқарув органи Бошқарув кенгаши ҳисобланади.

Бошқарув кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Бошқарув кенгашининг мажлислари раис ёки унинг топшириғига кўра раис ўринбосари раҳбарлигига ўтказилади.

Бошқарув кенгашининг мажлислари зарурат бўйича, аммо бир йилда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув кенгашининг қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

Бошқарув кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, Стипендиятлар, шунингдек, Жамғарманинг таълим дастурларида иштирок этаётган жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

10. Бошқарув кенгаши:

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва уни стратегик ривожлантириш, моддий-техник салоҳиятини кучайтириш ва ушбу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш, Жамғарманинг таълим ва бошқа дастурлари бўйича маблағларини тақсимлаш ва фойдаланишга оид масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;

таълим дастурлари ҳамда танлов ўтказиш йўналишлари бўйича талаб юкори бўлган соҳаларни ҳисобга олган ҳолда таълим соҳалари кесимида стипендияларнинг ва мақсадли стажировканинг квоталарини тасдиқлайди, шунингдек, танловда рақобат даражасини эътиборга олган ҳолда, мазкур квоталарга ўзгартиришлар киритади;

таълим дастурлари бўйича умумий белгиланган квоталар ва танлов талаблари доирасида республика ҳудудларининг хорижда таълим олган юкори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, айрим ҳудудлар ёш мутахассисларини қўллаб-қувватлаш учун ушбу ҳудудда меҳнат фаолиятини олиб бориш шарти билан мақсадли квоталар ажратади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мақсадли буюртмалари асосида кадрларни хорижда тайёрлаш ёки стажировкасини амалга ошириш, шунингдек, давлат аҳамиятига молик халқаро тадбирларни ташкил этиш ёки муайян йўналишларда амалга ошириладиган ислоҳотлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гурухларнинг хо-

рижий тажрибани ўрганиш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш юзасидан қарорлар қабул қилади;

Жамғарма стипендияларини олиш учун тегишли йўналишлар бўйича календарь йил давомида даврий равища, ажратилган молиявий ресурслар доирасида очик саралаш танловларини эълон қилади;

мақсадли стажировка ҳамда Жамғарма таълим дастурлари бўйича стипендия танловлари натижаларига асосан ғолиблар рўйхатини тасдиқлайди;

Жамғарма таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган стипендиатларнинг стажировка ўташи ёки амалий фаолият билан шуфулланиши мумкин бўлган етакчи халқаро ташкилотлар, хорижий муассасалар ва йирик компаниялари рўйхатини ва стажировка ёки амалий фаолият билан шуфулланиш муддатларини тасдиқлайди;

Жамғарма таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган стипендиатларнинг асослантирилган таклифига кўра унинг узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини таълим, илмий-тадқиқотлар ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ёки давлат-хусусий шериклик шарти асосида ташкил этилган ҳамда жамиятда муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган хусусий корхоналар ва надавлат ташкилотларида ўташига рухсат беради;

Жамғарма стипендиялари орқали хорижда таълим олган мутахассисларни муносиб ишга жойлаштириш, вазирлик ва идора эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда уларни қайта тақсимлаш ҳамда мансаб поғоналарида ўстириш юзасидан қарорлар қабул қилади;

Жамғарманинг танлов жараёнларига жалб этилган хорижий олимлар ва эксперталар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва тартибини белгилайди;

Жамғарма таълим дастурлари ва мақсадли стажировкани ўтаган битирувчиларнинг вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналарида касбий ва карьеравий ўсишининг мониторинги натижаларини таҳлил қилиб боради;

Жамғарманинг тузилмасини тасдиқлайди, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шартнома асосида мутахассисларни Жамғарма фаолиятига жалб қилиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди;

Жамғарма маблағлари орқали мақсадли стажировкани ўташ ҳамда бакалавриат, магистратура ва докторантурда дастурларида таълим олиш йўналишлари бўйича харажатлар миқдорини белгилайди ва тақсимлайди;

Жамғарманинг йиллик даромад ва харажатлари, Жамғарма томонидан хорижий ва маҳаллий таълим, илмий ва бошқа муассасалар билан биргаликда ташкил этиладиган таълим, тадқиқот ва бошқа лойиҳаларни молиялаштириш учун Жамғарма сарф-харажатларини тасдиқлайди;

мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг тобора ортиб бораётган талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий олимлар, тадқиқотчилар, мұхандис-техник кадрлар ва бошқа мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларни доимий ва вақтингчалик асосда ишга жалб этиш билан боғлиқ харажатларнинг чекланган миқдорини тасдиқлайди;

давлат хизматчилари ва бошқа тоифа ходимлари салоҳиятини оширишда

кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни рағбатлантириш мақсадида илфор хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ва эксперктларни, шу жумладан ватандошларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этишини молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қиласди;

Жамғарма фаолиятига алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди.

Бошқарув кенгаси аъзолари Жамғармани бошқариш бўйича мажбуриятларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

## **6-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш**

11. Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ижрочи директор раҳбарлик қиласди.

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Жамғарманинг ижрочи директори мақоми, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўйба мудирига тенглаштирилади.

12. Жамғарманинг бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш, имтиёзлар, ижтимоий ҳимоя, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

13. Жамғарманинг бошқарув ходимлари аввалги иш жойида ходимлар учун назарда тутилган барча имтиёзлар, устамалар ва қўшимча тўловлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан, Жамғармада амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ва лавозим маоши ҳамда бошқа тўловлар сақланган ҳолда фойдаланади.

14. Жамғарма бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 28 тани ташкил этади.

15. Жамғарма ижрочи директори:

Жамғарма олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлашга ҳамда Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишига шахсан жавобгар ҳисобланади;

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чораларини кўради;

Жамғарма Бошқарув кенгаси томонидан белгилаб берилган йўналишларга мувофиқ Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Жамғарма Бошқарув кенгаси қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Жамғарма ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда иш берувчи сифатида бошқа ваколатларни амалга оширади;

Жамғарма директори ўринбосарлари ўртасида вазифалар тақсимоти-

ни, ходимларнинг лавозим йўриқномаси ва бошқа ички хужжатларни тасдиқлайди;

Жамғарма ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, ўзининг ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни киритади, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, бошқа ташкилотларда, шу жумладан хорижий мамлакатларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда Жамғарма вакили ҳисобланади;

Бошқарув Кенгаши тасдиқлаган тузилмага мувофиқ Жамғарманинг штатлар жадвали, шунингдек, имзо намуналари ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

бўш турган молиявий ресурсларнинг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ самарали бошқарилишини таъминлайди;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Жамғарма номидан шартномалар тузади ва Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Ижрочи директор амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамғарма ижрочи директори ишда бўлмаган даврда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади.

16. Жамғарма ходимларига илгари ишлаган жойида кўп йиллик меҳнати учун берилган устамалар ва қўшимча ҳақ, ҳарбий ва маҳсус унвонлар (марtaba ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) сақланиб қолади.

Жамғармада ишлаган вақт ҳарбий ва маҳсус унвонларни (марtaba ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) олиш учун зарур бўлган иш стажига киритилади.

Жамғармага лавозимга тайинланган (юборилган) ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш даврида пул таъминоти сақланмаган ҳолда тегишли ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар кадрларининг амалдаги захирасига тўғридан-тўғри киритилади.

17. Жамғарма ходимлари меҳнат фаолиятини тўхтатганларидан сўнг уларга аввалги иш жойи бўйича эгаллаган ёки унга тенг бўлган лавозим бериш кафолатлари таъминланади, ходимнинг малакаси етарли эмаслиги ёки соғлиғи туфайли ёхуд ўз мажбуриятларини бузганлиги оқибатида бажариладиган ишга номувофиқлиги учун меҳнат фаолияти тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.

### **7-боб. Жамғарманинг мулки, молиявий маблағлари, ҳисоби ва ҳисоботи**

18. Жамғарманинг мулки асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, уску-

налар, айланма маблағлар ва маблағларни шакллантиришнинг барча манбалари ҳисобидан харид қилинган бошқа моддий қимматликлар, шунингдек, Жамғарманинг молиявий ресурсларидан иборат.

19. Жамғарма тўртта, шу жумладан учта бириктирилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш лимитига эга.

20. Жамғарма мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

21. Қўйидагилар Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Жамғарма билан имзоланган тўрт томонлама шартномалар бўйича ўз мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан судгача ва суд тартибида ҳамда шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишлари юзасидан Жамғарма фойдасига ҳал қилинган барча турдаги маблағлар ва жарималар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Жамғармага ажратилган молиявий маблағлар қўйидаги харажатларни қоплашга ўйналирилади:

а) таълим дастурлари, хорижий олимлар ва эксперталари, шунингдек, давлат хизматчилари ва бошқарув кадрлари салоҳиятини оширишга кўмаклашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар қисмида:

Жамғарма таълим дастурлари бўйича очиқ саралаш танловини ўтказиши молиялаштиришга;

саралаш танлови ўналишлари бўйича стипендиялар квоталари ва бир стипендиатга маблағлар сарфининг чекланган меъёрларига мувофиқ равища Жамғарманинг таълим дастурларини амалга ошириши молиялаштиришга;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва фаол илгари суриш, нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган халқаро форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиши молиялаштиришга;

давлат хизматчилари ва бошқа тоифа ходимларнинг салоҳиятини оширишга кўмаклашиш ҳамда мақсадли стажировкасини ташкил қилиш, иктидорли ва истиқболли ёшларни рағбатлантириш мақсадида хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ва экспертларни жалб этган ҳолда ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирлар ташкил этишини молиялаштиришга;

олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган, Scopus тизимида «Хирш» индекси (h-индекс) юқори бўлган олим, профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни ўқув курс ва фанлар-

ни ўқитиши хамда тадқиқотлар олиб бориш учун жалб этишни молиялаштиришга;

QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда THE (The Times High Education) ҳалқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтингида биринчи 300 таликка киритилган хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, уларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги филиалларини очиш бўйича харажатларини хамда хорижий мамлакатлар ёшлигини миллий олий таълим муассасаларидаги ўқишини молиялаштиришга;

б) жорий таъминот, шу жумладан бошқарув ва бошқа тоифа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, Жамғармага юклатилган бевосита вазифаларни бажариш учун ажратилган маблағлар қисмида:

жорий таъминот, шу жумладан бошқарув ва бошқа тоифа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш, уларнинг салоҳиятини ошириш, Жамғарманинг ахборот ва моддий-техника базасини ривожлантиришга;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг мақсадли буюртмалари асосида кадрларни хорижда тайёрлаш ёки стажировкадан ўташини, шунингдек, долзарб ижтимоий-иктисодий масалар, давлат аҳамиятига молик ҳалқаро тадбирларни ташкил этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳларнинг мазкур йўналишда хорижий тажрибани ўрганиши билан боғлик харажатларини молиялаштиришга;

Жамғарма зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаришга.

Стипендиатларнинг таълим олиш харажатлари бўйича Жамғарма ташаббуси билан хорижий ҳамкорлардан стипендиатларнинг ўқиши харажатлари учун олинган чегирма натижасида тежалган маблағларнинг 5 фоизи Жамғарманинг бюджетдан ташқари ҳисобварафига йўналтирилади ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ходимларни моддий рағбатлантириш ва Жамғарма моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланади.

Бунда, эришилган чегирма миқдорини ва ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда мазкур маблағлардан ходимларни моддий рағбатлантириш ва Жамғарма моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш тартиби Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

23. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ унга тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

24. Жамғарма белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини олиб боради, молиявий ва статистика ҳисботини юритади.

## **8-боб. Яқунловчи қоида**

25. Жамғармани қайта ташкил этиш ва уни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 5 майдаги  
ПФ-77-сон Фармонига  
З-ИЛОВА

**«Эл-юрт умиди» жамғармасининг истиқболли кадрларни  
хорижда мақсадли тайёрлашга қаратилган таълим дастурлари  
бўйича очиқ стипендия танловини ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истикболли кадрларни тайёрлаш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари) юзасидан номзодларни саралашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эл-юрт умиди» стипендияси ғолибларини аниқлаш бўйича танловларни (кейинги ўринларда — очиқ стипендия танлови) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Очиқ стипендия танлови календарь йил давомида даврий равиша, қоида тариқасида, бир йилда камиде икки маротаба ўтказилади.

3. Очиқ стипендия танловини ташкил этиш ва ўтказиш Жамғарманинг Бошқарув кенгаши томонидан ташкил этиладиган ва иш регламенти тасдиқланадиган Танлов комиссиясига юклатилади.

Танлов комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, жамоатчилик фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил эксперталар, Жамғарма орқали хорижда ўқиб келган стипендиатлар киритилади.

Танлов комиссияси аъзоларининг камида 50 фоизи нодавлат ташкилотлар вакиллари бўлиши зарур.

Танлов комиссияси таркиби ҳар йили камида 30 фоизга янгилаб борилади.

Танлов комиссияси аъзоларига Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган миқдорларда ҳақ тўланади.

Суҳбат жараёнида номзодлар билимини баҳолаш тартиби, шу жумладан, баҳолаш услубиёти ва қоидалари Танлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилиди ва суҳбат бошланишидан бир ой олдин эълон қилинади.

4. Очиқ стипендия танловида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уларнинг иш ёки ўқиши жойидан қатъи назар, ушбу Низомда белгиланган қоида ва шартлар асосида иштирок этишлари мумкин.

Номзоднинг назарий билими ва (ёки) амалий тажрибаси, хорижда таълим олиш учун хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса томонидан номзодга таклиф этилган грантлар (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз) миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги танловда устунлик берувчи ҳолат сифатида эътиборга олиниши мумкин.

5. Очиқ стипендия танловида қўйидаги шахслар иштирок эта олмайди:

а) бакалавриат таълим дастури бўйича 30 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал ўхшаш мутахассислик бўйича хорижда бакалавриатда таълим олганлар;

б) магистратура таълим дастури бўйича — 22 ёшдан кичик ва 40 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал айни ёки турдош мутахассислик бўйича хорижда магистратурада таълим олганлар;

в) докторантура таълим дастури бўйича (шу жумладан, аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун) — 25 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал фалсафа доктори (PhD), фан номзоди ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини хорижда олганлар, Ўзбекистонда фан доктори (DSc) илмий даражасини олганлар;

г) магистратура таълим дастурига ҳужжат топширишда 1 йилдан кам, докторантура таълим дастурига эса 2 йилдан кам меҳнат стажига эга бўлганлар;

д) олий маълумотга эга бўлмаганлар (мазкур талаб бакалавриат таълим йўналиши бўйича номзодларга татбиқ этилмайди);

е) хорижий мамлакатларда таълим олиши билан боғлиқ харажатлари халқаро ёки хорижий ташкилотлар, хорижий олий таълим ва илмий муассасалар томонидан, шу жумладан, Chevening, Fullbright, Erasmus Mundus, DAAD, KOICA, JICE ва шунга ўхшаш бошқа дастурлар асосида ажратиладиган грантлар ёки стипендиялар орқали тўлиқ молиялаштириладиганлар;

ж) хорижда сиртқи ва онлайн дастурлар орқали таълим оладиганлар;

з) жиноят содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаганлар.

## **2-боб. Жамғарма стипендиялари**

6. Жамғарма стипендиялари етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда қўйидаги таълим дастурлари бўйича таълим олиш учун ажратилиди:

бакалавриатда — 3-4 йилга қадар;

магистратура (ординатура) — 1-2 йилга қадар;

докторантура (аспирантура) — 3-4 йилга қадар.

Бошқарув кенгashi қарори билан:

айрим ривожланган давлатлар таълим муассасаларида бир йилгача бакалавриатга тайёрлов курслари (Foundation year/course) харажатлари тайёрлов курси ва бакалавриатда ўқишнинг умумий муддати 4 йилдан ошмаслиги шарти билан Жамғарма томонидан молиялаштирилиши;

стипендиатнинг соғлиғи ҳолати, оилавий шароити ёки бошқа узрли сабабларга кўра хорижий ҳамкор таълим ёки илмий муассасаси розилигига асосан унга бир йилга қадар академик таътил берилиши;

соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича бакалавриат ва магистратурада ўқиш муддати кўшимича 1 йилга узайтирилиши мумкин.

Жамғарма буюртмачи ташкилотнинг асосланган таклифига мувофиқ, ис-

тисно тариқасида, хорижий олий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг мурожаатлари асосида бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш муддатини, қўшимча молиялаштириш ҳуқуқисиз, бир йилгача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Жамғарма стипендиялари ушбу Низом талаблари асосида очиқ стипендия танловидан муваффақиятли ўтган шахсларга (кейинги ўринларда — Стипендиатлар) хорижда таълим олиш мақсадида куйидаги харажатларни қоплаш учун ажратилади:

хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда Стипендиатларнинг бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурларида ўқув тўловлари (*tuition fees*) бўйича;

виза олиш бўйича;

хорижда таълим олиш даврида тиббий суғурталаш бўйича;

Стипендиатларнинг барча турдаги транспорт воситаларида таълим олиш жойига етиб бориши ва қайтиб келиши билан боғлиқ ўйлкира харажатлари (бир ўқув йилида бир марта);

яшаш учун (шу жумладан, туаржой ижараси бўйича) ва кунлик харажатлар (жамғарма, стипендиат, иш берувчи ва кафиллар ўртасида имзолана-диган тўрт томонлама шартномада кўрсатилган муддатларда);

зарур ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш, шу жумладан дарслик-лар сотиб олиш;

Жамғарма Бошқарув кенгаши қарорига кўра Стипендиатларнинг хорижда таълим олиши билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

Ҳар бир таълим дастури бўйича бир нафар Стипендиатга ажратиладиган харажатларнинг (шу жумладан, таълим олиш дастурларида ўқув тўловлари) чекланган микдори Жамғарма Бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

Бошқарув кенгашининг танлов ғолиблари рўйхатини тасдиқлаш бўйича қарори қабул қилинган кундан бошлаб Стипендиатнинг хорижда таълим олиш билан боғлиқ қилган тегишли харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилиб борилади.

### **3-боб. Очиқ стипендия танловида иштирок этиш учун квоталарни шакллантириш ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

8. Вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳар йили 1 сентябрга қадар Жамғарма таълим дастурлари бўйича хорижда таълим олиш учун истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича реал эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни Жамғармага киритиб боради.

9. Жамғарма Бошқарув кенгаши томонидан таълим дастурлари ҳамда танлов ўтказиш ўйналишлари бўйича истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар рўйхати ишлаб чиқилади ҳамда таълим соҳалари кесимида стипендия квоталари қўйидаги турларга бўлинган ҳолда тасдиқланади:

бакалавриат бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда магистратура ва докторантурда бўйича THE (The Times Higher Education) халқаро рейтинг ташкилотлари глобал рейтингининг энг юқори 100 талик хорижий олий таъ-

лим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқиш харажатлари (*tuition fee*) тўлиқ қопланадиган грант асосида қабул қилинган номзодлар учун имтиҳонларсиз квоталар;

бакалавриат бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда магистратура ва докторантураси бўйича THE (The Times Higher Education) ҳалқаро рейтинг ташкилотлари глобал рейтингининг энг юқори 300 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига ўқиш харажатлари (*tuition fee*) тўлиқ қопланадиган грант асосида қабул қилинган номзодлар учун имтиҳонларсиз квоталар;

ҳалқаро QS (Quacquarelli Symonds) рейтинг ташкилоти глобал рейтингининг энг юқори 20 талик хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурларига ўқиш харажатлари (*tuition fee*) камиде 50 фоиз қопланадиган грант асосида қабул қилинган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари битирувчилари учун имтиҳонларсиз квоталар;

ҳалқаро рейтинг ташкилотлари QS (Quacquarelli Symonds) ёки THE (The Times Higher Education) глобал рейтингининг энг юқори 300 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига қабул қилинган номзодлар учун очик стипендия танловлари асосида квоталар.

Бакалавриат, магистратура ва докторантураси дастурлари бўйича таълим олиш учун стипендия квоталарини ажратишда STEM йўналишлари (ilm-fan, технология, муҳандислик ва математика) ҳамда иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига (энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура ва қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геодезия, ер муносабатлари), шунингдек, давлат бошқаруви ва бошқа долзарб ижтимоий йўналишларга (тиббиёт, таълим) мақсадли асосда устуворлик берилади.

10. Вазирликлар, идоралар ва бошқа манбаатдор ташкилотларнинг тавсиясига асосан Бошқарув кенгаши томонидан стипендиялар ажратилиши рухсат бериладиган ҳалқаро рейтинг ташкилотларининг энг юқори 300 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари рўйхатига кирмаган, соҳавий етакчи олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили шакллантириб берилади ва тасдиқланади.

11. Жамғарма томонидан Бошқарув кенгаши қарорига мувофиқ таълим дастурлари бўйича ўтказиладиган очик стипендия танлови (шу жумладан, таълим соҳалари кесимидағи квоталар) ҳақидаги эълон ҳужжатларни қабул қилиш муддати бошланишидан камиде бир ҳафта олдин оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет нашрлар ва Жамғарманинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Очиқ саралаш танлови ўтказиш тўғрисидаги эълон қўйидаги маълумотлардан иборат бўлиши лозим:

аризаларни қабул қилиш муддати ва тартиби;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар (ёши, мутахассислик бўйича иш стажи, хорижий тилни билиш даражаси ҳамда хорижда ўқишга киришга қўйиладиган талаблар, илмий мақолалар мавжудлиги ва бошқалар);

саралаш танловини ўтказиш жойи ва муддатлари;

алоқа телефонлари ва электрон манзиллар.

Номзодлар томонидан хужжатлар бир ойга қадар муддатда онлайн платформага электрон шаклда юкланды.

12. Барча таълим дастурлари бўйича очик стипендия танловлари учун номзодлар Жамғармага қўйидаги хужжатларни тақдим қиласидилар:

а) таълим дастури, шу жумладан ўқийдиган мутахассислиги, танланган мамлакат, таълим, илмий ёки бошқа муассаса кўрсатилган ҳолда белгиланган шаклда Жамғарма ижрочи директори номига ариза;

б) паспорт (ID-карта) нусхаси;

в) хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи халқаро сертификат.

Бунда:

International English Language Testing System (IELTS) Academic халқаро сертификати бўйича бакалавриат босқичи учун камида 6 балл, магистратура ва докторантураси босқичлари учун камида 7 балл (ёки шунга тенг даражада бошқа халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилларни билиш даражаси сертификати) бўлиши талаб этилади;

Бошқарув кенгаши хорижий тилни билиш даражасини тасдиқлаш учун талаб этиладиган балларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш хуқуқига эга;

хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хатни (Letter of acceptance/Letter of admission) тақдим этган номзодлар хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи халқаро сертификатни тақдим этиши талаб қилинмайди;

г) хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги амалда кучга эга бўлган, таълим йўналиши ёки мутахассислиги аниқ кўрсатилган таклифнома-хат (Letter of acceptance/Letter of admission ёки Letter of conditional acceptance/Letter of conditional admission, ёки уларга тенглаштирилган бошқа расмий хужжат).

Бунда номзод ўқишга қабул қилинган хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасаси тегишли квоталарга белгиланган талабдан келиб чиқсан ҳолда танлов ўтказиладиган календарь йил (ундан олдинги ёки кейинги йил) учун амалда бўлган THE (The Times Higher Education World University Rankings) ёки QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings) академик рейтингининг глобал рейтингида энг илфор таълим ва илмий муассасалар рўйхатидан жой олган бўлиши лозим.

Мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ юқоридаги рейтингларга киритилмаган, бироқ муайян йўналиш ёки соҳада халқаро академик миқёсда эътироф этилган нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларга ўқишга қабул қилинган номзодлар танловда иштирок этиши мумкин;

д) Жамғарма томонидан белгиланган шаклда номзоднинг шахсий, академик ва касбий муваффақиятлари акс эттирилган маълумотнома;

е) грант асосида (таълим харажатларининг фақатгина ўқиш учун тўлов қисми хорижий давлатлар, ташкилотлар, таълим ёки илмий муассасалар томонидан тўлиқ қопланадиган) ўқишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи хужжат (халқаро рейтинглардаги энг юкори 100 талик ва 300 талик таълим муассасасига грант асосида ўқишга қабул қилинган номзодлар учун);

ж) қисман грант асосида (таълим харажатларининг факатгина ўқиш учун тўлов қисми хорижий давлатлар, ташкилотлар, таълим ёки илмий муассасалар томонидан камидаги 50 фоизи қопланадиган) ўқишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи хужжат (QS рейтинг ташкилоти глобал рейтингининг энг юқори 20 талик таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари битиравчилари учун).

13. Бакалавриат таълим дастурлари бўйича номзодлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган хужжатларга қўшимча қўйидагиларни тақдим қиласди:

а) умумий ўрта ёки ўрта маҳсус таълим ташкилотини тугатганлик тўғрисида белгиланган шаклдаги диплом ёки шаҳодатнома (аттестат);

б) хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида ёзма иш (мотивацион эссе).

14. Магистратура таълим дастурлари бўйича номзодлар мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган хужжатларга қўшимча қўйидагиларни тақдим қиласди:

а) бакалавриат таълим дастурини тугатганлик тўғрисида белгиланган шаклдаги диплом (иловаси билан);

б) меҳнат дафтарчаси нусхаси, бунда номзод тўғрисидаги маълумотлар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига тўлиқ киритилган бўлиши шарт;

в) номзоднинг Ўзбекистонда ва хорижда (агар мавжуд бўлса) эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон шакллари;

г) хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида ёзма иш (мотивацион эссе).

15. Докторантура таълим дастури бўйича номзодлар мазкур Низомнинг 12-бандидаги хужжатларга қўшимча равишда қўйидагиларни тақдим қиласди:

а) магистратура таълим дастурини тугатганлик тўғрисида белгиланган шаклдаги диплом (иловаси билан);

б) меҳнат дафтарчаси нусхаси, бунда номзод тўғрисидаги маълумотлар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига тўлиқ киритилган бўлиши шарт;

в) номзоднинг Ўзбекистонда ва хориждаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;

г) танланган соҳани ривожлантириш ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистонда қўллаш учун номзод тадқиқотининг долзарблиги тўғрисида тегишли таълим, илмий ёки бошқа муассаса раҳбарининг тавсия хати;

д) режалаштирилаётган илмий тадқиқотнинг мақсадлари, услублари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги ёзма иш (мотивацион эссе).

16. Мазкур Низомнинг 13 — 15-бандларида белгиланган шаҳодатнома (аттестат) ёки диплом хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида берилган таълим олганликни тасдиқловчи расмий хужжат бўлса, номзодлар

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан берилган хорижий давлатларда олинган таълим малакасини расман тан олинганлиги бўйича тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.

17. Очиқ стипендия танловида иштирок этиш учун аризалар номзодлар томонидан онлайн тарзда электрон шаклда топширилади.

Танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг номзодлар ушбу Низомнинг 12 — 16-бандларида кўрсатилган тегишли ҳужжатларни қўйидаги ҳужжатлар билан биргаликда чоп этилган шаклда Жамғармага тақдим этадилар:

а) иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури туганидан сўнг ишга жойлашириш бўйича мажбуриятлар акс этган буюртмачи ташкилотнинг кафолат хати (бакалавриатга ўқишга юбориладиган ва иш жойига эга бўлмаган стипендиатлар учун буюртмачи ташкилот сифатида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан кафолат хати берилади);

б) узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини (Жамғарма томонидан амалда сарфланган маблағларнинг камида икки баробари микдорида молиявий жарима билан биргаликда) қоплаш тўғрисида манфаатдор вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар — юридик шахслар ва жисмоний шахслар (устувор равишда Стипендиатнинг ота-онаси, aka-укаси ёки опа-синглиси, улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўла олмаган тақдирда уларга тенглаштирилган шахслар) томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси.

Танлов ғолиблари томонидан мазкур Низом талабларига тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганлиги, шунингдек, тегишли ҳужжатлар тўлиқ топширилмаганлиги аниқланган тақдирда Танлов комиссияси қарори билан танлов ғолиблари рўйхатидан чиқарилади.

18. Жамғарма хорижда таълим олиш нархлари, муддатлари ва шарт-шароитларининг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли таълим дастури бўйича Стипендиатнинг таълим олиши учун нисбатан афзал бўлган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасани танлаш хуқукига эга.

#### **4-боб. Жамғарма таълим дастурлари бўйича саралаш**

19. Очиқ стипендия танлови бўйича ғолиблар 6 та босқичда сараланади: номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича биринчи босқич;

халқаро рейтингларнинг энг юқори 100 талигидаги университетларга грант асосида қабул қилинганлар орасидан имтиҳонларсиз квоталар доирасида ғолибларни аниқлаш бўйича иккинчи босқич;

халқаро рейтингларнинг энг юқори 300 талигидаги университетларга грант асосида қабул қилинганлар орасидан имтиҳонларсиз квоталар доирасида ғолибларни аниқлаш бўйича учинчи босқич;

халқаро рейтингларнинг энг юқори 20 талигидаги университетларга қис-

ман грант асосида қабул қилинганлар орасидан имтихонларсиз квоталар доирасида ғолибларни аниқлаш бўйича тўртинчи босқич;

тест синовларини ўтказиш бўйича бешинчи босқич;

сұхбат ўтказиш бўйича олтинчи босқич.

20. Биринчи босқичда номзодлар тақдим этган хужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқлиги ўрганилади, шунингдек, санаб ўтилган хужжатларни тўлиқ тақдим этмаган ёки тақдим этилган хужжатлари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган номзодлар танловдан чиқарилади ҳамда бу ҳақда онлайн платформа орқали хабардор қилинади.

21. Иккинчи босқичда бакалавриат таълим дастури бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда магистратура ва докторантура таълим дастурлари бўйича THE (The Times Higher Education) халқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтинги натижаларига кўра энг юқори 100 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига ўқиш харажатлари тўлиқ қопланадиган грант асосида (хорижий давлатлар, ташкилотлар, таълим ёки илмий муассасалар томонидан таълим харажатларининг фақатгина ўқиш учун (tuition fee) тўлов қисми тўлиқ қопланадиган) қабул қилинган номзодлар рўйхати шакллантирилади.

Шакллантирилган рўйхатга мувофиқ соҳалар кесимида ажратилган «Халқаро рейтингларнинг энг юқори 100 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига грант асосида қабул қилинган номзодлар учун имтихонларсиз квоталар» миқдоридан келиб чиқиб, биринчи навбатда тегишли халқаро рейтингдаги энг юқори кўрсаткичли университетларга қабул қилинган номзодлар Жамғарма стипендиялари ғолиби деб топилади.

Ушбу босқичда ғолибларни аниқлашда икки ёки ундан ортиқ номзодларнинг танлаган университетлари рейтингдаги ўрни бир хил бўлган тақдирда Бошқарув кенгashi қарорига мувофиқ имтихонларсиз квоталар сони кўпайтирилиши мумкин.

22. Учинчи босқичда бакалавриат бўйича QS (Quacquarelli Symonds) ҳамда магистратура ва докторантура бўйича THE (The Times Higher Education) халқаро рейтинг ташкилотларининг глобал рейтинги натижаларига кўра энг юқори 300 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига ўқиш харажатлари тўлиқ қопланадиган грант асосида (хорижий давлатлар, ташкилотлар, таълим ёки илмий муассасалар томонидан таълим харажатларининг фақатгина ўқиш учун (tuition fee) тўлов қисми тўлиқ қопланадиган) қабул қилинган ҳамда очик стипендиялар танловига хужжатларни электрон платформа орқали топшираётгандаги Жамғарма стипендиялари фақатгина халқаро транспорт ва туаржой харажатлари учун ажратилишига розилик берган номзодлар рўйхати шакллантирилади.

Шакллантирилган рўйхатга мувофиқ соҳалар кесимида ажратилган «Халқаро рейтингларнинг энг юқори 300 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига грант асосида қабул қилинган номзодлар учун имтихонларсиз квоталар» миқдоридан келиб чиқиб,

биринчи навбатда тегишли халқаро рейтингдаги энг юқори кўрсаткичли университетларга қабул қилинган номзодлар Жамғарма стипендиялари ғолиби (фақатгина халқаро транспорт ва туаржой харажатлари учун) деб топилади.

Ушбу босқичда ғолибларни аниқлашда икки ёки ундан ортиқ номзодларнинг танлаган университетлари рейтингдаги ўрни бир хил бўлган тақдирда Бошқарув кенгаши қарорига мувофиқ имтиҳонларсиз квоталар сони кўпайтирилиши мумкин.

23. Тўртинчи босқичда бакалавриат бўйича QS (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтинг ташкилотининг глобал рейтинги натижаларига кўра энг юқори 20 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаси таълим дастурларига ўқиш харажатлари қисман қопланадиган грант асосида (хорижий давлатлар, ташкилотлар, таълим ёки илмий муассасалар томонидан таълим харажатларининг фақатгина ўқиш учун (tuition fee) тўлов қисми камида 50 фоизи қопланадиган) қабул қилинган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари битиравчилари бўлган номзодлар рўйхати шакллантирилади.

Шакллантирилган рўйхатга мувофиқ соҳалар кесимида ажратилган «Халқаро рейтингларнинг энг юқори 20 талик хорижий олий таълим муассасалари таълим дастурларига қисман грант асосида қабул қилинган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблари битиравчилари учун имтиҳонларсиз квоталар» миқдоридан келиб чиқиб, биринчи навбатда QS (Quacquarelli Symonds) глобал рейтингида энг юқори кўрсаткичли университетларга қабул қилинган номзодлар Жамғарма стипендиялари ғолиби деб топилади.

Ушбу босқичда ғолибларни аниқлашда икки ёки ундан ортиқ номзодларнинг танлаган университетлари рейтингдаги ўрни бир хил бўлган тақдирда Бошқарув кенгаши қарорига мувофиқ имтиҳонларсиз квоталар сони кўпайтирилиши мумкин.

24. Бешинчи босқичда юқоридаги босқичларда ғолиб деб топилмаган ва QS (Quacquarelli Symonds) ёки THE (The Times Higher Education) халқаро рейтинг ташкилотлари глобал рейтингининг энг юқори 300 талигига киритилган университетлар таълим дастурларига қабул қилинган номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилиятлари ҳамда психологик барқарорлиги даражасини баҳолаш бўйича тест синовлари Билим ва малақаларни баҳолаш агентлиги томонидан ташкиллаштириллади ҳамда мазкур жараёнга аутсорсинг асосида ихтисослаштирилган маҳаллий ёки чет эл но давлат ташкилоти жалб қилинади.

Номзодлар томонидан қўйидаги халқаро имтиҳон тизимлари бўйича амалдаги халқаро сертификат тақдим этилган тақдирда, улар бешинчи босқичдаги тест синовидан озод этиладилар ҳамда мазкур босқичда уларга энг юқори балл қўйилади:

Graduate Management Admission Test (GMAT) (имтиҳон натижалари (Verbal/Quantitative) бўйича нисбат кўрсаткичи (percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда);

Graduate Record Examinations (GRE) (имтиҳон натижаларининг ҳар бири

(Verbal, Quantative, Writing) бўйича нисбат кўрсаткичи (percentile) 75 ва ундан юқори бўлганда);

Scholastic Assessment Test (SAT) (1300 балл ва ундан юқори бўлганда);  
халқаро даражадаги A-Level (Cambridge Assessment General Certificate of Education) (фанлар бўйича А (а) даражадан паст бўлмаган).

Бешинчи босқичда тест учун белгиланган энг юқори 100 баллдан камида 61 балл олган номзодлар кейинги босқичдаги сұхбатга ўтказилади.

25. Олтинчи босқичда номзодларнинг она Ватанга, танлаган касбига садоқати, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқарashi, миллий ва уму-минсоний қадриятларни англаб етганлиги даражаси, шунингдек, хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билим ва малакаларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва қўникмалари давлат тилида ўтказиладиган сұхбат орқали аниқланади ва баҳоланади.

Сұхбатда номзодни баҳолашда унинг хорижда таълим олишдан кўзланган мақсади ва таълим олиш тугагач олинган билимларини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги мотивациян эссеси (ёзма иши) алоҳида инобатга олинади.

Сұхбатда иштирокчилар учун реал вактда кузатиб туриш имкониятини яратиш мақсадида сұхбат жараёнлари ёзib олинади ва онлайн овозли трансляция қилинади ҳамда маҳсус платформада жойлаштириб борилиб, келгуси номзодларга тайёргарлик кўриши учун имконият яратилади.

Танлов комиссияси қарорига мувофиқ хорижда таълим олаётган ёки хизмат сафарида бўлиб турган номзодлар учун уларнинг асослантирилган мурожаатларига кўра танловнинг бешинчи ва олтинчи босқичлари (тест ва сұхбат жараёнлари) онлайн видеомулоқот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Олтинчи босқичда сұхбат учун белгиланган энг юқори 100 баллдан камида 61 балл олган номзодлар «сұхбатдан ўтган» деб эътироф этилади.

26. Жамғарма Танлов комиссияси томонидан «сұхбатдан ўтган» деб эътироф этилган номзодлар орасидан бешинчи ва олтинчи босқичлар натижаларига асосан тўпланган умумий баллардан келиб чиқиб, «Халқаро рейтингларнинг энг юқори 300 талик хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари таълим дастурларига қабул қилинган номзодлар учун имтиҳонлар асосида квоталар» доирасида танлов ғолиблари аниқланади.

27. Тест ва сұхбат натижалари Танлов комиссиясининг имтиҳон қайдномаси билан расмийлаштирилади ҳамда уларнинг умумлаштирилган натижалари Жамғарманинг Бошқарув кенгашига тақдим этилади.

28. Жамғарма таълим дастурлари бўйича стипендия ғолибларининг якунний рўйхати танлов якунлангандан сўнг узоги билан бир ой муддат ичida Жамғарма Бошқарув кенгаши қарори билан тасдиқланади ҳамда эълон қилинади.

Жамғарма Бошқарув кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эл-юрт умиди» стипендияси совриндори» деб эътироф этилган Стипендиатларга тантанали равища белгиланган шаклдаги сертификатлар топширилади ҳамда Стипендиат, Жамғарма, Иш берувчи (Стипендиат

тегишли таълим дастурини тугатиб қайтганидан сўнг ишга жойлаштириш мажбуриятини олган буюртмачи ташкилот) ва Молиявий кафиллар ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома расмийлаштирилади.

Бунда:

Бакалавриат таълим дастури бўйича ўқишга юбориладиган, бироқ доимий иш ўрнига эга бўлмаган стипендиатлар учун Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Иш берувчи буюртмачи ташкилот сифатида шартнома тарафи бўлиб ҳисобланади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг юкорида қайд этилган стипендиатларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатмаси давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

29. Бошқарув кенгаши қарори билан қўйидаги ҳолларда Стипендиатнинг стипендияси бекор қилиниши мумкин:

Стипендиат танланган мутахассислик бўйича бакалавриат ёки магистратура дастури учун олти ой, докторантура дастури учун эса бир календарь йил мобайнида танланган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни (*Letter of Unconditional acceptance/Letter of Unconditional admission*) тақдим эта олмаса;

Стипендиат болиб деб топилганлиги ҳақида қарор қабул қилингандан бошлаб бир йил мобайнида тегишли таълим дастури бўйича амалда ўқишини бошламаса.

## **5-боб. Жамғарманинг Апелляция комиссияси**

30. Саралаш танловининг ўтказилиши билан бевосита боғлик бўлган ҳамда сухбат ва тест синовларини ўтказиш жараёнларини ташкил этиш натижалари бўйича танловда иштирок этган номзодлар томонидан берилган шикоят ва аризалар Жамғарма Бошқарув кенгашининг қарори билан тасдиқланган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Саралаш танловини ўтказиш жараёнларидан норози бўлган номзод тест ёки сухбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида Апелляция комиссиясига белгиланган шаклда ёзма ёки электрон тарзда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси томонидан қабул қилинган шикоят 5 (беш) иш куни давомида кўриб чиқилиши ва қабул қилинган тегишли қарор юзасидан муаллифга жавоб юборилиши зарур.

31. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнига тегишли масалалар бўйича Танлов комиссияси аъзоларини, шунингдек, зарур ҳолларда, келиб тушган аризалар сони ва номзодлар мутахассисликларидан келиб чиқиб, тегишли соҳа бўйича тажрибали маҳаллий ва хорижий эксперктларни жалб этишга ҳақли.

32. Апелляция шикоятини берган номзод Апелляция комиссиясининг ишида иштирок этиш учун ёки Апелляция комиссиясининг қабул қилган қарорини олиш учун паспорти (шахсини тасдиқловчи ҳужжат) билан келиши шарт.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиши онлайн развишда ўтказиш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

33. Апелляция шикояти Апелляция комиссияси томонидан номзод иштирокида, унинг шикоятида келтирилган вожлар ва далиллар асосида кўриб чиқилади. Бунда Апелляция комиссияси:

номзод томонидан келтирилган вожлар ва далиллар ўз тасдифини топмаса, тест ёки сухбат натижасини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

номзод томонидан келтирилган вожлар ва далиллар ўз тасдифини топган тақдирда, тест ёки сухбат натижасида номзоднинг тўплаган балларини ўзгариш тўғрисида қарор қабул қиласи.

34. Апелляция комиссияси Жамғарма сайтида ва ижтимоий тармоқларида апелляция шикоятлари кўриб чиқиладиган жой ва вақт ҳақида камида икки кун олдин эълон бериши лозим.

Апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиши жараённида номзоднинг иштирок этмаслиги ёки келмаганлиги унинг апелляция шикояти кўриб чиқилмаслиги учун асос бўлиши мумкин.

35. Апелляция комиссияси қарори апелляция жараёни тўлиқ якунлангандан сўнг 3 (уч) иш куни ичida Жамғарма Танлов комиссиясига тақдим этилади.

Танлов жараёнининг барча босқичлари бўйича номзодларнинг қайта сухбатдан ўтиши, тест топшириши ёки ёзма иш ёзишига рухсат этилмайди.

## **6-боб. Стипендиатларнинг мажбуриятлари**

36. Стипендиатларнинг хорижда таълим олишлари, яшаш ва юриш-туриш тартиб-қоидалари ҳамда қуидаги мажбуриятлари Стипендиат, Жамғарма, Иш берувчи ва Молиявий кафиллар ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартномада белгилаб қўйилади:

таълим оладиган давлатга етиб бориши билан қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда Ўзбекистон Республикасининг элчинонаси ёки консуллигига рўйхатдан ўтиш ва бу ҳақда қайд этилган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни давомида Жамғармани хабардор қилиш;

ҳар бир ўқиш даврининг (семестр, триместр, ярим йиллик ва йиллик) якунлари бўйича академик ўзлаштириш натижалари тўғрисидаги ҳужжатларни, шу жумладан, таълим муассасасидан четлаштирилганлиги тўғрисидаги расмий кўчирмани 10 (ён) иш куни ичida таълим ташкилотининг расмий бланкасида, академик раҳбар имзоси билан тасдиқланган холда Жамғармага тақдим этиш;

Жамғарма томонидан Стипендиатнинг таълим олиш давридаги ўқиш қиймати ва суурита харажати учун Стипендиатнинг шахсий банк картасига ўтказилган маблағларни таълим олаётган хорижий ҳамкор ташкилотининг ҳисобвараfiga 7 (етти) кун ичida ўтказиш;

таълим дастури бўйича ўкув машғулотларида иштирок этиш, берилган топшириқларни ўрнатилган муддатларда бажариш, имтиҳон, синовлар ва билим олишнинг бошқа турдаги назоратларини ўз вақтида топшириш;

ҳар бир академик ўкув йили бошланишида хорижий ҳамкор ташкилот

ёки бошқа хорижий ташкилотлар томонидан Стипендиатга ўқиши харажатлари (*tuition fee, housing* ва шу каби бошқа) учун ҳамда таълим олиш жараёни билан боғлиқ бошқа харажатлар учун қўшимча грантлар олинган тақдирда, ушбу грантга эга бўлган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичидаги Жамғармани хабардор этиш;

таълим дастурини Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Давлатлар ва таълим дастурлари кесимида ўзлаштиришнинг талаб қилинадиган минимал миқдорлари (даражаси)»дан кам бўлмаган миқдорда (даражада) ўзлаштириш;

таълим олаётган давлатнинг амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларига, умумэтироф этилган одоб-ахлоқ меъёрларига, хорижий ҳамкор ташкилот томонидан ўрнатилган ички қоида ва талабларга қатъий риоя этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва «Эл-юрт умиди» жамғармаси обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-харакатлардан тийилиш;

хорижий ҳамкор ташкилотнинг профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва бошқа талabalарга доимо ҳурматда бўлиш, уларнинг ғурури ҳамда қадрини камситмаслик, этика ва эстетика қоидаларига риоя қилиш;

хар бир академик ўқув йили якунида Ўзбекистонга қайтиб келиш, белгиланган тартибда академик ва молиявий ҳисботларни Жамғармага тақдим этиш ҳамда Жамғарма томонидан ташкил этиладиган маҳсус ўқув-семинарларида шахсан иштирок этиш;

ўзининг хатти-харакатлари ёки харакатсизлиги билан хорижий ҳамкор ташкилотга ёки учинчи шахсларга моддий зарар етказган ҳолларда, ушбу давлатнинг қонунчилигига мувофиқ етказилган зарарни белгиланган тартибда ўз ҳисобидан қоплаш;

мамлакатимизнинг ижобий имижини янада юксалтиришга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш;

таълим олаётган давлат худудидан бошқа давлатга амалга ошириладиган сафар ва ташрифлар бўйича Жамғарма масъул ходимини камида 15 (ўн беш) кун олдин хабардор қилиш;

хорижда таълим олиш даврида ўқишидан ташқари қўшимча меҳнат фаолияти билан шуғулланмаслик, бундан таълим олиш билан боғлиқ бўлган волонтёрилик фаолияти мустасно;

таълим дастурининг тўлиқ курсини тамомлагач, узоги билан 1 (бир) ой давомида Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш, диплом ҳамда баҳолар тўғрисидаги транскриптни (диплом иловасини) Жамғармага топшириш;

ўқишини якунлагандан сўнг вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда эгаллаган мутахассислиги бўйича шартномада белгиланган муддатларда тўлиқ бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасига қайтиб келганидан сўнг, узоги билан 1 (bir) ой мобайнида Иш берувчи ташкилотида меҳнат фаолиятини бошлаш ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни Жамғармага ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига тақдим этиш;

таълим дастурлари орқали олган илғор билимлари, малакаси ва қўникмаси билан вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ёки давлат

улуши мавжуд бўлган ташкилотларда самарали меҳнат фаолиятини олиб бориш, шу жумладан ўз фаолияти давомида эришган ютуқлари ва натижалари бўйича Жамғармага маълумот бериб бориш;

меҳнат фаолиятида бўлган ўзгаришлар ҳақида Жамғармага ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига 5 (беш) иш кунидан кечиктиргмаган ҳолда тақдим этиб бориш.

Стипендиат, Жамғарма, Иш берувчи ва Молиявий кафиллар ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартномада Стипендиатларнинг бошқа мажбуриятлари ҳам белгиланиши мумкин.

37. Стипендиат томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар баражирилмаган, шу жумладан, Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Давлатлар ва таълим дастурлари кесимида ўзлаштиришнинг талаб қилинадиган минимал миқдорлари (даражаси)»дан кам бўлган ўзлаштириш натижалар қайд этилган тақдирда Жамғарма томонидан Бошқарув кенгашига шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида таклиф киритилади.

38. Бошқарув кенгаши қарорига асосан Стипендиатлар Жамғарма билан тузилган шартнома шартларига ёки Жамғарманинг ички-тартиб қоидаларига риоя этмаган тақдирда Стипендиатлар сафидан чиқарилиши мумкин.

Бошқарув кенгаши томонидан Стипендиат ўқиётган таълим ташкилотининг нуфузи, таълим ташкилоти учун белгиланган энг кам ўзлаштириш кўрсаткичларини бажара олганлиги, муайян соҳа ёки тармоқда салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёж ва бошқа шу каби объектив сабабларни инобатга олган ҳолда шартноманинг ўзлаштириш бўйича шартини бажара олмаган стипендиатнинг хорижда таълим олишини молиялаштиришни тўхтатмаслик ва сарфланган маблағларни қайта ундирамаслик бўйича қарор қабул қилиниши мумкин.

39. Стипендиат билан тузилган шартнома Жамғарма томонидан бир томонлама бекор қилинган тақдирда, уни ўқитиш учун Жамғармадан сарфланган барча молиявий харажатлар Стипендиат ва унинг молиявий кафиллари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан солидар тартибда қоплаб берилади.

Бунда Стипендиатларга нисбатан Жамғарма томонидан амалда сарфланган барча маблағларнинг икки баробари миқдорида ундирилади.

40. Стипендиат ва унинг молиявий кафиллари томонидан Жамғармага қайтариладиган маблағ миқдори тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алмашув курси бўйича миллий валютада ҳисобланади.

Мазкур маблағларнинг давлат бюджети харажатларидан ташқари қисми Жамғарма ихтиёрига қолдирилади ҳамда ундан Жамғарманинг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва Жамғарма фаолиятига оид бошқа харажатлар учун ишлатишга рухсат этилади.

41. Хорижда таълим олишга кетаётган Стипендиатлар қўйидаги масалалар бўйича ташкил этиладиган ўқув-семинарларида шахсан иштирок этиши шарт:

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари;

Ўзбекистон тарихи, маданияти, анъаналари, туризм ва инвестицион салоҳияти;

Ватанга ва танлаган касбга меҳр-муҳаббат ва садоқат, юртнинг тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан ривожига масъуллик ва дахлдорлик;

маънавий-ахлоқий тафаккур, соғлом дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлат тилига эътибор;

халқаро этикет ва протокол, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик ҳамда консуллик ҳисобида туриш.

42. Стипендиат хоҳишига кўра хорижда таълим олиш харажатларини молиялаштиришда унинг ўзи ёки молиявий кафиллари қисман иштирок этган тақдирда унинг мажбурий ишлаб бериш муддатига ўзгартириш киритилмайди.

43. Жамғарма таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган Стипендиатларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун устувор ҳисобланган соҳалар бўйича етакчи халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар идора ва ташкилотлари ёки йирик компанияларида стажировка ўташига ёки амалий фаолият билан шуғулланишига Жамғарма Бошқарув кенгаши томонидан рухсат берилади. Бунда:

Стипендиатнинг хорижда стажировка ўташи ёки амалий фаолият билан шуғулланиши шартлари Жамғарма, Стипендиат ва иш берувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади ҳамда стажировка вақти мажбурий тартибда ишлаб бериш муддатига киритилмайди;

хорижда стажировка ўташ ёки амалий фаолият билан шуғулланиш мумкин бўлган етакчи халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар идора ва ташкилотлари ёки йирик компаниялар рўйхати ва унинг муддати вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқлари стратегик корхоналарининг асослантирилган тавсияларига мувофиқ Жамғарма Бошқаруви кенгаши томонидан тасдиқланади.

44. Стипендиатнинг бола парваришлаш таътилида бўлган даври унинг мажбурий тартибда ишлаб бериш муддатига киритилмайди.

45. Республика ҳудудларини етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олган ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Жамғарма Бошқарув кенгаши мажбурий ишлаб бериш жойи сифатида республиканинг чекка ҳудудларида жойлашган давлат ташкилотлари ёки муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларни танлаган Стипендиатларнинг мажбурий ишлаб бериш муддатини қисқартириш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

46. Айрим ҳудудлар ёш мутахассисларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган мақсадли квоталар доирасида хорижда таълим олган стипендиатларнинг тўлиқ бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти бўйича меҳнат фаолияти айнан мақсадли квота ажратилган ҳудудда амалга оширилади.

47. Стипендиатнинг асослантирилган таклифига кўра Бошқарув кенгаши томонидан унинг узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини таълим, илмий-тадқиқотлар ва соғлиқни сақлаш тизимлари, давлат-хусусий шериклик

шарти асосида ташкил этилган ҳамда жамият ҳаётида мухим ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар кўрсатадиган хусусий корхоналар ва нодавлат ташкилотларида ўташга рухсат берилиши мумкин.

48. Жамғарманинг магистратура таълим дастурини муваффақиятли тугатиб, халқаро рейтинг талабларига мос келувчи нуфузли хорижий университет ёки илмий муассаса докторантура (PhD) дастури бўйича тўлиқ грант асосида ўқишига қабул қилинган Стипендиатларга уларнинг Иш берувчиси таклифига асосан узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини қўшимча молиялаштиришсиз ҳамда PhD (фан доктори) илмий даражасини олиш шарти билан Жамғарма Бошқарув кенгаши қарори билан 4 йилга қадар кечиктирилиши мумкин.

### **7-боб. Якунловчи қоида**

49. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор деб топилган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**220 Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ватанпарвар, инсон қадрини эъзозлайдиган, коррупцияга тоқатсиз ва профессионал янги авлод раҳбар кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларни тармоқ ва соҳалар учун қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, мазкур соҳада самарали илмий-инновацион тадқиқотлар олиб бориш тартиб-таомилларини яхшилаш мақсадида **қарор қиласман:**

**I. Фаолиятни самарали ташкил этиш ва тубдан трансформация қилиш**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Академия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳуқук ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вориси хисобланади.

3. Қўйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) илфор хорижий тажрибага мувофиқ давлат фуқаролик хизматчилари (кейинги ўринларда — давлат хизматчилари) ва бошқарув кадрларининг салоҳиятини мунтазам ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

(б) давлат хизматчиларининг малакасини мунтазам ошириб бориш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, бошқарув кадрларини магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларида ўқитиши;

(в) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таянч тавсиялари ҳамда миллий қадриятларимиз ва ахлоқ нормаларини инобатга олган ҳолда яратиладиган профессионал компетенциялар асосида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини мунтазам оширишни ташкил этиши;

(г) таълим дастурларини хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиш ҳамда уларни бошқарув кадрларининг касбий компетенцияларини миллий қонунчилик талаблари ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида ривожлантиришга йўналтириши;

(д) таълим ва тадқиқот жараёнларини факультетлар ва кафедралар негизида ташкил этиладиган илфор хорижий тажрибага асосланган таълим — тадқиқот — амалиёт мактаблари орқали олиб бориш;

(е) бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда ракамли ва сунъий интеллект технологияларини

кенг қўллаш, уларнинг рақамли компетенцияларини мунтазам ошириб бориш;

(ж) Академия фаолиятини стратегик ривожлантириш, уни халқаро стандартлар даражасига кўтариш, илмий-педагогик ва моддий-техник салоҳиятини кучайтириш жараёнларига инвестицияларни жалб этиш;

(з) давлат хизматчиларида замонавий раҳбарнинг «маънавий қиёфа»сини шакллантириш асосида таълим дастурларини ташкил этиш;

(и) таълим ва тадқиқот жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, ўқув жараёнини илфор хорижий тажрибаларга мувофик LMS тизими ва «Рақамли академия» платформаси орқали ташкил этиш;

(к) давлат хизмати ва бошқарувини такомиллаштириш, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси, соҳа ва тармоқларни ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни самарали бажариш ва мақсадларга эришиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) тузилсан ва унинг таркиби 1-иловага\* мувофик тасдиқлансан.

5. Белгилансинки, Васийлик кенгаши Академия фаолиятига қўйидаги устувор масалаларда кўмаклашади ва тегишли қарорлар қабул қиласди:

(а) республикада давлат сиёсати ва бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини мунтазам ошириб боришнинг ҳамда соҳада илмий-инновацион тадқиқотлар ва халқаро академик ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли ўналишларини белгилаш;

(б) Академияни стратегик ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш, таълим ва илмий тадқиқот фаолиятини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, бошқарув, илмий-педагогик салоҳиятини ва моддий-техник имкониятларини кучайтириш ҳамда ушбу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш;

(в) давлат сиёсати ва бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартларига риоя қилиш, шунингдек, давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат талаблари ижроси юзасидан мониторинг натижаларини таҳлил қилиб бориш;

(г) «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда соҳаларни стратегик ривожлантириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда Академияда кадрлар тайёрлаш учун тасдиқланган давлат мақсадли буюртмалари параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

(д) Академия тузилмасини тасдиқлаш ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, Академия фаолиятига мутахассисларни (консультант, маърузачи, ўқитувчи ва бошқалар) соатбай ва узоқ муддатли ишлаш шартларида жалб этиш ҳамда уларга меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлаш тартибини белгилаш;

(е) Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш дастурлари битирувчиларининг вазирлик, идора ва давлат ташкилотларида касбий ва карьеравий ўсишини мониторинг қилиш натижаларини таҳлил қилиб бориш.

\* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

## II. Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

6. 2025 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат хизматчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг кўйидаги тартиби жорий этилсин:

(а) давлат хизматчиларининг соҳавий билимларини ривожлантириш ҳамда «Ёрдамчи» гурухига мансуб давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўз тизимидағи ёки тегишли соҳа ва тармоқ қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида (институтларида) ташкил этилади;

(б) малака ошириш ва қайта тайёрлаш ходимларнинг касбий ривожланиш эҳтиёжларига асосланган ҳолда ташкил этилади ҳамда малака оширишнинг анъанавий, муқобил ва мустақил шакллари жорий этилади.

7. Академия томонидан:

(а) қисқа муддатли курсларда «Сиёсий» ва «Бошқарув» гурухларига мансуб давлат хизматчиларининг раҳбарлик ва бошқарув кўниммаларини ривожлантириш бўйича малакаси оширилади;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари тизимидағи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг (институтлари)нинг раҳбарлик ва бошқарув йўналишларидаги таълим дастурлари илмий-услубий жиҳатдан таъминланади ва мувофиқлаштирилади.

8. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан:

(а) Академиянинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим дастурларида таҳсил оладиган давлат хизматчилари контингенти шакллантирилади;

(б) давлат хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равища оширишнинг асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар берилади;

(в) Миллий кадрлар захирасидаги давлат хизматчиларининг салоҳиятни ошириб бориш, давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият мувофиқлаштириб борилади.

9. Агентлик Академия билан бирга илфор хорижий тажрибага асосланган ҳолда 2025 йил 1 декабрга қадар давлат фуқаролик хизмати «Ёрдамчи» гурухи лавозимлари учун, 2026 йил 1 марта қадар «Сиёсий» ва «Бошқарув» гурухлари лавозимлари учун базавий компетенциялар моделини ишлаб чиқсин.

10. Академияда 2025 йил 1 октябрдан бошлаб давлат хизматидаги раҳбарлар, раҳбарликка номзодлар ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар жорий этилсин. Бунда:

(а) ўқув режа ва дастурлари давлат хизмати ва бошқарувининг жорий ва истиқболдаги вазифалари асосида ишлаб чиқилиб, бир ойгача бўлган муддатда раҳбарлик билим ва кўниммалари ривожлантирилади;

(б) қисқа муддатли курслар якунлари бўйича давлат хизматчиларининг олган билим ва касбий кўниммалари диагностикадан ўтказилади;

(в) мазкур курсларга етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқи-түчилари, амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган тажрибали эксперталар, хусусий сектор, консалтинг ва ахборот-таҳлил агентликлари мутахассислари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар вакиллари жалб қилинади.

11. 2026 йил 1 январдан бошлаб Академияда муддати 6 ойгача бўлган қўйидаги қайта тайёрлаш таълим дастурлари жорий этилсин:

(а) геосиёсат, глобал ҳавфсизлик, барқарор ривожланиш, лойиха бошқаруви, ижтимоий-иктисодий сиёсат ва бошқа долзарб йўналишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига мувофиқ ташкил этиладиган махсус курслар;

(б) ташаббускор аёлларнинг раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш ва уларни давлат хизматига тайёрлаш учун — «Раҳбар аёллар» дастури;

(в) истиқболли ёшларни давлат хизматига жалб этиш ҳамда ёш давлат хизматчиларининг етакчилик ва бошқарувчилик қобилиятларини ривожлантириш учун — «Келажак лидерлари» дастури;

(г) давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбар ва бошқарув кадрлари ҳамда мазкур лавозимларга номзодлар учун — «Тизимли таҳлил, стратегик режалаштириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш» дастури;

(д) ҳокимлар ва уларнинг ўринbosарлари ҳамда мазкур лавозимларга номзодлар учун — «Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш» дастури;

(е) давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар сиёсатига масъул таркибий тузилма раҳбарлари учун — «Кадрлар захирасини шакллантириш ва инсон ресурсларини ривожлантириш» дастури;

(ж) давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари бўйича лойиҳавий бошқарув ва мониторинг кўникмаларини ривожлантириш учун — «Давлат дастурлари ва лойиҳаларини самарали бошқариш» дастури.

12. Белгилансинки:

(а) Агентлик қайта тайёрлаш таълим дастурлари бўйича манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар таклифлари асосида номзодлар рўйхатини шакллантиради ҳамда ҳар томонлама ўрганиб ва баҳолаб, ҳар йили 1 июлга қадар Академияга тақдим этади;

(б) Академияда ташкил этиладиган малака ошириш курслари доирасида давлат хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон тарихи ва маданияти, давлат тили ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқа йўналишлар бўйича билимлари мажбурий баҳоланади.

### **III. Академияда магистратура таълим дастурини ташкил этиш**

13. Белгилаб қўйилсанки, Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура таълим дастурларига қабул давлат органлари, хўжалик бошқарув органларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига асосан олий маълумотли, 2 йил бошқарув лавозимларида иш тажрибасига эга бўлган, қоида тариқасида Миллий кадрлар захирасига киритилган давлат хизматчилари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик

субъектлари ходимлари орасидан танлов ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда:

(а) давлат буюртмаси бўйича ўқитиш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

(б) тавсия этилган номзодлар Агентлик томонидан дастлабки тарзда сараланади ҳамда квота бўйича ҳар бир ўринга камида беш нафардан номзодлар рўйхати Академияга юборилади;

(в) Академия томонидан номзодлар мутахассислик фанлари ва чет тили бўйича тест синовидан ҳамда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва мустақил эксперталардан иборат Танлов комиссиясида сұхбатдан ўтказилади;

(г) сұхбат давомида номзодларнинг иқтисодий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги, шунингдек, бошқарув ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш, стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари, мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви, лойиҳавий бошқарув ва нотиклик маҳорати бўйича кўникмалари баҳоланади;

(д) тест ва сұхбат натижаларига кўра энг юқори балл олган номзодлар давлат гранти ҳамда Академия Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган квота доирасида тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинади.

14. Академияга давлат буюртмасидан ташқари очиқ танлов асосида фақатгина тўлов-контракт асосида магистратурада кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилсин. Бунда қабул квоталари Академиянинг илмий-педагогик ва моддий-техник имкониятларидан келиб чиқиб, унинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

15. Белгилансинки, Академияда:

(а) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб «Худудларни комплекс ривожлантириш» (Regional Development), «Давлат бошқаруви» (Public Administration), «Инсон ресурсларини ривожлантириш» (Human Resource Development) магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрланади;

(б) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(i) «Давлат сиёсати» (Public Policy) ва «Давлат молиясини бошқариш» (Public Finance Management) магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрланади;

(ii) юқори малакали ва замонавий билимларга эга бошқарув кадрлари захирасини шакллантириб бориш мақсадида амалиётчи бошқарувчилар учун маҳсус дастурлар (Executive MPA ва Executive MBA) жорий этилади;

(в) магистратура дастурлари хориждаги нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ва модуллар бўйича ташкил этилади;

(г) мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, хусусан, давлат бошқаруви ҳамда энергетика, транспорт логистикаси, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви таъминоти ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи фанлараро магистрлик дастурлари жорий этилади.

16. Магистратураги давлат гранти асосида тамомлаган битирувчиларга

камиди З йил давлат органи ёки ташкилотида (устав фондида давлат улуси 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятлари, давлат корхоналарида) ишлаб бериш мажбурияти юклансин. Бунда магистратури грант асосида тамомлаган нодавлат сектор вакилларини давлат хизматига жалб этиш Агентлик томонидан таъминланади.

17. Белгилансинки, Агентликнинг иш берувчилар билан биргаликдаги таклифларига асосан давлат буюртмаси бўйича таълим олган магистратура битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимларга тақсимланади, уларнинг карьеравий ўсиши жараёнлари эса Агентлик томонидан мониторинг қилиб борилади. Бунда магистратурада ўқиш якунлари бўйича якуний ўзлаштириш кўрсаткичи 85 фоиздан юқори бўлган тингловчилар, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланади.

#### **IV. Илмий салоҳиятни ошириш ва хорижий ҳамкорликни янада кучайтириш**

18. Давлат сиёсати ва бошқаруви соҳасида яхлит илмий тадқиқотлар тизимини яратиш мақсадида 2025 йил 1 июлдан бошлаб Академияда «Давлат сиёсати ва бошқаруви» ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли жорий этилсин ҳамда мазкур ихтисослик бўйича илмий кенгаш ташкил этилсин.

19. Академиянинг халқаро академик доирада нуфузини ошириш мақсадида 2-иловага\* мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг Халқаро академик маслаҳат кенгashi ташкил этилсин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) таълим дастурлари ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш бўйича маслаҳатлар, шунингдек, таълим ва академик сиёсат соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган тавсиялар бериш;

(б) нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ўрнатишга қўмаклашиш ҳамда халқаро аккредитация учун таълим дастурини жорий этиш бўйича маслаҳатлар бериш;

(в) таълим ва фан соҳасида халқаро даражадаги тенденцияларни таҳлил қилган ҳолда уларни Академияда қўллаш бўйича, шу жумладан, ривожланиш стратегияларини шакллантиришга оид таклифлар киритиш;

(г) халқаро тингловчиларни жалб қилиш, шунингдек, тингловчилар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви дастурларини ишлаб чиқиша кўмаклашиш;

(д) Академия тингловчилари учун глобал тенденциялар ва ўзгаришлар, стратегик фикрлаш, рақамли трансформация ва бошқа долзарб мавзуларда маърузалар қилиш.

20. Академияда босқичма-босқич Германия, Сингапур, Россия, Корея Республикаси ва бошқа ривожланган давлатлар таълим муассасалари билан

\* 2-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

хамкорликда қўйидаги қўшма таълим ва тадқиқот дастурлари амалга оширилсин:

- (а) Германиянинг Бавария Давлат бошқаруви мактаби;
- (б) Сингапур Миллий университетининг Ли Куан Ю Давлат сиёсати ва бошқаруви мактаби ҳамда Сингапур давлат хизмати коллежи.
- (в) Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси ҳамда «Сколково» Москва бошқарув мактаби;
- (г) Корея инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти ҳамда Корея давлат бошқаруви институти.

#### **V. Стратегик таҳлил соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида таҳлилий салоҳиятни ривожлантириб бориш чора-тадбирлари**

21. Академия тузилмасида Таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг маслаҳат-услубий ва таълим платформаси сифатида фаолият кўрсатувчи Таҳлил ва тадқиқот соҳасидаги компетенциялар маркази (кейинги ўринларда — Компетенциялар маркази) ташкил этилсин ва унинг вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) давлат хизматчилари ва таҳлилий-тадқиқот тузилмалари ходимларига стратегик (тизимли) таҳлил ва режалаштиришнинг илфор услубиётини (исботлаш сиёсати, «яшил» сиёсат, тизимли фикрлаш, маълумотлар таҳлилий асосида қарор қабул қилиш, хулқ-атвор таҳлили, адаптив бошқарув) ўргатиш учун қисқа ва ўрта муддатли таълим дастурлари ҳамда тренингларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

(б) вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларида таҳлилий ишларнинг ягона стандартлари ва методологиясини ишлаб чиқиши, таҳлилий жараёнларга замонавий рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни татбиқ этишга илмий-услубий кўмак бериш;

(в) вазирлик ва идораларни экспер特-таҳлилий қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат дастурлари ва ташабbusларини амалга ошириш бўйича етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар ва эксперталарни жалб этган ҳолда амалий ечимларни ишлаб чиқиши.

22. Белгилансинки:

(а) Компетенциялар марказининг иш режалари, ходимлари таркиби, тадқиқот усуллари ва фаолияти билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар Таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда ҳал қилинади;

(б) Компетенциялар маркази фаолиятини молиялаштириш Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан лойиха бошқаруви тамойиллари асосида, шунингдек, грантлар, таълим ва консалтинг фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

23. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич қўйидаги олий таълим ташкилотларида фанлараро танқидий ва мантиқий фикрлаш, маълумотлар билан ишлаш қобилиятларига ҳамда кенг таълим-тадқиқот базасига

эга бўлган таҳлилчиларнинг янги авлодини шакллантириш мақсадида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилсинг:

(а) Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Халқаро муносабатлар ва таҳлил, халқаро жараёнларни таҳлил қилиш ва эксперт шарҳлаш» йўналиши бўйича;

(б) Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Бизнес-таҳлил, молия ва катта маълумотлар таҳлили» йўналиши бўйича;

(в) Тошкент давлат шарқшунослик университетида «Халқаро муносабатлар ва таҳлил: Европа ва Осиё тадқиқотлари» йўналиши бўйича;

(г) Тошкент давлат юридик университетида «Ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқий ва сиёсий тадқиқотлар амалий таҳлили» йўналиши бўйича;

(д) Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида «Ижтимоий-диний соҳадаги жараёнлар, радикаллашув жараёнлари таҳлили ва уларнинг олдини олиш усуллари» йўналиши бўйича;

(е) Марказий Осиё атроф-мухит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университетида (Green University) «Экологик фанлар ва тадқиқотлар, экологик таҳлил, билим ва инновацияларни бошқариш» йўналиши бўйича.

24. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 23-бандида назарда тутилган таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда Компетенциялар маркази зиммасига таҳлил соҳасидаги академик дастурларни мувофиқлаштириш ва методик қўллаб-қувватлаш, ўқув режаларини стандартлаштириш, амалиётга йўналтирилган таълимни ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва эксперталарни жалб қилиш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун малака ошириш дастурларини ташкил этиш вазифалари ҳам юклатилади.

## **VI. Ташкилий чора-тадбирлар**

25. Белгилансинки:

(а) таълим, тадқиқот ва амалиёт жараёнларига юртимиз ва илғор хорижий давлатлардаги давлат хизмати ва бошқаруви, иқтисодий ривожланиш, молия ва тадбиркорлик соҳаларида таниқли бошқарув кадрлари, эксперталар ва олимлар жалб этилади;

(б) давлат гранти асосида қабул қилинган ва магистратура ёки қайта тайёрлаш курсларида юкори натижа қўрсатган тингловчиларнинг 50 фоизгача қисмини муддати икки ойга қадар бўлган хорижий стажировкага юбориш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан магистратура ва қайта тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, жумладан, уларга хорижий олимлар ва эксперталарни жалб этиш «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(в) давлат буюртмаси асосида Академияда таълим олаётган, илмий-тадқиқот ишини амалиётга самарали жорий этаётган ва хорижий тилни камида CEFR шкаласи бўйича C1 даражасида эгаллаган илмий тадқиқотчилар «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан муддати икки ойга қадар бўлган хорижий илмий стажировкага юборилади;

(г) Академияда олий таълимдан кейинги таълим талабларини бажарган

ва диссертация химоя қилган шахсларга илмий даража (фалсафа доктори — PhD, фан доктори — DSc) дипломлари ва илмий унвон (доцент, профессор) аттестатлари давлат намунасида тақдим этилади;

(д) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малака ошириш, магистратура ёки қайта тайёрлаш дастурига тингловчиликка қабул қилинган давлат органи ёки ташкилоти (устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятлари, давлат корхоналари) ходимининг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади.

26. Академияда илғор хорижий тажрибага асосланган ҳамда хусусий секторда самарали ташкил этилган амалиётга мувофиқ коррупцияга қарши курашнинг қўйидаги механизмлари жорий этилади:

(а) магистрлик ва қўшма таълим дастурлари лойиҳавий бошқарувнинг РМИ РМВоК ва бошқа нуфузли халқаро стандартларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилади, таълим дастурларида ушбу стандартни чуқур ўзлаштириш талаби жорий этилади;

(б) барча таълим дастурлари бўйича ўқув жараёни ВРР (бизнес жараёнларнинг реинжирингинг) технологияларига кўра оптималлаштирилади ҳамда «Рақамли академия» платформасида рақамлаштирилади;

(в) Академияда коррупцияга қарши муросасиз кураш мухитини яратиш мақсадида барча функционал вазифалар регламентлари ишлаб чиқилади, антикоррупцион диагностика ва профилактика тизими йўлга қўйилади.

27. Академияда юридик шахс мақомига эга бўлмаган қўйидаги тузилмалар ташкил этилсин:

(а) давлат сиёсати ва бошқарувининг генезиси, эволюцияси ҳамда ривожланишининг истиқболли ўйналишларини тадқиқ этувчи, давлат хизматида самарадорликни ошириш ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғри ишлаб чиқилишини методологик қўллаб-куватловчи, шунингдек, бошқарувда ортиқча бюрократик жараёнлар, мажлисбозлик ва қофозбозликнинг олдини олишга қаратилган ва хусусий сектордаги (таълим, тиббиёт, транспорт ва бошқалар) илғор амалиётларни давлат бошқарувида жорий қилиш бўйича услубий қўлланмалар ҳамда илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқувчи Давлат сиёсати ва бошқарувини тадқиқ этиш илмий-амалий маркази;

(б) давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона давлат таълим талабларини ишлаб чиқувчи ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларининг (институтларининг) раҳбарлик ва бошқарув ўйналишларидаги таълим дастурларини илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштирувчи Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни илмий-услубий мувофиқлаштириш маркази;

(в) давлат бошқарувида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни самарали қўллашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш, давлат хизматчиларининг рақамли компетенцияларини мунтазам ошириб бориш ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда мазкур

технологияларни кенг кўллашни ташкил этувчи Давлат бошқарувида рақами ва сунъий интеллект технологиялари таълим маркази;

(г) раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларига замонавий таълим технологияларини кенг жорий этиш ҳамда уларни асосий иш жойидан ажралмаган холда тегишли йўналишлар бўйича масофадан ўқитишни ташкиллаштирувчи Онлайн таълим ва масофавий ўқитиш маркази.

28. Академияга қўйидаги йўналишларда мустақиллик берилсин:

(а) магистратура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим дастурлари давомийлиги ва тўлов-контракт суммаларини белгилаш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш, хорижлик экспертиларни таълим ва тадқиқот жараёнларига жалб этиш;

(б) таълим тили ва шаклини, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш, дуал таълим шаклини жорий этиш, тингловчилар билимини назорат қилиш, малака амалиёти ва стажировка ўташ, якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тартибини белгилаш;

(в) меҳнат қонунчилигига мувофиқ профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномаси тузиш тартибини, тингловчиларнинг сонидан келиб чиқсан ҳолда аниқланадиган нормативлар асосида уларнинг ўқув юкламасини ҳамда илмий ходимлар илмий-тадқиқот фаолияти меъёрларини белгилаш;

(г) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда молиялаштириладиган таълим ва илмий-тадқиқот грантларини эълон қилиш ва амалга ошириш;

(д) илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва таркибини тасдиқлаш, илмий даража ва унвонлар бериш, бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий даража ва унвонларни тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

(е) Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан магистратура тингловчилари ва тадқиқотчилар учун маҳсус стипендиялар жорий этиш.

29. Академия ходимларининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган чекланган сони 107 нафар, шу жумладан, бошқарув кадрлари 54 нафар, мутахассислар 53 нафар, ўқув-ёрдамчи, техник, ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун, профессор-ўқитувчилар сони эса Академия уставига асосан тасдиқланган меъёрлар асосида белгилансин.

30. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб Академия раҳбаријати, профессор-ўқитувчилари, бошқарув, илмий ва ўқув-ёрдамчи ходимлари ҳамда мутахассисларининг лавозим маошларини белгилашда меҳнатга ҳак тўлашнинг ягона тариф жадвали бўйича тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари икки баравар миқдорда қўлланилади.

31. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясини 2025-2026 йилларда комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастури З-иловага\* мувофиқ;

\* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси устави 4-иловага мувофиқ;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясига тингловчиларни қабул қилиш бўйича ҳар йилги давлат буюртмаси параметрлари 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

## **VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

32. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси Академияга хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда таълим ва тадқиқот жараёнларига хорижий грантлар ва эксперталарни жалб этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб борсин.

33. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармон ижроси билан боғлик қўшимча бюджет харажатларини молиялаштириш 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг иқтисод қилинган маблағлари доирасида амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

34. Академия икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

(а) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан;

(б) Агентлик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда ҳар томонлама, очиқ ва холис танловнинг мезон ва механизмларини қамраб олган Академияда магистратура ҳамда олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитишнинг алоҳида тартибини назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини киритсан.

35. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси F.F. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
ПФ-78-сон

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 5 майдаги  
ПФ-78-сон Фармонига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларни бошқариш ва ривожлантириш, инсон ресурсларини бошқариш, шунингдек, бошқарув фанининг бошқа соҳаларида фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борадиган таянч давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Академия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг ҳужжатлари, ушбу Устав ҳамда бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

3. Академия юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансига, Фазначилик хизмати қўмитасида ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига, давлат тилида ўз номи ифодаланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрига, фаолияти учун зарур бўлган бланк, штамп, бошқа атрибут ва реквизитларга эгадир.

Академиянинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси;

қисқартирилган — ДСБА;

б) рус тилида:

тўлиқ — Академия государственной политики и управления при Президенте Республики Узбекистан;

қисқартирилган — АГПУ;

в) инглиз тилида:

тўлиқ — Academy of Public Policy and Administration under of the President of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган — APPA.

Академиянинг манзили: Тошкент шаҳри И. Каримов кўчаси 45-үй.

4. Академия қўйидаги фаолият турларини амалга оширади:

давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида, давлат намунасидаги дип-

лом ва «магистр» даражаси бериладиган ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бир ярим йилга қадар ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки йиллик магистратура таълим дастурлари бўйича юқори малакали бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш;

давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида олти ойгача давом этадиган дастурлар бўйича, жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, белгиланган намунадаги диплом бериладиган бошқарув кадрлари ва мутахассисларни қайта тайёрлаш;

давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида бир ойга қадар муддатли дастурлар бўйича, жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, белгиланган намунадаги сертификат бериладиган бошқарув кадрлари ва мутахассислар малакасини ошириш;

давлат ҳокимияти органлари, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, бизнес тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, худудлардаги бошқарув кадрлари учун давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича маҳсус малака ошириш курслари, ўқув-амалий семинар ва тренинглар ташкил этиш;

давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви, иктиносидиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда худудларни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда инсон ресурсларини бошқариш, шунингдек, бошқарув фанининг бошқа соҳаларида фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

давлат ҳокимияти органлари, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, бизнес тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда иктиносидиёт тармоқлари ва соҳалари учун мақсадли ва буюртма асосида ўқув-услубий ва илмий-консультатив хизматлар кўрсатиш;

ўқув, услубий, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ва илмий-консультатив ҳамда маънавий-маърифий фаолиятнинг барча турлари;

ноширлик фаолияти;

илмий, таълим, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш.

## **2-боб. Академиянинг асосий мақсад ва вазифалари**

5. Академиянинг асосий мақсади бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, шунингдек, давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви, иктиносидиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда худудларни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда инсон ресурсларини бошқариш, бошқарув фани соҳаларида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобланади.

6. Қўйидагилар Академия фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари ҳисобланади:

илғор хорижий тажрибага мувофиқ давлат фуқаролик хизматчилари (кейинги ўринларда — давлат хизматчилари) ва бошқарув кадрларининг

салоҳиятини мунтазам ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат хизматчиларининг малакасини мунтазам ошириб бориш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, бошқарув кадрларини магистратура ва олий таълим-дан кейинги таълим босқичларида ўқитиш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг таянч тавсиялари ҳамда миллий қадриятларимиз ва ахлоқ нормаларини инобатга олган ҳолда яратиладиган профессионал компетенциялар асосида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини мунтазам оширишни ташкил этиш;

таълим дастурларини хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиш ҳамда уларни бошқарув кадрларининг касбий компетенцияларини миллий қонунчилик талаблари ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида ривожлантиришга йўналтириш;

таълим ва тадқиқот жараёнларини факультетлар ва кафедралар негизида ташкил этиладиган илғор хорижий тажрибага асосланган таълим — тадқиқот — амалиёт мактаблари орқали олиб бориш;

бошқарув кадрлари ва давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда рақамли ва сунъий интеллект технологияларини кенг кўллаш, уларнинг рақамли компетенцияларини мунтазам ошириб бориш;

Академия фаолиятини стратегик ривожлантириш, уни халқаро стандартлар даражасига кўтариш, илмий-педагогик ва моддий-техник салоҳиятини кучайтириш жараёнларига инвестицияларни жалб этиш;

давлат хизматчиларида замонавий раҳбарнинг «маънавий қиёфа»сини шакллантириш асосида таълим дастурларини ташкил этиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, ўқув жараёни илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ LMS тизими ва «Рақамли академия» платформаси орқали ташкил этиш;

давлат хизмати ва бошқарувини такомиллаштириш, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси, соҳа ва тармоқларни ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни самарали бажариш ва мақсадларга эришиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида хорижий таълим, илмий-тадқиқот ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

давлат сиёсати ва бошқаруви ҳамда давлат хизматини комплекс ривожлантириш бўйича глобал сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий жараёнларнинг замонавий тенденцияларини мунтазам тадқиқ этиш асосида илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

бошқарув кадрлари, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда рақамли ва сунъий интеллект технологияларини чуқур ўзлаштириш, уларнинг рақамли компетенцияларини мунтазам ошириб бориш.

7. Академияга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

таълим ва тадқиқот жараёнларини лойиҳавий бошқарув тамойилига му-

воғиқ ҳамда илғор хорижий тажрибага асосланган инновацион таълим — тадқиқот — амалиёт мактаблари (кейинги ўринларда — мактаблар) орқали ташкил этилишини;

ўқув жараёни миллий ва умумеътироф этилган ҳалқаро таълим стандартлари ва талаблари бўйича тайёрланган ўқув дастурлари, шунингдек, ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, етакчи педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни қўллаш асосида амалга оширилишини;

назарий билимларнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, тингловчиларда бошқарув соҳасидаги зарур билим, малака ва кўнкималарни шакллантириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларида малакавий амалиёт ва стажировкалар ташкил этилишини;

Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимларини хорижий мамлакатлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига стажировкага юборилишини;

ўқув жараёнига давлат, хўжалик бошқаруви органлари ва хусусий сектор ташкилотлари раҳбарларининг, етакчи олий таълим ва илмий ташкилотлар, тадқиқот марказлари, жумладан, хорижий мамлакатлардан юқори малакали мутахассислар ва эксперталарнинг жалб этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, таникли хорижий олимлар ва эксперталар томонидан Академияда давлат, жамият ва хўжалик бошқарувининг долзарб масалалари бўйича маъруза, маҳорат-дарслари ва давра сухбатлари, очик мулоқотлар, дебатлар ва дискуссиялар ўtkазилишини таъминлайди.

### **3-боб. Академиянинг бошқарув органлари**

8. Академияга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, Академия фаолиятининг устувор масалаларни ҳал этиш, унинг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг энг муҳим йўналишларини белгилаш Академия васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) томонидан амалга оширилади.

Васийлик кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда унинг таркибига Васийлик кенгашининг қарорига мувоғиқ ҳалқаро ташкилотлар ёки уларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари, хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари муддатли асосда киритилиши мумкин.

9. Васийлик кенгаши Академия фаолиятига қўйидаги устувор масалаларда кўмаклашади ва тегишли қарорлар қабул қиласди:

республикада давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг салоҳиятини мунтазам ошириб боришнинг ҳамда соҳада фундаментал, амалий, илмий-инновацион тадқиқотлар ва ҳалқаро акаде-

мик ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

Академияни узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унинг халқаро нуфузини ошириш, таълим ва тадқиқот фаолиятини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, бошқарув, илмий-педагогик салоҳиятини ва моддий-техник имкониятларини кучайтириш ҳамда ушбу жараёнларга инвестицияларни жалб этиш;

иқтидорли ва истиқболли ёшларни Академияда ўқитиш ҳамда турли стажировка дастурларини ташкил этиш орқали уларни давлат хизматига тизимили ва самарали жалб этишни рағбатлантириш;

Фанлар академияси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда бошқа илмий муассасалар ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириши рағбатлантириш;

Академиянинг кадрлар буюртмачилари билан манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, етакчи хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ташкилий ва молиявий кўмаклашиш;

Академиянинг хорижий ҳамкорлари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этишга, уларга таниқли хорижий олимлар ва эксперталарни жалб этишга, тингловчилар, профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар учун мақсадли хорижий стажировкаларни ташкил этишга ташкилий ва молиявий ёрдам бериш;

республикада давлат хизмати, сиёсати ва бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари, шунингдек, давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга оид давлат талабларининг ижроси юзасидан мониторинг натижаларини таҳлил қилиб бориш;

Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш дастурлари битирувчilarининг давлат хизматида касбий ва карьеравий ўсиши мониторинг натижаларини мухокама қилиш;

Академиянинг таълим ва илмий-тадқиқот дастурларини ҳамда моддий-техник базасини ривожлантиришга, бошқарув ва бошқа тоифа ходимларининг меҳнат фаолиятини моддий рағбатлантиришга кўмаклашиш;

Академиянинг бошқарув, ўкув ва илмий-тадқиқот жараёнларини қўллаб-қувватлашга хорижий мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

республика ҳудудларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида давлат буюртмаси параметрлари доирасида Академия магистратурасига қабул квоталарини зарурат бўлганда республика ҳудудлари кесимида тақсимлаш;

Академиянинг таълим ва тадқиқот дастурларининг халқаро тан олинган ташкилотларда аккредитациядан ўтиши ва академик рейтингларда иштирок этишини ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

Васийлик кенгаши Академия олдига қўйилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам Академия кенгаши ва ректори мурожаатига мувофиқ кўриб чиқиши мумкин.

Васийлик кенгаши томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

10. Васийлик кенгаши қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Академия фаолиятининг устувор йўналишлари, мутахассис ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида янги мутахассисликлар очиш;

мехнат фаолиятида юқори натижаларга эришган магистратура тингловчилари ва тадқиқотчилари учун махсус стипендиялар жорий этиш;

очиқ танлов йўли билан тўлов-контракт асосида магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрларини тасдиқлаш;

Академия тузилмасини белгиланган ходимлар сони доирасида тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

Академия фаолиятига мутахассисларни (консультант, маъruzachi, ўқитувчи ва бошқалар) соатбай ва узоқ муддатли ишлаш шартларида жалб этиш ҳамда уларга меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлаш тартибини белгилаш;

Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бошқарув, профессор-ўқитувчи, илмий, ўқув-ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларни меҳнат фаолияти натижалари бўйича қўшимча рафбатлантириш тартибини белгилаш.

11. Академия фаолиятига тааллуқли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун Академия кенгаши тузилади.

Академия кенгаши ректор, ректор маслаҳатчиси, илмий котиб, проректорлар, мактаблар (факультетлар) деканлари, марказлар ва айrim бўлинмалар раҳбарлари, етакчи профессор-ўқитувчилар (кафедра мудирлари), шунингдек, бошқа ташкилотларнинг етук олимлар ва мутахассислари, шу жумладан, хорижлик олимлар ва эксперталардан иборат таркибда ташкил этилади.

Академия кенгашига Академия ректори раҳбарлик қиласи, унинг фаолиятини илмий котиб ташкиллаштиради.

12. Академия кенгаши ваколатига қўйидагилар киради:

бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, илмий-консультатив, ахборот-таҳлилий ва ноширлик ишлари, шунингдек, Академия тасарруфидаги бўлинмалар фаолиятига оид масалаларни ҳал қилиш;

Академиянинг ўқув ва илмий фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболларини ишлаб чиқиш ва Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига белгиланган давлат буюртмасидан ташқари қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

ўқув режалари ва дастурлари, малака талабларини касбий компетенциялар асосида тасдиқлаш, таълим тили ҳамда таълим олиш шаклини мустақил равища белгилаш;

магистратурада кундузги билан бир қаторда бошқа таълим шакларини, шунингдек, қўш ва амалий даражалар бериш тизимини жорий этиш;

юқори малакали ва замонавий билимларга эга бошқарув кадрлари за-

хирасини шакллантириб бориш мақсадида амалиётчи бошқарувчилар учун махсус дастурларни (Executive MPA ва Executive MBA) амалга ошириш;

давлат фуқаролик хизматининг сиёсий ва бошқарув лавозим гуруҳларига номзодлар учун муддати бир ойга қадар бўлган малака ошириш курсларини йўлга кўйиш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан, жумладан, ўз мақсадли грантлари орқали докторантурага танлов асосида қўшимча квотага қабул қилиш;

мустакил равишда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва таркибини тасдиқлаш, мазкур кенгашлар таркибига таниқли хорижлик олимлар ва эксперктларни жалб этиш;

ихтиосликлар бўйича илмий даражалар ва илмий унвонларни бериш ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий даражага ва унвонларни тан олиш, докторант ва мустакил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг фаолият турлари учун вақт меъёрларини, шунингдек, улар учун ўйллик ўқув юкламасининг ҳажмини белгилаш;

Академиянинг ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва чоп этиш;

тингловчиларнинг малакавий амалиёти ва стажировкаси, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид талабларни тасдиқлаш;

Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари индикаторларини (KPI) ҳамда уларни баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчи, бошқарув ва илмий ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва эксперктларни таълим, илмий-тадқиқот ва бошқарув фаолиятига жалб этиш тартибини белгилаш;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси фахрий доктори» илмий даражаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси фахрий профессори» илмий унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олинган холда магистратура ва бошқа таълим дастурлари бўйича тўлов-контракт асосида ўқитиш нархи ва тўлов муддатларини мустакил белгилаш;

илмий, таълим, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари бўйича пулли хизматлар кўрсатишнинг тартиби ва нархларини белгилаш;

Академиянинг илмий ва инновацион фаолиятини олиб бориш, илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни жалб этиш учун ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган Академиянинг эндаумент жамғармасини (endowment fund) ташкил этиш;

бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хиз-

мат кўрсатувчи ходимларни моддий рафбатлантириш учун Махсус фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек Академия ходимларига ойлик устамалар тайинлаш мезонларини тасдиқлаш.

13. Академия кенгаши фаолияти аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, масалаларни ҳал этиш ва хулосаларни қабул қилишда коллегиаллик, Кенгаш ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳар томонлама холисона ва тўлиқ ҳал этилишини тайминлаш тамоийлларига асосланади.

Академия кенгаши мажлиси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади ҳамда унинг қарори Академия ректори томонидан тасдиқланади.

14. Академия раҳбарияти таркибига ректор, проректорлар, ректор маслаҳатчиси, мактаблар (факультетлар) деканлари ва филиаллар директорлари лавозимлари киради.

15. Академияга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ректор раҳбарлик қиласди.

Академия ректори мақоми, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига тенгглаштирилади.

16. Академия ректори:

Академия фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, муассасалар ҳамда бошқа ташкилотларда Академия номидан иш юритади, шартномаларни тузади ва Академия манфаатларини ифодалайди;

Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда Академия кенгаши таркиби ни тасдиқлайди;

Академиянинг Васийлик кенгаши ва Академия кенгаши қарорларининг бажарилишини ҳамда ижро интизомини назорат қиласди;

Академиядаги фаолиятига оид масалалар бўйича тингловчилар, ҳамкорлар ва буюртмачилар билан ҳамкорлик қиласди;

Академия фаолияти тўғрисида ҳисботларни тайёрлайди, ички аудитни ташкил этади ва иш самарадорлигини тизимли баҳолашни ташкил этади;

Академиянинг барча ходимлари ва тингловчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда ички регламент ва йўриқномаларни тасдиқлайди;

Академиянинг ташкилий ва молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қиласди, Академиянинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ва уларнинг ижросини назорат қиласди, қўшимча молиявий ресурсларни, жумладан грантлар ва ҳомийлик маблағларини жалб қиласди;

Академиянинг маблағларини ўрнатилган тартибда бошқариш ва тасаруф қилиш юзасидан қарорлар қабул қиласди, молиявий, тўлов-ҳисоб ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

Академияда янги мактаблар, марказлар ва бошқа таркибий бўлинмаларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида Васийлик кенгашига таклифлар киритади;

мехнат қонунчилигига мувофиқ, Академиянинг раҳбар кадрлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва бекор қиласи, ҳак эвазига хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузади;

Академияда ўқитиши стратегиялари ва усулларини аниқлайди, таълим сифатини назорат қилиш ва инновацион таълим технологияларини жорий этишини таъминлайди;

Академия проректорлари ва бошқа ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини тасдиқлайди;

Академия номидан ҳалқаро ташкилотлар, хорижий ҳамкорлар, хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади, хорижий тингловчилар ва ўқитувчиларни жалб қилиш ва ҳалқаро таълим ва илмий лойиҳаларда иштирок этиш, қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қиласи;

Академия ходимларининг малакасини ошириш ва касбий ривожлантириш дастурларини амалга оширишни ташкил қиласи, илғор тажрибани, шунингдек, республика худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бошқа масалаларни тизимили ўрганиш максадида Академия ходимларини хорижга ҳамда республика худудларига хизмат сафарларига юборади;

Академиянинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, тингловчилар ва ходимлар учун қулай таълим ва иш шароитларини таъминлайди;

Академия ходимларини қонунчилик хужжатларига мувофиқ моддий рафтлантиради ва мукофотлайди;

Академияда тартиб ва интизомни таъминлаш чораларини кўради, тингловчилар ва ходимларга нисбатан интизомий ишларни кўриб чиқади ва интизомий масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи;

Академиянинг мол-мулки ва маблағларини ўрнатилган тартибда бошқариш ва тасарруф қилиш юзасидан қарорлар қабул қиласи, молиявий, тўлов-хисоб ва бошқа хужжатларни имзолайди;

қонунчилик хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17. Академия ректори малака ошириш ва бошқа таълим дастурларига жалб этиладиган юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга:

уларнинг кўпи билан 20 фоизига ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдордан 50 фоиз юқори этиб белгилаш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун шартнома асосида жалб қилинганларнинг соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдордан икки ярим бараваргача юқори этиб белгилаш хукуқига эга.

18. Проректорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Академия ректори томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Проректорлар мақоми, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудирига тенглаштирилади.

19. Академия ректори бўлмаган вактда унинг ваколатлари раҳбарнинг буйруғига мувофиқ проректорларнинг бири томонидан амалга оширилади.

20. Ҳудудий филиаллар директорлари Академия ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

#### **4-боб. Академияда таълим жараёни ва илмий-услубий фаолиятни ташкил этиш**

21. Академия магистратура таълим дастурларида кадрлар тайёрлаш олий таълимнинг давлат таълим стандартига мувофиқ Академиянинг ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилади.

Магистратура таълим дастурларига тингловчилар давлат буюртмасига асосан давлат гранти ва тўлов-контракт бўйича, шунингдек, очик танлов йўли билан тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Магистратура таълим дастурлари битирувчиларига белгиланган намунадаги диплом ва магистр даражаси берилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш белгиланган давлат талаблари асосида олти ойгача давом этадиган ўқув режалари ва дастурлари бўйича амалга оширилади. Қайта тайёрлаш курси тингловчиларига белгиланган намунадаги диплом берилади.

Кадрлар малакасини ошириш белгиланган давлат талаблари асосида бир ойгача давом этадиган ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади. Малака ошириш курси тингловчиларига белгиланган намунадаги сертификат топширилади.

Магистратура таълим дастурлари бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим дастурлари бўйича давлат таълим талаблари Академия томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Магистратура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим дастурлари бўйича тингловчиларга тақдим этиладиган диплом ва сертификатлар намуналари Академия кенгashi томонидан тасдиқланади.

22. Магистратурада, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёнлари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ва масофавий шаклда ташкил этилиши мумкин.

23. Академия магистратура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тавсиялари, жойлардаги мавжуд ижтимоий-иктисодий ривожланиш муаммоларини тизимли ўрганиш асосида, муайян худудлар ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқади.

Фанлар бўйича ўқув модулларини ишлаб чиқиша:

давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбар ка-

дрларининг замонавий бошқарув ва лидерлик, ҳалқ ва ОАВлар билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, дипломатик ва ишчанлик протоколи, музокаралар олиб бориш, лойиҳавий бошқарув ва нотиқлик санъати каби йўналишларда амалий компетенцияларини ривожлантиришга;

тингловчиларда тизимли таҳлил ва стратегик режалаштириш, ташаббус-корлик, лидерлик, инновацияларга очиқлик, креатив фикрлаш, натижа учун ишлаш ва ностандарт вазиятларда мақбул қарорлар қабул қилиш кўнкимларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

24. Магистратура таълим дастурларига кредит тўплаш ва кўчиришнинг Евropa тизимиға (ECTS) асосланган кредит-модуль тизими ҳамда ҳалқаро аккредитация қилинган фан модуллари босқичма-босқич жорий этилади, онлайн мустақил таълим инфратузилмаси яратилади.

25. Академия ўқув жараёнини замонавий таълим технологиялари ва шаклларидан, жумладан, масофавий ўқитиш, шунингдек, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг мақбул ечимини ишлаб чиқишига йўналтирилган лойиҳавий бошқарув усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этади.

Таълим жараёнининг камидаги 60 фоизи амалий машғулотларга ажратилади ҳамда ўқув машғулотлари кейс-технологиялар, инновацион муаммолар ечими, мунозара, муҳокама услублари орқали ташкил этилади.

Ҳалқаро тан олинган академик рейтингга эга хорижий таълим ташкилотларида ҳамда глобал таълим платформалари (Coursera, Udemy, EdX ва бошқалар) орқали тўпланган таълим кредитлари Академиянинг магистратура дастурларида белгиланган тартибда хисобга олинади.

Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларни Академияга ишга жалб этишда уларнинг ўзбек тили ва хорижий тиллардан бирини меҳнат шартномасида белгиланган даражада ўзлаштириши, ҳалқаро нуфузли манбаларда илмий мақолалар чоп этиши, хорижда малака оширганлиги талаб этилади, шунингдек, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш КРІ тизими орқали амалга оширилади.

26. Академия кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, бизнес тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этади.

Академия тингловчилари ва тадқиқотчилари мақсадли равишда давлат органлари ва ташкилотларига бириктирилади ҳамда уларнинг илмий тадқиқот мавзулари бириктирилган соҳалар муаммоларини ҳал этишга қаратилади.

27. Вазирлик, идора, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари етакчи мутахассислари шартнома асосида ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шарти билан ўқитувчилик фаoliyatiга жалб қилиниши мумкин.

Хорижий мамлакатлар олимлари ва экспертлари Академиянинг ўқув, услубий ва илмий-тадқиқот ишларига Академиянинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

28. Илмий-тадқиқот ишлари, қоида тариқасида, грант ёки шартнома асо-

сида ўтказилади. Шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришдан тушган маблағлар, тегишли харажатлар қоллангандан сўнг, Академия моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рафбатлантириш ва бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади.

29. Академия магистратураси мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш таълим дастури ўзлаштирилиши давлат таълим стандартларига мувофиқ якуний аттестация комиссияси томонидан баҳоланади.

### **5-боб. Академия тингловчилари**

30. Академия тингловчилигига номзодлар тегишли қабул тўғрисидаги низомда ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

Магистратура мутахассислиги ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилигига қабул қонунчилик хужжатларига мувофиқ Академия, тингловчи ва буюртмачи ташкилот ўртасидаги шартнома тузилгандан сўнг ректор бўйруғи билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда малака ошириш, магистратура ёки қайта тайёрлаш дастурига тингловчиликка қабул қилинган давлат хизматчиларининг (устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятлари, давлат корхоналари ходимлари) ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртacha иш ҳақи сақланади.

Магистратурага очик танлов йўли билан тўлов-контракт асосида қабул қилинган тингловчи ва иш берувчи ўртасидаги шартномага мувофиқ, уларнинг ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи сақлананиши мумкин.

Иш берувчи тасдиқланган иш ҳақи фонди доирасида магистратурада таълим олаётган тингловчи ўқишини тугатишгача бўлган муддатга тузилган шартнома асосида бошқа ходимларни ишга қабул қилишга ҳақли.

31. Тингловчилар ўқув режасидаги вазифаларини белгилangan муддатда бажаришга, Академия устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга мажбурдирлар.

32. Магистратурада ўқиш давомида тингловчи хорижий тиллардан бирини давлат таълим стандартида белгилangan даражада эгаллаши лозим.

33. Академия тингловчилари ўқиш давомида ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижоди, Ўзбекистон тарихи ва миллий қадриятларини мустакил равиша ўрганишлари учун шароитлар яратилади.

34. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган тингловчилар Академия имкониятидан келиб чиқиб, тўлов асосида яшаш жойи билан таъминланади, уларнинг ўқиш жойига келиши ва кетиши билан боғлиқ бир марталик йўл харажатлари юборувчи тараф томонидан қолланади.

35. Академия тингловчилари ўқиш даврида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг бўлинмалари, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларида икки ойгача бўлган муддатда малакавий амалиёт («устоз—шогирд» модели асосида) ва стажировкани (ташкилот раҳбарининг дублёри сифатида) ўтайдилар.

Академия тингловчиларининг сайёр амалий машгулотларга чиқиши, ма-

лакавий амалиёт ва стажировка ўташи билан боғлиқ транспорт, кундалик ҳамда яшаш харажатлари буюртмачи ташкилотлар (иш жойига эга бўлмаган тингловчиларга Академиянинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари) ҳисобидан қопланади.

36. Академия магистратураси тингловчилари ўқув якуни бўйича магистрлик диссертациясини ҳимоя қиласидар. Қўшма таълим дастурлари бўйича диссертация ҳимояси кўзда тутилмайдиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Магистрлик диссертацияси ҳимояси кўзда тутилмайдиган мутахассисликлар рўйхати ҳамда уларнинг ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби Академия кенгashi томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзулари давлат, хўжалик ва бизнес бошқаруви ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида шакллантирилади.

Магистрлик диссертациясига Академиядан илмий раҳбар ҳамда буюртмачи ташкилотдан амалиётчи консультант тайинланади.

37. Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш таълим дастурлари тингловчилари ўқув жараёнлари якунида лойиҳавий бошқарув тамоийллари асосида тайёрланадиган мос равишда магистрлик диссертацияси ёки якуний лойиҳавий ишни тегишли ҳудудни (тармоқ ёки йирик корхонани) ривожлантириш бўйича илмий-амалий лойиҳа иши сифатида ҳимоя қиласи.

38. Академия тингловчилари қўйидаги ҳолатларда тингловчилар сафидан чиқарилади:

ёзма ариза берган тақдирда;

Академия ички тартиб-қоидаларини бузган тақдирда;

урзли сабабсиз магистратурада бир семестр давомида 74 академик соатдан ортиқ, қайта тайёрлаш курсларида 30 академик соатдан ортиқ ҳамда малака ошириш курсларида 12 соатдан дарс қолдирса;

магистратура ва қайта тайёрлаш курсларида уч ва ундан ортиқ фандан академик қарздорлик вужудга келганда;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ўқотган тақдирда (давлат буюртмаси асосида таълим олаётган тингловчилар учун);

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганилиги аниқланганда (ушбу ҳолатда тингловчилар сафидан четлаштирилганлар қайта тикланмайди);

ўқиши учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича тахсил олаётганлар учун);

соғлигининг ҳолатига кўра узоқ вақт мобайнида ўқишини давом эттира олмай қолган тақдирда (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

вафот этганда ёки суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда.

Мазкур банднинг учинчи — саккизинчи хатбошиларига мувофиқ давлат

гранти асосида таҳсил олган шахслар тингловчилар сафидан чиқарилганда уларнинг Академиядаги таълими учун сарфланган маблағлар ундирилади.

39. Академия магистратурасини давлат гранти асосида битирган шахсларга камида 3 йил давлат органи ёки ташкилотида (устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари ва хўжалик жамиятлари, давлат корхоналарида) ишлаб бериш мажбурияти юкланди.

Нодавлат сектордан магистратурада давлат буюртмаси асосида ўқиган битиравчиларни давлат хизматига жалб этиш Агентлик томонидан ҳал қилинади.

40. Магистратура битиравчилари Агентликнинг иш берувчилар билан биргалиқдаги таклифига асосан лавозимларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан тақсимланади, шунингдек, уларнинг карьеравий ўсиши жараёнлари Агентлик томонидан мониторинг қилиб борилади.

Магистратурада ўқиш якунлари бўйича якуний ўзлаштириш кўрсаткичи 85 фоиздан юқори бўлган тингловчилар, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланади.

Давлат буюртмаси асосида Академиянинг магистратура таълим дастури талабларини бажармаган тингловчилари ўқиш даврида қилинган барча тўловлар миқдорининг 50 фоизини асосий иш жойи бўйича қоплашлари шарт ҳисобланади.

## **6-боб. Академия профессор-ўқитувчилари таркиби ва бошқа ходимлари**

41. Академия профессор-ўқитувчилари таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимлари киради.

Академия профессор-ўқитувчилари Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ очиқ танлов асосида бир ўқув йилига меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади.

Академия профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг хорижий тиллардан бирини камида CEFR шкаласи бўйича B2 даражада билиши учун шароитлар яратилади, уларнинг халқаро нуфузли манбаларда илмий мақолалар чоп этишига, хорижий мамлакатларда малака оширишига, шунингдек, уларни рағбатлантиришни КРІ тизими орқали амалга оширишга эътибор қаратилади.

42. Профессор-ўқитувчилар таркиби сонининг меъёри кундузги таълим шакли бўйича Академия магистратураси, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ўртача йиллик сонига 1:7 нисбатда, кечки таълим шакли бўйича эса 1:15 нисбатдан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

43. Академия профессор-ўқитувчилари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгашда Академиянинг ўқув, илмий, ижодий ва ишлаб чиқариш фаолиятига оид муҳим масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

Академия хоналари, аудиториялари, ўқув заллари, ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, ахборот-коммуникация тизимлари, лабораториялари ва спорт-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланиш;

тингловчиларнинг индивидуал хусусиятларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамда юқори сифатли таълим жараёнини таъминлайдиган ўқитиш услублари ва воситаларини танлаш.

44. Академия профессор-ўқитувчилари қўйидаги мажбуриятларга эга:

таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, тингловчиларда ташаббускорлик, ижодий қобилият ва илмий изланишга бўлган интилишни ривожлантириш;

tinglovchilarda milliy va umuminsoniy қадriyatlarni xurmat қилиsh, yuqori daражада маънавият ва madaniyat, vatanparvarlik tuyfusi va fuqarolik pozitsiyasini shakllantiriш;

давлат хизмати ва бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда таълим сифатини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш;

мехнат шартномаси ва йиллик иш режасига мувофиқ белgilangan eng muхим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ga эришишни таъминлаш;

Академия устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

45. Академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари учун назарда тутилган тиббий таъминот шартлари қўлланади.

46. Академиянинг бошқарув, илмий, ўкув-ёрдамчи ва техник ходимларининг ҳуқук ва мажбуриятлари меҳнат шартномалари, Академиянинг ич-ки-тартиб қоидалари ҳамда лавозим йўриқномаларида белgilab қўйилади.

## **7-боб. Академиянинг халқаро фаолияти**

47. Академия ўқув ва илмий-услубий ишлар, маслаҳатлашувлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этади, бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий таълим, илмий-тадқиқот ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи ва шартномалар тузади.

48. Профессор-ўқитувчилар, тингловчилар ва ходимларнинг хорижий стажировкаси Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари, Академия хорижий ҳамкорлар билан тузган битимлари, якка тартиbdаги шартномалар (контрактлар) асосида оширилади.

49. Давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилинган ва магистратура ва қайта тайёрлаш курсларида юқори натижа кўрсатган талабалар (tinglovchilar)ning 50 foizgacha қисми «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари хисобидан икки ойгача бўлган муддатга хорижий давлатларда стажировка ўташ учун юборилади.

## **8-боб. Академиянинг молиявий-хўжалик фаолияти**

50. Кўйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида ўтказиладиган грант лойихалари танлови натижалари бўйича ажратиладиган маблағлар;

тўлов-контракт асосида магистратура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Академия томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида бажариладиган ўқув, услубий ва илмий-тадқиқот лойихалари, ахборот-таҳлилий ва ноширлик ишлари, таълим ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хизматларни амалга оширишдан тушадиган тушумлар;

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ва бошқа ходимлари ҳамда тингловчилари фойдаланишидан ташқари вақтларда унинг бино, иншоот ва воситаларини (ўқув бинолари, сузиш ҳавзаси, тиббиёт маркази, меҳмонхона мажмуаси, спорт заллари ва бошқалар) самарали эксплуатация қилиш мақсадида кўшимча пулли хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

маҳаллий, ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан таълим ва тадқиқот дастурлари учун мақсадли равишда ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ёрдами, грантлар, лойиха ва дастурлар, шунингдек, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

### 51. Академия қўйидаги хуқуқларга эга:

ўқув жараёнига жалб қилинадиган хорижий давлатлар олимлари, ўқитувчи ва мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлашни улар билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ амалга ошириш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, давлат, хўжалик ва бизнес бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш, кадрлар сиёсати ва давлат хизматининг долзарб муаммолари ҳамда бошқа мавзулар ёритиб бориладиган ижтимоий-сиёсий журнал чоп этиш ҳамда унинг электрон шаклини юритиш;

Академия учун ажратилган бюджет маблағлари ёки ўз маблағлари ҳисобидан жиҳозлар ва бошқа моддий ресурсларни харид қилиш ва ижарага олиш;

ўзига қарашли бўлган мол-мulkка, интеллектуал ва бошқа мулкларга, хўжалик, шунингдек, бошқа фаолият натижасида олинган маҳсулот, даромад ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда қўлга киритилган мол-мulkка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш;

Академия профессор-ўқитувчилари, илмий ва бошқа ходимлари ҳамда тингловчилари фойдаланишидан ташқари вақтларда унинг бино, иншоот ва воситаларини (ўқув бинолари, сузиш ҳавзаси, тиббиёт маркази, меҳмонхона мажмуаси, спорт заллари ва бошқалар) самарали эксплуатация қилиш мақсадида ўқув, илмий ва бошқа турдаги кўшимча пулли хизматлар кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия томонидан амалга ошириладиган фаолият ва кўрсатиладиган хизматлар нархи ва тарифи, шу жумладан тўлов-контракт асосида ўқиш нархини мустақил белгилаш;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

52. Академиянинг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ва сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

53. Академиянинг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар таркибида лавозим маошлари олий таълим муассасалари тегишли ходимларининг, илмий ходимларига эса Фанлар академияси тизимидағи илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари учун белгиланган базавий лавозим маошлари миқдорида белгиланади.

Академиянинг қолган ходимларига лавозим маошлари қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви органлари ходимлари учун назарда тутилган тўлов разрядларига ва меҳнатни моддий рағбатлантириш шартларига мувофиқ белгиланади.

54. Академия бошқарув ходимлари, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларининг иш ҳақлари қонунчиликда кўзда тутилган лавозим маоши, мукофот пуллари, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантириш тўловларидан ташкил топади.

Академия тузилмасидаги мактаб (факультет) деканлари, трансформация оғиси раҳбари ҳамда филиал директорларининг базавий лавозим маоши давлат олий таълим ташкилотлари факультетлари деканларининг базавий лавозим маошига, шунингдек, Академия марказлари ва бошқармалари бошлиқларининг базавий лавозим маоши давлат олий таълим ташкилотлари факультет декани ўринbosарлари базавий лавозим маошига мос равишда белгиланади.

55. Академияда Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Махсус жамғарма) мавжуд.

Махсус жамғарма Академиянинг бошқарув ходимлари, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари (кейинги ўринларда — Академия ходимлари) амалдаги иш ҳақи фондининг 50 фоизигача бўлган миқдорда шакллантирилади.

Махсус жамғарма маблағлари Академия ректори буйруғи билан штатдаги Академия ходимларига тариф ставкасининг (лавозим маошлари миқдорининг) 100 фоизигача миқдорда устама ойлик белгилаш ва мукофотлашга йўналтирилади.

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, Академия ходимларига ойлик устамалар тайинлаш ва уларни мукофотлаш мезонлари Академия кенгаши томонидан белгиланади.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини ҳисоблашда Махсус жамғарма маблағлари Академиянинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади.

56. Академияга бешта енгил автомашина ва иккита микроавтобус таъминоти учун лимит ажратилади.

57. Академия белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерлик ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисботлар юритади.

**9-боб. Якуний қоида**

58. Академия уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Академияни қайта ташкил қилиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**221 Камбағал оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўл-лаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

**[Кўчирма]**

Камбағал оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий қўл-лаб-қувватлаш чоралари кўламини кенгайтириш, уларнинг манзиллиги ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда камбағал оилалар аъзоларининг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган янги имкониятларни яратиш мақсадида **қарор қиласман**:

**I. Асосий йўналиш ва мақсадлар**

1. Кўйидагилар мазкур Фармоннинг асосий йўналиш ва мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) камбағал оилаларни тоифаларга ажратиш ва давлат ижтимоий қўл-лаб-қувватлаш чораларини уларнинг тоифасига қараб кўрсатиш;
- (б) камбағал оилаларга кўрсатиладиган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг бандлигини чекловчи салбий омилларни бартараф этиш;
- (в) камбағал оилалар фарзандларининг таълим олиши, дам олиши ва соғломлаштирилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- (г) оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини тизимли мониторинг қилиб бориш.

**II. Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш**

2. Белгилансинки, 2025 йил 15 майдан бошлаб Камбағал оилалар реестрига киритилган ва ушбу реестрга тушиш хавфи бўлган оилалар «қизил», «сариқ» ва «яшил» тоифаларга тақсимланади ҳамда уларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари уларнинг тоифасига қараб тақдим этилади (уй-жойларни таъмирлаш-тиклаш ва мослаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий ёрдамлар бундан мустасно). Бунда:

- (а) «қизил» тоифага — оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган ва қўйидаги мезонларнинг бирига жавоб берадиган оилалар:
  - (I) аъзоларининг камида бир нафари соғлигининг ҳолатига кўра меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган оила;
  - (II) парваришга муҳтож аъзоси, шу жумладан, ногиронлиги мавжуд фарзанди бўлган оила;

(III) ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ёхуд ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсдан иборат бўлган оила;

(IV) боқувчисини йўқотган ёки боқувчиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган оила;

(б) «сариқ» тоифага — оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртacha ойлик даромади минимал истеъмол харажатларидан кам бўлган ҳамда аъзолари соғлифининг ҳолатига кўра меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган оилалар;

(в) «яшил» тоифага — оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртacha ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг бир бараваридан бир ярим бараваригача бўлган ва қуидаги мезонларнинг бирига жавоб берадиган оилалар киритилади:

(I) оила «қизил» ёки «сариқ» тоифадан чиқарилган бўлса;

(II) оиланинг Камбағал оилалар реестрига киритилиши эҳтимоли юқори бўлса.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 июндан бошлаб:

(а) қонунчилик ҳужжатларида Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оилалар учун белгиланган ижтимоий хизматлар, ёрдамлар ва имтиёзлар Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга ҳам татбиқ этилади, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса фақат Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга кўрсатилади;

(б) давлат хизматларидан фойдаланиш учун божлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлашда «сариқ» тоифага киритилган оилаларга 50 фоиз, «қизил» тоифага киритилган оилаларга эса 75 фоиз миқдорида чегирмалар қўлланилади;

(в) камбағал оилалар «қизил» ёки «сариқ» тоифадан «яшил» тоифага ўтганда улар учун қонунчиликда назарда тутилган давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кейинги ўн икки ой муддатга сақлаб қолинади;

(г) «қизил» тоифага киритилган оилаларга 1-иловага\* мувофиқ пассив даромад келтирувчи қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади;

(д) Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар аъзоларига ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ушбу оилалар камбағал деб эътироф этилгани тўғрисидаги маълумотлар ёки шахснинг камбағал деб эътироф этилган оиланинг аъзоси экани ҳақидаги маълумотнома асосида кўрсатилади. Бунда:

(I) оиланинг камбағал деб эътироф этилгани тўғрисидаги маълумотлар — «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимидан «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали;

(II) шахснинг камбағал деб эътироф этилган оиланинг аъзоси экани ҳақидаги маълумотнома Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

4. Белгилансинки:

(а) 2025 йил 1 июндан бошлаб «қизил» тоифага киритилган оилаларнинг «аъло» баҳоларга ўқиган талаба қизларига Талабаларни рағбатлантириш

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жамғармаси хисобидан базавий стипендиянинг икки баравари миқдоридаги маҳсус стипендия тўланади;

(б) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб умумий ўрта таълим муассасасининг узайтирилган кун гурухларига қатнайдиган болалар умумий сонининг 15 фоизи миқдорида камбағал оиласлар фарзандлари учун алоҳида квота ажратилади ва улар ота-оналар тўловидан озод этилади;

(в) 2026 йил 1 январдан бошлаб камбағал оиласларнинг «аъло» баҳоларга ўқийдиган фарзандларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимидағи оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштирилиши харажатлари Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан тўлиқ қоплаб берилади;

(г) мазкур банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган харажатлар учун зарур маблағлар 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалири федерациясининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармасига ажратиб борилади.

### **III. Ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини мувофиқлаштириш**

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Камбағал оиласлар реестри ва Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оиласларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланади;

(б) Камбағал оиласлар реестри ва Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оиласларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамларни жорий қилиш, ўзгартириш ва бекор қилишни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибида келишилади.

### **IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш**

6. Камбағал оиласларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича «йўл ҳаритаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 3-иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсан.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

9. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилот-

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 май,  
ПФ-84-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**222 Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи салбий омилларни бартараф этиш, уларни касб-хунарга ўргатиш ва бандлигига қўмаклашиш орқали жамиятнинг фаол иштирокчисига айланишини таъминлаш мақсадида қарор қиласман:

**I. Мақсадлар**

1. Қўйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

- (а) ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашган тадбиркорлик субъектлари учун молиявий рағбатлантириш тизимини яратиш;
- (б) ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий касбларга ўқитиш, уларнинг меҳнат бозорига кириши учун қўшимча имкониятлар яратиш;
- (в) ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган товарларни бозорга чиқариш ва реализация қилишга қўмаклашиш;
- (г) ногиронлиги бўлган ёшлиарни замонавий касбларга ўқитиш, уларнинг меҳнат бозорига кириши учун қўшимча имкониятлар яратиш;
- (д) 2025 йил якунига қадар 80 минг нафар ногиронлиги бўлган шахснинг барқарор бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш.

**II. Солиқ имтиёзлари ва молиявий қўмак чоралари**

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги ПФ-229-сон Фармонининг 2-бандида тикув-трикотаж, пойабзal ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ имтиёзлари унда кўрсатилган шартлар асосида Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига киритилмаган I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ишга қабул қилинганда ҳам қўлланади;

(б) I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ҳамда уларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайдиган нодавлат юридик шахсларга ушбу шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида ҳисобланади, якка тартибдаги тадбиркорларга эса ижтимоий солиқ ҳисобланмайди;

(в) 2025 йил 1 июлдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга қонун-

чиликда белгиланган солиқ имтиёзлари уларнинг мурожаатисиз проактив шаклда қўлланади.

3. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб:

(а) I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Бунда:

(I) субсидия сурдотаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизматини ташкил қилиш харажатларини қоплаш учун ажратилади;

(II) жисмоний шахсларга ҳамроҳлик хизматини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида кўрсатишга рухсат берилади;

(б) Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларни қўйидаги шартларга бир вақтда жавоб берадиган меҳнат шароитлари асосида ишга қабул қилган ёки шундай ишга жойлашишига кўмаклашган тадбиркорлик субъектларига 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш йўлга қўйилади:

(i) I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларни камидан 3 ой давомида расмий иш билан банд қилиш;

(ii) I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаш;

(в) мазкур банднинг «б» кичик бандидаги субсидия бандлиги таъминланган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдорида берилади.

### **III. Тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари**

4. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қўйидаги тартиб жорий этилсин:

(а) 2025 йил 1 июндан бошлаб «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри (кейинги ўринларда — электрон реестр) юритилади. Бунда:

(i) ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумоти ва меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади;

(ii) иш берувчиларга электрон реестр маълумотлари билан танишиш ҳамда мақбул келган номзодни ишга қабул қилиш имконияти яратилади;

(iii) электрон реестрдаги маълумотлар мутасадди давлат органларининг электрон дастурлари асосида реал вақт режимида шакллантирилади;

(iv) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан электрон реестрга киритилган шахсларнинг бандлик ҳолати мониторинг қилиб борилади;

(б) 2025 йил 1 августдан бошлаб «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларида дастурий-аппарат комплексида ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини захиралашнинг электрон тизими жорий этилади. Бунда ташкилотлар томонидан иш ўринларини захиралаш электрон реестр маълумотлари орқали ўзлари жойлашган ҳудуддаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг

жисмоний ҳолати ва имкониятлари ҳамда малака даражасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ-390-сон карорига мувофиқ юритилаётган Ягона реестрга фақатгина қўйидаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар хақидаги маълумотлар киритилади:

(а) ходимлари умумий сонининг камидаги 25 фоизи, бироқ камидаги 4 нафари ушбу ташкилотда 6 ойдан кам бўлмаган муддатда фаолият олиб бораётган ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камидаги 25 фоизини ташкил этувчи тижорат ташкилотлари;

(б) камидаги 6 ойдан бўён фаолият юритилаётган ногиронлиги бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар.

6. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

(а) 2025 йил 1 июндан бошлаб:

(i) Электрон кооперация порталида Ягона реестрга киритилган субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларнинг давлат хариди учун электрон савдо майдончаси фаолияти йўлга қўйилади;

(ii) давлат буюртмачиларига электрон савдо майдончаси орқали Ягона реестрга киритилган субъектлардан бир шартнома бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача бўлган товар (хизмат)ларни харид қилишга рухсат берилади. Бунда электрон савдода 48 соат ичida бир нафар иштирокчи қатнашган тақдирда, давлат буюртмачисига иштирокчи билан электрон равишда савдолашиб орқали ёки давлат харидларининг бошқа тури асосида харидни амалга ошириш хукуки берилади;

(б) ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаган ҳамда уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашган тадбиркорлик субъектлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «Инклузив иш берувчи» мукофоти билан тақдирланади;

(в) Агентлик ва Савдо-саноат палатаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокиммилари билан биргаликда ҳар йили май ойида «Инсон учун» шиори остида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ўтказиб борилади.

#### **IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

7. Қўйидагилар:

(а) Ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ;

(б) 2025 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг расмий бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Фармонда белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши бўйича қўйидагилар жавобгар ҳисобланади:

(а) Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш — ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини мухокама қилиб боришга ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасига давлат буюртмачилари ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этишга;

(б) Агентлик — бандлиги таъминланадиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли рўйхатларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш тадбирларининг ижросини мониторинг қилишга;

(в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг барқарор бандлиги таъминланиши ва юқори даромад топишига кўмаклашишга;

(г) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари — ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлашга.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 май,  
ПФ-85-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**223** **Ўзгалар парваришига муҳтоҷ шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш чора-тадбирла-ри тўғрисида\***

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида ижтимоий хизмат кўрсатиш қамрови ва турларини кенгайтириш, ўзгалар парваришига муҳтоҷ шахсларни ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш қўламини янада ошириш ҳамда ушбу жараёнда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш мақсадида **қарор қиласман**:

**I. Асосий мақсад**

1. Ушбу қарорнинг асосий мақсади оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтоҷ вояга етган шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар турлари ва қамровини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш ҳисобланади.

**II. «Фаол ҳаётга қадам» дастури**

2. 2025 йил 1 июндан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтоҷ вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Фаол ҳаётга қадам» дастури (кейинги ўринларда — Дастур) жорий этилсин.

3. Белгилансинки, Дастур доирасида қўйидаги 5 турдаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилади:

- (а) уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;
- (б) уй шароитида қараб туриш хизмати;
- (в) тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;
- (г) кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати;
- (д) шахсий ёрдамчи хизмати.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастур доирасида йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисмини ваучер асосида қоплаб бериш тизими жорий этилади. Бунда:

(а) ваучер қиймати Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланган миқдорда субсидия шаклида тўланади;

(б) Дастур доирасида йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлар Агентлик-нинг «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва тизим ташкилотлари билан бир қаторда якка тартиbdаги тадбиркорлар, юридик шахслар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилади;

(в) ваучер бериш ва унинг қийматини тўлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатувчилар билан шартномалар имзолаш «Ягона миллий ижтимоий ҳи-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 майда эълон килинган.

моя» ахборот тизимидағи «Оила ҳамкори» платформаси орқали амалга оширилади;

(г) ваучер қуидагиларга берилади:

(i) мазкур қарор З-бандининг «а» — «г» кичик бандларидағи ижтимоий хизматлар учун Камбағал оиласалар реестри, Ўзгалар парваришига мухтоҷ бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган ёки «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олувчи шахс (оила)ларга;

(ii) шахсий ёрдамчи хизмати учун I гурӯҳ ногиронлик белгиланган шахсга, кўзи ожизлик бўйича бирламчи ногиронлик белгиланган шахсга, биринчи марта ногиронлар аравачасидан фойдаланиш белгиланган шахсга;

(д) Агентликка Дастур доирасида қуидаги ҳуқуқлар берилади:

(i) 2027 йил 1 январга қадар ижтимоий хизмат кўрсатувчиларни тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб этиш;

(ii) индивидуал ижтимоий хизматлар режасини шакллантириш ва унинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш учун мутахассисларни тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб этиш.

5. Агентлик:

(а) 2025 йил 1 сентябрга қадар хорижий эксперталарни жалб қилган холда ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш дастурлари ни ишга туширасин;

(б) 2025 йил 1 декабрга қадар Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ҳузурида ўзгалар парваришига мухтоҷ вояга етган шахслар учун кичик ҳажмли оиласавий ўйларни ташкил этсин.

### **III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

6. Ўзгалар парваришига мухтоҷ вояга етган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Агентлик икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Агентлик директори М.П. Оллоёров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 май,  
ПҚ-171-сон

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**224** Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

#### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–185-сон Фармонига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ижтимоий ҳимояя мухтоҷ оиласарнинг фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–185-сон Фармонига мувофиқ:

2025 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Мехр дафтари» жамғармаларининг амалдаги молиялаштириш манбалари ҳамда мавжуд қолдик маблағлари Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига ўtkazilган ҳолда тутатилгани;

Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси томонидан «Мехр дафтари»га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун ажратилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ғазна ҳисобварағига ушбу ҳудудлардаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсан.

2. Белгилансинки, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ғазна ҳисобврақларига тақсимланган маблағлар қўйидагиларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатишга сарфланади:

а) муқобил жойлаштириш шакллари бўйича тарбияга олинган (фарзандликка олинган болалар бундан мустасно) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 майда эълон қилинган.

Бунда:

оилавий болалар уйларини ташкил этган фуқароларга оилавий болалар уйида тарбияланыётган болалар учун зарур шарт-шароитлар яратиш хамда турар жойларни таъмирлаш мақсадида, истисно тариқасида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда ижтимоий ёрдам кўрсатишига рухсат берилади;

оилавий болалар уйларини ташкил этган фуқароларнинг ушбу мақсадлар учун уй-жой шароитларини яхшилаш, шу жумладан, болалар учун яшаш хоналарини таъмирлаш, кенгайтириш хамда алоҳида хоналар ажратиш (куриш) чоралари кўрилади;

б) ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вактинча чиқиб кетаётганлиги муносабати билан васийлик ёки ҳомийлик тайинланган ва Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг фарзандларига (кейинги ўринларда — васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандлари).

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдамлар уларнинг мақоми ва ёшига мувофиқ шакллантириладиган индивидуал ривожланиш хамда индивидуал интеграция режалари асосида кўрсатилади;

васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандларига ижтимоий ёрдамлар уларнинг оиласини камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада назарда тутилган тақдирда кўрсатилади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар хамда васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандларига ижтимоий ёрдам алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда кўрсатилади;

бевосита товарларни (ассоб-ускуна, меҳнат қуроллари, уй жиҳозлари ва бошқалар) харид қилиш билан боғлиқ ёрдамлар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимининг электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда — электрон савдо платформаси) ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан юритиладиган электрон савдо майдончалари орқали кўрсатилади.

4. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ишсиз болаларни касб-ҳунарга ўқитиб, камида олти ой давомида уларнинг бандлигини таъминлаган нодавлат ташкилотларга (тадбиркорлик субъектлари ва хусусий бандлик агентликлари) базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида компенсация тўловини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, ушбу компенсация тўлови Тошкент шахрида тажриба тариқасида 2025 йил 1 июндан бошлаб 17 ёшдан 23 ёшгacha бўлган ҳар бир етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола деб эътироф этилган шахсларни ўқитган ҳолда бандлигини таъминлаган нодавлат ташкилотларга тўланади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги 2026 йил 1 июлга қадар ушбу бандга мувофиқ жорий этилган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, уни респуб-

ликанинг бошқа худудларида ҳам жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Қўйидагиларни назарда тутувчи Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар дастурлари ва турларини белгилаш; ижтимоий ёрдамларни кўрсатишни мониторинг қилиш ва тўхтатиш; ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатларини молиялаштириш тартиби.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари учун тегишли фазна ҳисобварақлари очилишини таъминласин.

7. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

а) уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини;

б) 2025 йил 1 августга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиб-таомилларининг тўлиқ рақамлаштирилишини;

в) доимий равишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига салбий таъсирини кўрсатадиган, оғир ҳаётий вазиятга тушган ва жамиятга тўлиқ ижтимоий мослаштирилган болалар ҳақида кўрсатувлар, фильмлар ва ижтимоий роликлар тайёрлаб, тарғибот қилинишини таъминласин.

Бунда тайёрланган кўрсатувлар, фильмлар ва ижтимоий роликлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги ва нодавлат телеканаллар томонидан бепул эфирга узатилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 5 май,  
294-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 5 майдаги 294-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган  
болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари ота-онаси уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганлиги муносабати билан васийлик ёки ҳомийлик тайинланган ва Камбағал оиласи реестрига киритилган оиласарнинг фарзандларига (кейинги ўринларда — васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандлари) нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бунда:

ушбу Низом асосида васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандларига ижтимоий ёрдамлар уларнинг оиласини камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада назарда тутилган тақдирда кўрсатилади;

васийлик ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатишда алоҳида мурожаат қилиш талаб этилмайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваучер** — айрим турдаги товарларни давлат томонидан қоплаб бериладиган маблағлар (субсидия) ҳисобидан харид қилиш имкониятини берадиган матрицали штрих код (QR-код) билан тасдиқланган электрон хужжат;

**етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар** — васийлик ёки ҳомийлик белгиланган, тутинган (фостер) оиласи берилган, Болалар уйлари, Мехрибонлик уйлари, Кичик хажмли болалар уйлари, Республика ўқув-тарбия муассасалари ҳамда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болаларни муқобил парвариш қилиш хизматида тарбияланётган ёки битирувчилари бўлган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола деб эътироф этилган болалар;

**Жамғарма** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Ижтимоий ҳимоя давлат жамғараси;

**индивидуал интеграция режаси** — 14 ёшдан 23 ёшгacha бўлган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви ҳамда интеграциясини таъминлаш, уларнинг эркин касб танлашлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-куватлашга қаратилган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар белгиланадиган режа;

**индивидуал ривожланиш режаси** — 14 ёшгacha бўлган етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қизиқишилари, эҳтиёжлари ва яшаш шароитларини комплекс баҳолаш орқали уларга кўрсатилиши талаб этиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар белгиланадиган режа;

**ихтисослаштирилган тарбия муассасалари** — Болалар уйлари, Мехрибонлик уйлари, Кичик ҳажмли болалар уйлари, Республика ўқув-тарбия муассасалари ҳамда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болаларни мукобил парвариш қилиш хизмати;

**қонуний вакил** — васий ва ҳомий ҳамда тутинган (фостер) оила ва ихтисослаштирилган тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари;

**сотувчи** — асбоб-ускуна, велосипед, компьютер жамланмаси, меҳнат куроллари, уй жиҳозлари ҳамда кийим-бош ишлаб чиқариш, тайёрлаш, етказиб бериш хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари;

**тутинган (фостер) оила** — етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни шартнома асосида оиласга тарбияга (патронат) ва оиласвий болалар уйига олган оила;

**ҳудудий бошқарма** — Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

3. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдамлар ушбу болаларнинг мақоми ва ёшига қараб, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) томонидан шакллантириладиган индивидуал ривожланиш режаси ва индивидуал интеграция режасига мувофиқ (оиласвий болалар уйларини таъмирлаш учун ижтимоий ёрдам бундан мустасно) кўрсатилади.

4. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ижтимоий ёрдамлар ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

## **2-боб. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва уларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамларни белгилаш**

5. Ушбу Низомда назарда тутилган ижтимоий ёрдамларга муҳтоҷ етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

6. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага, шу жумладан, ихтисослаштирилган тарбия муассасаларининг тарбияланувчиларига ушбу Низомда назарда тутилган ижтимоий ёрдамлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «Инсон» марказлари томонидан уларнинг ёшига мувофиқ шакллантириладиган индивидуал ривожланиш режаси ёки индивидуал интеграция режаси асосида алоҳида мурожаат қилиш талаб этилмаган ҳолда кўрсатилади. Бунда:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш учун «Инсон» маркази томонидан «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) индивидуал ривожланиш режаси ёки индивидуал интеграция режаси асосида тавсиянома шакллантирилади ҳамда тегишли ижтимоий ёрдамлар

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрсатилишини ташкил этиш учун «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали электрон шаклда ҳудудий бошқармаларга юборилади;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола бўйича шакллантириладиган индивидуал ривожланиш режаси ёки индивидуал интеграция режаси ушбу боланинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва яшаш шароитларидан келиб чиқкан ҳолда доимий янгилашиб борилади;

индивидуал ривожланиш режаси ёки индивидуал интеграция режасига ушбу Низомда назарда тутилган, бироқ етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага муқаддам кўрсатилмаган янги ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича маълумот киритилган тақдирда, ушбу турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш учун «Инсон» маркази томонидан тавсиянома шакллантирилиб, ҳудудий бошқармаларга киритилади. Бунда тегишли ижтимоий ёрдамни кўрсатиш учун ушбу Низомга 2 — 14-иловаларга\* мувофиқ паспортларда назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмагунга қадар тавсиянома шакллантирилмайди.

Тавсиянома «Инсон» марказлари директорлари томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқланади.

### **3-боб. Ижтимоий ёрдамлар турлари ва уларни кўрсатиш тартиби**

7. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ушбу Низомга 2 — 14-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган қўйидаги дастурлар асосида ижтимоий ёрдамлар кўрсатилади:

- бандликни таъминлашга кўмаклашиш дастури;
- сифатли таълим олишга кўмаклашиш дастури;
- эҳтиёжларни қўллаб-қувватлаш дастури;
- уй-жой шароитларини яхшилаш дастури;
- соғлиқни сақлаш дастури.

8. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган дастурлар асосида ижтимоий ёрдамлар уларга нисбатан шакллантирилган индивидуал ривожланиш режаси ёки индивидуал интеграция режасида назарда тутилган тақдирда кўрсатилади.

9. Ушбу Низомга 2 — 13-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш қўйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакили тегишли ижтимоий ёрдамдан фойдаланишни тўхтатиш ҳакида ариза билан мурожаат қилганда;

ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола вафот этганда;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тегишли ижтимоий ёрдам кўрсатиш белгиланган чекланган ёшга тўлганда;

ушбу Низомнинг 1-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ижти-

\* 2 — 14-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моий ёрдам кўрсатиладиган боланинг оиласи Камбағал оиласлар реестридан чиқарилганда;

ихтисослашган тарбия муассасаларининг ижтимоий ходимлари томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ижтимоий ёрдам кўрсатиш зарурати йўқлиги сабабли уни тўхтатиш ҳақида сўров киритилганда.

10. Ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, уч иш кунида «Инсон» марказлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда далолатнома расмийлаштирилади ҳамда «Инсон» марказлари директо-рининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳудудий бошқармаларга киритилади.

11. Ҳудудий бошқармалар томонидан «Инсон» марказларининг далолатномаси келиб тушган вақтдан бошлаб етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўхтатилади.

#### **4-боб. Айрим турдаги ижтимоий ёрдамларни кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари**

##### **1-§. Таълим олиш ва меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда фуқаролик мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган ижтимоий хизматларни кўрсатиш**

12. Ушбу Низомга мувофиқ таълим олиш, меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланиш ва фуқаролик мажбуриятларини бажаришга қаратилган ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиш учун уларни кўрсатиш тартиблари белгиланган паспортларда назарда тутилган талаб ва шартларнинг бажарилиши, шу жумладан, тегишли хужжатларнинг «Инсон» марказларига тақдим этилиши талаб этилади.

Бунда тегишли талаб ва шартлар қўйидаги шахслар томонидан бажарилади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ паспортда назарда тутилган ижтимоий ёрдам бўйича — тадбиркорлик субъекти ёки хусусий бандлик агентликлари томонидан;

ушбу Низомга 5, 6, 7, 12 ва 13-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган ижтимоий ёрдамлар бўйича — етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар томонидан;

ушбу Низомга 14-иловага мувофиқ паспортда назарда тутилган ижтимоий ёрдамлар бўйича — оилавий болалар ўйларни ташкил қилган жисмоний шахслар томонидан.

13. Ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ паспортда назарда тутилган ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш учун белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилгани «Инсон» марказлари томонидан қўйидаги тартибда текширилади:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг ишга жойлаштирилгани (қабул қилингани) — «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) мавжуд маълумотлар асосида;

ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлангани — Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидан олинган маълумотлар асосида.

Текшириш якуни бўйича мазкур ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш учун белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилгани тасдиқланган тақдирда, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

14. Ушбу Низомга 5 ва 13-иловаларга мувофиқ ижтимоий ёрдамларни кўрсатишида етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг тегишли ўқув курсларига мунтазам қатнашиши «Инсон» маркази масъул ходимлари томонидан мониторинг қилиб борилади.

«Инсон» маркази томонидан ушбу Низомга 5 ва 13-иловаларга мувофиқ ижтимоий ёрдамларни кўрсатишида мазкур ўқув курсларини ташкил этган таълим ташкилотларидан етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг тегишли ўқув курсларида ҳақиқатда ўқиганлиги тўғрисида маълумтонома олиниади.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг тегишли ўқув курсларида мунтазам қатнашганлиги аниқланган тақдирда, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

## **2-§. Электрон тижорат орқали амалга ошириладиган ижтимоий ёрдам кўрсатувчиларни аниқлаш тартиби**

15. Ушбу Низомга 3, 4, 8 ва 9-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган асбоб-ускуна, велосипед, компьютер жамланмаси, меҳнат қуроллари, уй жихозлари, кийим-бosh, мусиқа ва спорт инвентарлари, асбоблари ва ускуналари ҳамда маҳсус кийимларни (кейинги ўринларда — товар) харид қилиш тарзидаги ижтимоий ёрдамлар «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда — электрон савдо платформаси) орқали кўрсатилади.

Ушбу Низомга 3, 4, 8 ва 9-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган товарлар тадбиркорлик субъектлари томонидан юритиладиган электрон савдо майдончалари орқали ҳам харид қилиниши мумкин. Бунда электрон савдо майдончалари орқали товарлар ушбу электрон савдо майдончалари операторлари ва уларда товарларни сотадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан белгиланган тартибда харид қилинади.

16. Электрон савдо платформаси орқали харид қилинадиган товарлар ушбу турдаги товарлар сотувчилари томонидан электрон савдо платформасига жойлаштирилади.

17. Сотувчилар электрон савдо платформасига улар томонидан сотила-диган товарларни жойлаштириш учун «Ижтимоий ҳимоя» АТда электрон офертани тасдиқлаш орқали бепул ва ихтиёрийлик асосида авторизацияядан ўтади.

Сотувчилар «Ижтимоий химоя» АТда авторизациядан ўтишда қўйидаги маълумотларни кўрсатади:

юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ҳамда телефон рақами;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун паспорт серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) ҳамда телефон рақами;

тадбиркорлик субъекти ва унинг филиалининг юридик манзиллари, ҳисобварафи, банк реквизитлари, ишончли вакил ҳақида маълумотлар ҳамда унинг телефон рақами;

сотиладиган товарларнинг турлари ва номи ҳамда қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг мувофиқлик сертификати рақамлари ҳамда амал қилиш муддатлари.

18. Авторизациядан тегишли маълумотлар тўлдирилиб, электрон рақами имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) ёки «Ижтимоий химоя» АТда «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификация қилишнинг ягона ахборот тизими (OneID) орқали тасдиқлангандан сўнг ўтилади.

Бунда сотувчилар электрон офертани тасдиқлаганидан сўнг улар томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги «Ижтимоий химоя» АТда идораларро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда аниқланади.

Сотувчилар томонидан кўрсатилган маълумотлар тўғрилиги ҳамда уларнинг фаолияти тугатилмагани аниқланган тақдирда, сотувчилар авторизациядан ўтказилади ва улар учун «Ижтимоий химоя» АТда шахсий кабинет очилади.

19. Ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган талабларга жавоб бермайдиган сотувчилар «Ижтимоий химоя» АТда авторизациядан ўтказилмайди.

20. Қўйидагилар сотувчиларнинг электрон савдо платформасида товарларни сотиш фаолиятини чеклаш учун асос ҳисобланади:

тадбиркорлик субъекти тугатилганда ёки банкрот деб топилганда;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага айни бир сотувчи томонидан икки ва ундан кўп маротаба сифатсиз ва нуқсонли товарлар етказиб берилганда.

21. «Ижтимоий химоя» АТда авторизациядан ўтказилган сотувчилар товарларни электрон тижорат орқали сотиш учун улар тўғрисидаги қўйидаги маълумотларни тегишлича «Ижтимоий химоя» АТнинг «Ижтимоий химояга муҳтоҷ болалар учун товарлар» бўлимига Агентлик томонидан тасдиқланган электрон офертага илова қилинадиган минимал техник талабларга мувофиқ жойлаширади:

ҳар бир товарнинг номи, нархи, фойдаланиш ва кафолат муддатлари, техник тавсифи ва кўрсаткичлари, улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома, кафолат ва фойдаланиш муддатлари тугамасдан ёки тугаганидан сўнг амалга ошириладиган тадбирлар;

қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолларда мувофиқлиги баҳоланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар бўйича

уларнинг мувофиқлик сертификати ва давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар;

Агентлик томонидан белгиланган талаблар бўйича ҳар бир товарнинг турли хил ракурсдан олинган фотосуратлари. Бунда реализация қилинадиган товарга мувофиқ келмайдиган фотосуратларни жойлаштириш тақиқланади;

товарни етказиб бериш муддати.

22. Товарларнинг минимал техник талабларга мувофиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар тўғрилиги ва тўлиқлиги Агентликнинг масъул ходимлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда қабул қилингандан сўнг улар тегишлича «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар учун товарлар» бўлими орқали электрон тижоратга чиқарилади.

Бунда минимал техник талабларга мувофиқ келмайдиган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда олиниши лозим бўлган мувофиқлик сертификати ёки давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома олинмаганда ва уларнинг амал қилиш муддати тугаганда ушбу товарларни электрон тижоратга чиқаришга йўл қўйилмайди.

Ушбу Низомнинг 16 — 22 бандларидаги талаблар электрон савдо майдончалари операторлари ҳамда Агентлик ўртасида келишувга асосан электрон савдо майдончаси орқали харид қилинадиган товарларга ҳам татбиқ этилади.

### **3-§. Электрон тижорат воситасида товарларни харид қилиш ва етказиб бериш тартиби**

23. Индивидуал ривожланиш режаси ва индивидуал интеграция режасида ушбу Низомга 3, 4, 8 ва 9-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш белгиланган тақдирда, «Инсон» марказлари томонидан:

ушбу ижтимоий ёрдамлар кўрсатиладиган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола номига «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали ваучер шакллантирилади;

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола унинг номига ваучер шакллантирилгани тўғрисида «Ижтимоий ҳимоя» АТ ёки СМС-хабарнома орқали хабардор қилинади.

24. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола унга нисбатан ваучер шакллангани тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг бевосита ўзи ёки қонуний вакили орқали электрон савдо платформасида ваучерга мувофиқ тегишли товарни харид қилиш бўйича буюртма бериш учун «Ижтимоий ҳимоя» АТда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома) маълумотлари ва телефон рақамини киритган ҳолда рўйхатдан ўтади.

Киритилган маълумотлар етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд унинг қонуний вакилининг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усуллари (СМС-хабарнома, Face-ID) ёки «Ижтимоий ҳимоя» АТда яратилган маҳсус идентификация қилиш (Ягона идентификация тизими (OneID), Mobile-ID) орқали тасдиқлангандан сўнг рўйхатдан ўтказилади.

Рўйхатдан ўтган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд унинг қонуний вакилига «Ижтимоий ҳимоя» АТда шахсий кабинет очилади.

25. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола «Ижтимоий ҳимоя» АТда рўйхатдан ўтиш ҳамда ваучерга мувофиқ товарга буюртма бериш учун бевосита ўзи ёки қонуний вакили орқали «Инсон» маркази ёки ижтимоий ходимга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда ушбу шахсларнинг мурожаатларига асосан «Инсон» маркази ёки ижтимоий ходим электрон қурилма воситалари ёрдамида реал вақт режимида уларни «Ижтимоий ҳимоя» АТда рўйхатдан ўтказади ҳамда уларнинг номидан ваучерга мувофиқ тегишли товарга буюртмани шакллантиради.

26. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари электрон тижорат орқали товарга берган буюртмаларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

27. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани тегишли товарлар билан таъминлашда:

етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўз хоҳишига кўра «Ижтимоий ҳимоя» АТнинг «Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар учун товарлар» бўлими орқали товарлар сотувчисини ҳамда ваучерда кўрсатилган товарнинг турини танлайди ва буюртма қиласди;

сотувчи буюртмани «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали қабул қилиб олгандан сўнг уч кун ичидаги буюртма қилинган товарни етказиб бериш вақти ҳақидаги маълумотларни етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларини электрон шаклда ёки мобил алоқа воситаси орқали хабардор қиласди;

сотувчилар товарлар бўйича буюртмани қабул қилиб олгандан сўнг буюртма қилинган товарнинг етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларига уч кун ичидаги етказиб берилишини таъминлаши лозим;

товарлар бевосита етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёки уларнинг қонуний вакилларининг ўзига топширилгандан сўнг етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан товар қабул қилиб олингани тўғрисидаги СМС-хабарнома тасдиқ коди маълум қилинганда, сотувчилар буюртма уларга етказиб берилганлигини «Ижтимоий ҳимоя» АТда тасдиқлади.

Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани тегишли товарлар билан таъминлаш жараёни тадбиркорлик субъектларининг савдо майдончалари орқали амалга оширилганда, савдо операторлар томонидан белгиланган талабларга мувофиқ айрим жараёнлар мақбуллаштирилиши ёки қўшимча маълумотлар сўралиши мумкин.

#### **4-§. Электрон тижорат воситасида харид қилинган ва етказиб берилган товарлар учун тўловларни амалга oshiриш тартиби**

28. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Дав-

лат молиясини бошқариш ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ДМБАТ) мазкур бобга мувофиқ харид қилинадиган товарлар бўйича тўловларни амалга ошириш ва ҳисобини юритиш мақсадида худудий бошқармалар учун алоҳида шахсий ғазна ҳисобварафи очилади.

29. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан ваучерга мувофиқ ушбу бобда белгиланган тартибда берилган буюртмалар кесимидағи маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТда шакллантириб борилади.

30. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан ваучерга мувофиқ танланган буюртманинг харид нархи ва ваучерда кўрсатилган миқдордаги маблағ ўртасида салбий фарқ мавжуд бўлганда, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан дастлаб ушбу салбий фарқ суммаси тўланиши лозим.

Буюртманинг харид нархи ваучерда кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлганда ва маблағ ўртасидағи фарқ суммаси етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан тўланмаган тақдирда, ушбу товарни сотаётган сотувчи буюртмани қабул қилишини рад қиласди.

31. Буюртмалар ушбу Низомнинг 27-бандида белгиланган тартибда етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларига етказиб берилгани тасдиқлангандан сўнг ушбу шахсларнинг яшаш жойи бўйича «Инсон» марказининг «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги шахсий кабинетига бу тўғрисида хабарлар келиб тушади.

32. «Инсон» маркази ижтимоий ходимлари «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги шахсий кабинетга хабар келиб тушгандан сўнг беш иш куни ичидан буюртмалар етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларига хақиқатда етказиб берилганлигини жойига чиқсан ҳолда ўрганади. Бунда:

буюртмалар хақиқатда етказиб берилган тақдирда, ижтимоий ходимлар томонидан бир иш куни ичидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда ушбу Низомга 15-иловага\* мувофиқ шаклда тегишли товарни сотувчиларга ваучер қийматидан кўп бўлмаган миқдордаги маблағларни ўтказиш бўйича билдиришнома расмийлаштирилади. Бунда етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари буюртмани хақиқатда олганлигини тасдиқловчи турили хил ракурсдан олинган фотосуратлар билдиришномага илова қилинади;

етказиб берилган товарнинг сифатсизлиги ва нуқсонлари мавжудлиги аниқланган ҳолларда, «Инсон» марказлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда ушбу Низомга 16-иловага\* мувофиқ шаклда етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари томонидан ваучер асосида харид қилинган товарларнинг хақиқатда етказиб берилгани бўйича далолатнома тузилади ва сотувчиларга уни мақбул сифатлисига алмаштириш чораларини кўриш учун электрон шаклда юборилади. Бунда бу-

\* 15-16-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юртманинг сифатсизлиги ва нуқсонларини тасдиқловчи турли хил ракурсдан олинган фотосуратлар далолатномага илова қилинади.

Ушбу бандга мувофиқ ўрганиш жараёнида буюртмани қабул қилиб олган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари буюртмани олган ҳолда, чет давлатга чиқиб кетганлиги аниқланса, бу тўғрисида «маҳалла еттилиги» томонидан далолатнома тузилади. Бунда далолатнома ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ билдиришнома тузишга асос бўлади.

33. Агар буюртмани қабул қилиб олган етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакиллари яшаш манзилидан кўчиб кетган ва у ерда яшамаётганлиги аниқланган ҳолларда, «Инсон» маркази томонидан «Ижтимоий ҳимоя» АТда ушбу Низомга 16-иловага мувофиқ шаклда электрон далолатнома тузилади ва ушбу далолатнома кўрсатилган маълумот асосида етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларининг ҳозирги яшаш манзилидаги «Инсон» марказининг «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги шахсий кабинетига хабар келиб тушади.

Бунда «Инсон» маркази «Ижтимоий ҳимоя» АТдаги шахсий кабинетига келиб тушган хабарни қабул қилиб олгандан сўнг беш иш куни ичидаги буюртмалар етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларига ҳақиқатда етказиб берилгани ва уларнинг электрон тижоратда эълон қилинган талабларига мувофиқлигини жойига чиқсан ҳолда ушбу Низомнинг 32-бандидаги белгиланган тартибда ўрганади.

34. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола буюртмани қабул қилиб олгандан сўнг «Инсон» маркази томонидан ўрганиш даврида ва-фот этган ҳолларда, «Инсон» маркази «Ижтимоий ҳимоя» АТда ушбу Низомга 15-иловага мувофиқ шаклда электрон билдиришнома расмийлаштиради.

35. «Ижтимоий ҳимоя» АТда билдиришнома расмийлаштирилгандан сўнг бу тўғрисидаги маълумотлар «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали Давлат имтиёзлари ягона электрон платформасига юборилади.

Давлат имтиёзлари ягона электрон платформаси орқали буюртманинг харид нархи, бирок ушбу Низомга 3, 4, 8 ва 9-иловаларга мувофиқ паспортларда кўрсатилган миқдордаги маблағдан кўп бўлмаган миқдордаги маблағ ДМБАТга ўйналтирилади. Бунда ДМБАТ томонидан тегишли маблағлар тонварларни сотувчиларнинг банк ҳисобварағига буюртма етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларига етказиб берилгани тасдиқлангандан сўнг автоматик тарзда ўтказилади.

Маблағлар сотувчиларнинг банк ҳисобварағига дам олиш кунига ёки байрам ёхуд бошқа ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш кунида ўтказилади.

Харид қилинган товарлар харид нархи ваучерда кўрсатилган миқдордан кам бўлган тақдирда, ўртада ҳосил бўлган фарқ суммаси шахсий фазна ҳисобварағида қолдирилади.

36. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларининг буюртмалари уларга етказиб берилмаганда

хамда буюртмаларда нұқсанлар мавжудлиги тұғрисида ижтимоий ходимлар томонидан далолатнома расмийлаштирилген тақдирда, маблағлар сотувчи-ларнинг банк ҳисобварағига ўтказилмайды.

37. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёхуд уларнинг қонуний вакилларининг буюртмалари тадбиркорлик субъектларининг савдо майдончалари орқали берилганда, савдо майдончаси оператори томонидан товарнинг ҳақиқатда етказиб берилганини тұғрисидаги электрон маълумоти асосида Давлат имтиёзлари ягона электрон платформасига тегишли хабар юборилади хамда маблағлар сотувчиларнинг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Бунда ижтимоий ходим томонидан товар етказиб берилгани тұғрисида билдиришнома тўлдирилиши талаб этилмайди.

38. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола берилган товарлар кафолат муддати давомида носоз бўлиб қолса, уларни етказиб берган (сотган) сотувчилар томонидан бепул таъмирлаб берилади ёки бошқасига алмаштирилади.

### **5-боб. Ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш**

39. Етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида» 2021 йил 9 августрдаги ПҚ-5215-сон қарорининг 10-бандида назарда тутилган манбалар ҳисобидан Жамғармада жамланган маблағлардан молиялаштирилади.

Мазкур бандга мувофиқ Жамғармада жамланган маблағлар ҳисобидан: етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қонунчиликда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш харажатлари ҳам молиялаштирилиши;

vasiyilik ёки ҳомийликдаги камбағал оила фарзандларига ушбу Низомга 2 — 13-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиши мумкин.

40. Ушбу Низомнинг 39-бандига мувофиқ Жамғармада жамланган маблағлар ҳар ойда Жамғарма томонидан ҳудудий бошқармаларда очилган fazna ҳисобваракларига ушбу ҳудудлардаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонига мутаносиб равища тақсимланади.

Бунда ҳудудий бошқармаларда очилган fazna ҳисобваракларида ҳар ой бошида қолган қолдик маблағлар Агентлик томонидан ҳудудий бошқармалар ўртасида қайта тақсимланиши мумкин.

41. Ушбу Низомга 2 — 14-иловаларга мувофиқ паспортларда назарда тутилган ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш хамда ушбу Низомнинг 39-банди учинчи ва тўртингчи хатбошиларида назарда тутилган харажатларни молиялаштириш Жамғарма томонидан тақсимланган ва ҳудудий бошқармалар fazna ҳисобваракларига ўтказилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

42. «Инсон» марказларининг ижтимоий ходимлари ва худудий бошқармалар томонидан етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга кўрсатилган ҳар бир ижтимоий ёрдам тўғрисида «Ижтимоий ҳимоя» АТга ушбу ижтимоий ёрдам кўрсатилганидан сўнг бир иш куни ичидаги маълумот киритиб борилади.

43. Ушбу Низомда назарда тутилган СМС-хабарномаларни юбориш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

44. Ушбу Низомга мувофиқ етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши Агентликнинг ички аудит хизмати ва Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

45. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ёки уларнинг қонуний вакиллари ушбу Низомга мувофиқ ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари устидан Агентликка ёки бевосита судга шикоят қилиши мумкин.

46. Сотувчилар қабул қилинган буюртмалар асосида товарларнинг белгиланган сифат ва муддатда етказиб берилишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

47. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар товарлардан фойдаланиш ўёриқномаси билан тўлиқ танишиб чиқиши ҳамда товарни сақлаш, фойдаланиш муддати давомида фойдаланиш, унинг фойдаланиш тартиб ва қоидаларига риоя қилиши лозим.

48. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ёки уларнинг қонуний вакиллари томонидан товарларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, бошқа шахсларга совға қилиш ҳамда уларнинг қисмларини алмаштириш ёки сотиш қатъиян тақиқланади.

49. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар товарларни буюртма қилишдан олдин вафот этган тақдирда, уларга нисбатан шакллантирилган ваучер ўз кучини йўқотади.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 5 майдаги 294-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий химоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларида ҳамда уларни тамомлагандан сўнг академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар ва олий таълим муассасаларида (кейинги ўринларда — таълим муассасалари) таълим-тарбия оладиган муддатда тўлиқ давлат таъминотида бўлиши»;

б) қўйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«2<sup>1</sup>. Мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган битирув нафақаси олий таълим муассасаларидан ўқишдан четлаштирилган (ўқишининг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши бундан мустасно) талабаларга ҳам улар меҳнат шартномаси асосида ўзларининг бандлигини таъминлаган ҳамда уч ойлик иш ҳақи олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганда берилади.

Мазкур бандда назарда тутилган талабаларга битирув нафақаси улар ўқишдан четлатилган таълим муассасаси томонидан берилади»;

в) 1-иловада:

илованинг номи ва 1-банддаги «ва техникумларда» сўзлари «ва техникумлар ҳамда олий таълим муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шунингдек, ўқувчи (талаба)ларга улар таълим муассасасини битираётганда, ўқишдан четлаштирилганда (ўқишининг бошқа таълим муассасасига кўчирилганлиги, суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганлиги, вафот этганлиги муносабати билан ўқишдан четлатилганлик бундан мустасно), ишга қабул қилинаётганда кийимбощ, пойабзал ва бошқа буюмлар сотиб олиш ҳамда йўл харажатлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35 баравари миқдорида пул нафақаси (кейинги ўринларда — битирув нафақаси) берилади, ушбу Низомнинг 8-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган ўқувчи (талаба)лар бундан мустасно»;

12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш бўйича тегишли ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштириш ўқувчи (талаба)нинг гурух раҳбари

(мураббий) ёки ишчи гурухнинг бошқа масъули томонидан амалга оширилади.

Гурух раҳбари ёки Ишчи гурухнинг бошқа масъули томонидан ўқувчи (талаба)ларга битирув нафақасини бериш бўйича тегишли хужжатларни йиғиши ва расмийлаштиришда ўқувчи (талаба)ларга муқаддам ушбу нафака берилмаганлигини аниқлаш учун уларни бошқа таълим муассасаларини битирган ёки улардан ўқишдан четлатилганда «Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)» ахборот тизими орқали текширилади»;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги «гурух раҳбари томонидан» сўзлари «гурух раҳбари ёки Ишчи гурухнинг бошқа масъули томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қўйидаги мазмундаги «г» ва «д» кичик бандлари билан алмаштирилсин:

«г) ўқишдан четлаштирилган талабанинг уч ой ишлаганлиги ҳамда иш хақи ва иш стажини тасдиқловчи маълумотнома;

д) ўқувчи (талаба)нинг етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи хужжатлар:

ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ёки суднинг ота-онани вафот этган деб топганлиги тўғрисидаги қарори нусхаси;

ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси»;

31-бандда:

биринчи хатбоши «таълим муассасасини битираётганда,» сўзларидан кейин «ўқишдан четлаштирилганда,» сўзлари билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўқишдан четлаштирилган талабаларга битирув нафақаси улар томонидан мазкур Низомнинг 14-бандининг «г» кичик бандида белгиланган хужжатларни тақдим этилган тақдирда берилади»;

32-банд «таълим муассасасини битираётганда,» сўзларидан кейин «ўқишдан четлаштирилганда,» сўзлари билан тўлдирилсин;

33-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўқишдан четлаштирилган талабаларга битирув нафақаси мазкур Низомнинг 14-бандининг «г» кичик бандида назарда тутилган хужжатларни тақдим этган кундан эътиборан уч ой ичидаги унинг банк картасига пул ўтказиш орқали ёки нақд пул шаклида берилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Вино-чиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 5-банди ўн бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соғ тушумининг уч фоизи миқдоридаги ажратмалар ҳисобидан етим

болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасини молиялаштириш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

11-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда 23 ёшдан катта бўлмаган даврда «онлайн-навбат» ахборот тизимиға киритилган ва уй-жой билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 27 ёшга етгунга қадар Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш туман (шаҳар) комиссияларининг хулосасига асосан уй-жой харид қилиниши мумкин»;

18-банднинг учинчи хатбошиси «ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар» сўзларидан кейин «улар 23 ёшга тўлгунига қадар» сўзлари билан тўлдирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 5 майдаги 294-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «Мехр дафтари» тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 январдаги 26-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2022 йил 9 августдаги 438-сон қарорига 1-илованинг 107-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**225 Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, шунингдек, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш борасидаги масъулияти ва маданиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2025 йил 20 февралдаги ЎРҚ-1033-сон Қонунига мувофиқ:

йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари учун маъмурий жазо қўлланилиши белгилангани;

транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан жарима балларини ҳисоблаш уларни жазодан озод этмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этиш ҳолатларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби;

йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш жадвали;

ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, жарима балларини ҳисоблаш тартиби;

ҳайдовчиларнинг жарима баллари ҳисобланиши бўйича мурожаат қилиш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки:

йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшимча чора ҳисобланади;

ушбу тизимнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш мақсадида жарима баллари транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан фақат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича қабул қилинган қарорлар асосида ҳисобланади;

йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун жарима баллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 майда эълон қилинган.

харакати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимиning «E-jarimaball» модули орқали (кейинги ўринларда — «E-jarimaball» модули) инсон омилисиз автоматлаштирилган тартибда ҳисоблаб борилади;

ўн икки ой мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган транспорт воситалари ҳайдовчиларига рафбатлантириш тариқасида, кейинги даврда йўл ҳаракати қоидаларини биринчи марта бузганлиги учун биринчи жарима балли ҳисобланмайди;

ҳайдовчиларнинг охирги ҳуқуқбузарлиги учун жарима баллари ҳисобланган вақтдан бошлаб, улар олти ой давомида йўл ҳаракати қоидабузарликларига доир бошқа ҳуқуқбузарлик содир этмаган тақдирда, унинг умумий жарима балларидан икки жарима балли чегириб ташланади. Агар ҳайдовчилар жарима балларининг умумий миқдори икки жарима баллидан кам бўлган тақдирда, барча жарима баллари чегириб ташланади ҳамда жарима балларини ҳисоблаш муддати биринчи ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан янгидан бошланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ҳайдовчиларнинг шахсига аниқлик киритиш имконияти яратилгандан кейин ушбу тизим орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима балларини ҳисоблаш амалиётини жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган хulosани киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2025 йил 1 июня қадар:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, уларга жарима балларини ҳисоблашнинг «E-jarimaball» модулини ишлаб чиқсан ва амалиётга жорий этсин. Бунда транспорт воситалари ҳайдовчиларига ўзининг жарима баллари хақидаги маълумотларни «E-jarimaball» модули ва маҳсус мобиль илова ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имкониятини яратсин;

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун тўплаган ҳар бир балли ҳақида уларнинг мобиль алоқа воситаларига бу ҳақида «SMS» хабар юбориш орқали огоҳлантириш тартибини жорий қилсан;

жарима баллари асосида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг электрон маълумотлар базасини жорий этсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун тўплаган жарима баллари тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинишини таъминлаш учун Олий суднинг тегишли ахборот тизимларига тақдим этиш тизимини яратсин;

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

6. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни

амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Мазкур қарор 2025 йил 1 июндан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 6 май,  
296-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 6 майдаги 296-сон қарорига  
ИЛОВА

**Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари  
асосида баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этиш ҳолатларини жарима баллари асосида баҳолаш, жарима балларини ҳисоблаш, ҳисобланган жарима баллари бўйича мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда — Кодекс) 34<sup>1</sup>-моддасида кўрсатиб ўтилмаган йўл ҳаракати қоидабузарликларига доир моддаларга;

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиб турган ёки транзит ҳаракатланиб ўтаётган чет эл транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик мусассасалари, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналари, шунингдек, ушбу ваколатхоналар ҳамда ташкилотларнинг ҳайдовчиларига (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслар ушбу ташкилотларнинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари бўлган ҳолатлар бундан мустасно).

3. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари ўн икки балли жарима баллари асосида ушбу Низомга 1-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ схема бўйича ўн икки ой давомида баҳолаб борилади.

Бунда Кодекснинг 125-моддаси учинчи ва бешинчи қисмларида, 126-мод-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дасида, 127-моддаси биринчи қисмида, 128<sup>3</sup>-моддасида, 128<sup>4</sup>-моддаси иккинчи қисмида, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 128<sup>8</sup>, 128<sup>9</sup>, 129, 130-моддаларида, 137-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳукуқбузарликлар содир этилганлиги учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур моддаларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга ушбу Низомда белгиланган тартибда жарима баллари ҳисобланади.

4. Жарима баллари ҳайдовчилар қоидабузарликни биринчи марта содир этган кундан бошлаб, кейинги йил шу кунга қадар амалда ҳисобланади (кейинги ўринларда — жарима балларини ҳисоблаш даври).

Жарима балларини ҳисоблаш даврида жами жарима баллари ўн икки баллга етмаса, тўплangan баллар кейинги жарима балларини ҳисоблаш даври учун ҳисобланишига йўл қўйилмайди ва жарима балларини ҳисоблаш янгидан бошланади.

## **2-боб. Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганда, жарима балларини ҳисоблаш тартиби**

5. Ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима баллари факат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар бўйича қабул қилинган қарорлар асосида ушбу Низомга 2-иловадаги\* жадвалда келтирилган балларни қўшиб бориш орқали ҳисобланади.

6. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жарима баллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими «E-jarimaball» модули (кейинги ўринларда — «E-jarimaball» модули) орқали инсон омилисиз автоматлаштирилган тартибда ҳисобланади.

7. Ҳайдовчилар ўзининг жарима баллари хақидаги маълумотларни исталган пайтда «E-jarimaball» модули ёки маҳсус мобиль илова орқали олишлари мумкин.

Ҳайдовчилар томонидан содир этилган қоидабузарликлар саккиз жарима баллига тенг бўлганда, улар бу хақида «E-jarimaball» модулида шаклланган маълумотлар асосида автоматлаштирилган тарзда мобиль алоқа воситаларига «SMS» хабар юбориш йўли билан огоҳлантирилади.

8. Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланган жарима баллари миқдори бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда ҳайдовчиларнинг қоидабузарликлари тўғрисидаги маълумотлар (электрон маъмурий баённомалар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари орқали жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазони қўллаш учун жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига инсон омилисиз автоматик тарзда электрон шаклда юборилади.

Бу хақида ҳайдовчиларга уларнинг мобиль алоқа воситаларига «E-jarimaball» модули орқали «SMS» хабар юбориш орқали маълум қилинади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Хайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги ҳолати юзасидан эътиroz билдирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар кўриб чиқиш учун судларга юборилганда, жарима баллари судларнинг якуний қарорларига асосан ҳисобланади.

Суд томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган деб топилса, жарима баллари ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Суд қарори билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бекор қилиниб, ҳайдовчи маъмурий жавобгарликдан озод этилса, ушбу қоидабузарликлар бўйича хайдовчига жарима баллари ҳисобланмайди.

Бунда суднинг қарори «E-jarimaball» модулига юкланди ва бекор қилинган ҳуқуқбузарлик бўйича қайд этилган жарима балли автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилади.

9. Ўн икки ой мобайнода йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ҳайдовчиларга рафбатлантириш тариқасида, кейинги жарима балларини ҳисоблаш даврида содир этган биринчи йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги учун биринчи жарима балли ҳисобланмайди. Бунда улар асосий жазодан озод этилмайди.

Ҳайдовчиларнинг охирги ҳуқуқбузарлиги учун жарима балли ҳисобланган вақтдан бошлаб, улар олти ой давомида ушбу Низомнинг З-банди иккинчи хатбоисида кўрсатиб ўтилган Кодекснинг моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этмаган тақдирда, уларнинг умумий жарима балларидан икки жарима балли чегириб ташланади.

Бунда ҳайдовчиларнинг жарима баллари умумий миқдори икки жарима баллидан кам бўлган тақдирда, барча жарима баллари чегириб ташланади ҳамда жарима балларини ҳисоблаш муддати биринчи ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдан янгидан бошланади.

### **3-боб. Жарима баллари бўйича мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

10. Ҳайдовчилар жарима баллари бўйича Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тегишли бўлинмаларига (кейинги ўринларда — бўлинмалар) қонунчилика белгиланган муддатлarda мурожаат қилишлари мумкин.

11. Ҳайдовчиларнинг жарима баллари бўйича мурожаатлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, бўлинмалар томонидан қонунчилика белгиланган муддатлarda кўриб чиқлади.

12. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра бўлинмалар қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида;

мурожаатни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

13. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра бўлинмалар томонидан қўйидаги ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорни бекор қилиш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади:

жарима балларини ҳисоблашда техник хатолик юз берганлиги аниқланганда;

жарима баллари ушбу Низом талабарини бузган ҳолда ҳисобланганда; ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилганда;

маъмурий иш Кодекснинг 271 ёки 329-моддаларига мувофиқ тугатилганда.

14. Мурожаатларда кўрсатилган сабаблар ўз тасдифини топмаган тақдирда, бўлинмалар томонидан мурожаатни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. Ҳайдовчилар Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарор юзасидан юқори турувчи органларга ва (ёки) судга шикоят қилишлари мумкин ҳамда ушбу органларнинг қарорлари жарима балларини ўзгартиришга асос ҳисобланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**226 Соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларида ичимлик суви ҳамда санитария-гигиена инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган «Тоза қўллар» дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармони ҳамда «2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармонига мувофиқ 2025 йил 1 майдан бошлаб барча соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларида «Тоза қўллар» дастури амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим ташкилотларининг барқарор санитария-гигиена инфратузилмаларини ривожлантириш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Тоза қўллар» дастури доирасида соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларида:

а) санитария-гигиена воситалари (суюқ совун, ҳожатхона қофози ва антисептик) билан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда таъминланади;

б) ичимлик суви таъминоти ва санитария-гигиена обьектлари (ҳожатхона) инфратузилмаси яхшиланади, улар бинонинг ички қисмида жойлаштирилади;

в) аҳоли, жумладан, болалар ўртасида шахсий гигиена одатларини шакллантириш ва унга риоя қилиш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилади;

г) Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қўйидагилар учун маъсул ҳисобланади:

тасдиқланган нормативларга асосан барча соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларида талаб этиладиган санитария-гигиена воситалари харидини амалга ошириш ва фойдаланиш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 7 майда эълон қилинган.

хожатхоналарга ахлат кутиси ва хожатхона қоғозини қўйиш воситаларини ўрнатиш, шунингдек, сув мавжуд бўлмаган соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларини ичимлик суви билан таъминлаш.

Бунда ичимлик сувини вақтингча сақлаш билан боғлиқ инфратузилмани яратиш ҳамда ташиш хизматлари жорий этилади.

3. Йқтисодиёт ва молия вазирлиги тақдим этилган ҳисоб-китобларга асосан 2025 йилда соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларини санитария-гигиена воситалари ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш учун талаб этиладиган маблағларни Давлат бюджети параметрлари доирасида, жумладан, айrim харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан молиялаштирсин, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилишини таъминласин.

Белгилансинки, олий таълим ташкилотларини санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2025 йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхат асосида умумий ўрта таълим ташкилотларининг санитария-гигиена инфратузилмасини яхшилаш чораларини кўрсинг.

Бунда қуриладиган санитария-гигиена обьектлари (хожатхона) мавжуд бинолар ичига жойлаштирилади, ичимлик суви ва оқова сув тизимиға тўлиқ уланади ҳамда тегишли жиҳозлар билан таъминланади, санитария-гигиена обьектларини бино ичига жойлаштириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, улар мавжуд бинога уланган ҳолда қурилади.

5. Стратегик ислоҳотлар агентлигига Йқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2025 йил якунига қадар Давлат сармояларини бошқариш геопорталида (кейинги ўринларда — геопортал) маълумотларни тегишлилиги бўйича кўриб чиқиши, тасдиқлаш ҳамда вазирлик ва идораларнинг тизимлари билан тўлиқ интеграция қилинишини таъминлаш;

геопортал орқали «Тоза қўллар» дастурининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаб бориш тавсия этилсин.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Йқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда геопортал маълумотларидан фойдаланган ҳолда умумий ўрта таълим ташкилотларининг санитария-гигиена инфратузилмаларини яхшилаш бўйича манзилли дастурни шакллантирсинг.

Бунда геопорталга маълумотларнинг тўғри ва муентазам киритиб борилиши учун тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

7. Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзсувтатъминот» АЖ билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар хорижий эксперталарнинг тавсиялари асосида соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш мақсадида уларни тоза ва заарарсиз сув билан таъминлаш, ушбу ташкилотлардаги ҳожатхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш бўйича тегишли шахарсозлик нормалари ва қоидлари ҳамда санитария қоидлари, нормалари ва

гигиена нормативларини халқаро нормативларга мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги умумий ўрта таълим ташкилотларини халқаро тажриба асосида сув таъминоти, санитария ва гигиенанинг «Уч юлдузли ёндашув» методикаси асосида баҳолаш тизимини йўлга қўйисин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутивчи қўшма чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин:

соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотлари учун шахсий гигиена, санитария-гигиена жиҳозлари ва воситаларидан тўғри фойдаланиш юзасидан намунавий тарғибот материаллари (плакат) ишлаб чиқиш ва ҳар бир ташкилотнинг санитария-гигиена обьектларида жойлаштирилишини таъминлаш;

видео- ва промороликларни оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам равишда намойиш қилиб бориш;

машҳур шахслар (спортчилар, санъаткорлар ва бошқалар) томонидан шахсий намуна қўрсатиш бўйича видеороликлар тайёрлаш ва уларни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

Бунда ушбу бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар тегишли вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

#### 10. Қўйидагилар:

Умумий ўрта таълим ташкилотларида «Уч юлдузли ёндашув» методикасини жорий қилиш бўйича дастур 1-иловага\* мувофиқ;

Умумий ўрта таълим ташкилотларини «Уч юлдузли ёндашув» методикаси бўйича баҳолаш мезонлари 2-иловага\* мувофиқ;

Сув таъминоти мавжуд бўлмаган соғлиқни сақлаш ва таълим ташкилотларини ичимлик суви билан таъминлашнинг манзилли рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг барқарор санитария-гигиена инфратузилмаларини 2025 йилда ривожлантириш дастури 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда 2025 йилдан бошлаб умумий ўрта таълим ташкилотларида санитария-гигиена хоналарини қуриш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсан.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

ликаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, мактабгача ва мактаб таълимни вазири Х.Ў. Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 6 май,  
297-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**227   Худудларда микросаноат марказлари фаолиятини таш-  
кил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон қарорига мувофиқ 2025-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида микросаноат марказларини (кейинги ўринларда — Микросаноат марказлари) барпо этиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Микросаноат марказлари худудларнинг ихтисослашуви ва тадбиркорлик анъаналарини (худудларнинг драйвери), юқори даромадли иш ўринларини яратишни, шунингдек, хорижий давлатлар (Хитой, Жанубий Корея, Турция) тажрибаси асосида қуриш инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқиладиган алоҳида концепцияга мувофиқ барпо этилади;

Микросаноат марказларида ҳунармандчилик, тикувчилик, пойабзалчилик, қандолатчилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланадиган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) жойлаштирилади;

Микросаноат марказларига ишлаб чиқаришларни жойлаштиришда табиий газга муқобил бўлган ёқилғи турларидан ва энергия тежамкор технологиялардан (гелиоколлектор, иссиқлик насоси, күёш панеллари, иссиқликни қайта тиклаш-рекуперация қилиш ва бошқалар) фойдаланишга устуворлик берилади;

Микросаноат марказларининг лойиҳа концепцияси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

Микросаноат марказларини қуриш учун ер участкалари тасдиқланган лойиҳа концепцияси асосида ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини тайёр ҳолда қуриш ва кейинчалик уларга тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш учун ташаббускор пудрат ташкилотларига электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотилади;

электрон онлайн-аукцион савдолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон қарори билан тасдиқланган 2025-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида микросаноат марказларини барпо этиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати асосида ўтказилади;

электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби бўлган пудрат ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ўртасида Микросаноат марказларини тасдиқланган лойиҳа концепцияси асосида қуриш ва уларга тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш шартлари (ижарага (лизингга) бериш, кредит, тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиш) тўғрисида уч томонлама битим тузилади;

Микросаноат марказларида яратиладиган ишлаб чиқариш майдонлари тадбиркорлик субъектларига пудрат ташкилотлари томонидан уч томонлама битимда кўрсатилган шартлар асосида таклиф этилади;

Микросаноат марказларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича харажатлар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, шу жумладан, маҳаллий бюджетларга ушбу қарорга мувофиқ ерларни электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушган маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

3. Худудларда микросаноат марказларини барпо этиш ҳамда уларга кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш бўйича ишчи гурухларнинг намунавий таркиби (кейинги ўринларда — ишчи гурухлар) иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Қуидагилар ишчи гурухларнинг асосий вазифалари этиб белгилансан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон қарорига мувофиқ микросаноат марказларини барпо этиш учун белгиланган худудлардан туман (шаҳар) ҳокимликлари захирасидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини (кейинги ўринларда — ер участкалари) танлаш;

Микросаноат марказларини лойиҳа концепцияси асосида қуриш учун танланган ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини ташкил этиш;

Микросаноат марказлари пудрат ташкилотлари томонидан белгиланган муддатларда қурилиши устидан доимий мониторинг юритиш;

Микросаноат марказларига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;

Микросаноат марказларини барпо этиш лойиҳалари доирасида янги иш ўринлари яратилишини назорат қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

а) ишчи гурухлар билан биргаликда:

худудларнинг имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, Микросаноат марказлари ихтисослашувини белгилаш ва Микросаноат марказлари лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Микросаноат марказларининг лойиҳа концепциясида ишлаб чиқариш

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

майдонлари билан бир қаторда шоурум, омборхона, офис ва ўқув-ишилаб чиқарыш хоналари ташкил этилишини инобатга олиш;

Микросаноат марказларининг ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларга тадбиркорлик субъектларининг лойихаларини жойлаштириш учун тажрибали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий консультантларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда жалб қилиш;

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари кўмагида тадбиркорлик субъектлари ишилаб чиқарган маҳсулотларни онлайн платформалар орқали сотишга кўмаклашиш;

зарур ҳолларда Микросаноат марказлари ҳудудида тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда уларнинг ихтисослашуви бўйича Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан дуал таълим тизимини ташкил этиш орқали камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш ҳамда ишга жойлаштириш;

б) Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни билан биргаликда:

Микросаноат марказларига тадбиркорларни жалб қилиш, уларнинг бизнес-режалари асосида янги лойихаларни ишилаб чиқиши, лойихаларга тижорат банклари томонидан кредит ажратиш ва лойихаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

маҳалла банкирлари орқали банк хизматларини тарғиб қилиш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва янги мижозларни жалб қилиш;

Микросаноат марказларининг ихтисослашуви ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, бошқа ҳудудлардаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш чораларини кўрсинг.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни Микросаноат марказларининг лойиҳа концепцияси тасдиқланганидан сўнг:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Микросаноат марказларини лойиҳа концепцияси асосида куриш учун танланган ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин. Бунда электрон онлайн-аукцион савдолари ишчи гурӯҳ хуносасига асосан салоҳиятли пурдат ташкилотлари ўртасида ёпик шаклда ўтказилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда «Ўзсувитаъминот» АЖ билан биргаликда икки ҳафта муддатда Микросаноат марказларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш бўйича тармоқ жадвалларини ишилаб чиқсин ва тасдиқласин;

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда Микросаноат марказларида бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

хар чоракда Микросаноат марказлари фаолиятини ташкил этишда юзага келадиган муаммоларни жойларга чикқан ҳолда ўрганиб борсин ва уларни бартараф этиш бўйича ишчи гурухлар ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан тегишли чоралар кўрсинг;

2025 йил яқунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ахолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастурлари доирасида Микросаноат марказларини барпо этиш лойиҳаларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 май,  
308-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**228 Спорт турлари бўйича 2025 — 2028 йиллар учун ягона  
спорт таснифини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3623*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги  
Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил  
4 ноябрдаги 588-сон «Спортчиларга спорт унвонлари ва спорт разрядларини  
бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини  
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйораман**:

1. Куйидаги спорт турлари бўйича 2025 — 2028 йиллар учун Ягона спорт  
таснифи тасдиқлансан:

ёзги олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича 1 —  
44-иловаларга\*\* мувофиқ;

қиши олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича  
45 — 50-иловаларга\*\* мувофиқ;

паралимпия ўйинлари дастурига киритилган ва пара спорт турлари бў-  
йича 51 — 80-иловаларга\*\* мувофиқ;

миллий ва ноолимпия спорт турлари бўйича 81 — 123-иловаларга\*\* му-  
вофиқ;

спортнинг техникавий ва амалий турлари бўйича 124 — 132-иловалар-  
га\*\* мувофиқ.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

3. Мазкур буйруқ 2028 йил 31 декабрь кунига қадар амал қиласи.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 11 апрель,  
3-мҳ-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 9 майда эълон қилинган.

\*\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**229** O'zbekiston Respublikasi hududida xorijiy davlatlarning banklari vakolatxonalarini akkreditatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomga qo'shimcha va o'zgartirish kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 6-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1883-2*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 22-noyabrdagi 26/6-son qarori (ro'yxat raqami 1883, 2008-yil 23-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 52-son, 535-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi hududida xorijiy davlatlarning banklari vakolatxonalarini akkreditatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirish kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 2-may,  
10/14-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 7-mayda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
 2-maydagi 10/14-son qaroriga  
 ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi hududida xorijiy davlatlarning  
 banklari vakolatxonalarini akkreditatsiya qilish tartibi to'g'risidagi  
 nizomga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirish**

1. Quyidagi mazmundagi 5<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“5<sup>1</sup>. Bank tomonidan ushbu Nizomda nazarda tutilgan ma'lumotlar to'liq taqdim etilmaganda yoki ularda noto'g'ri yoxud buzib ko'rsatilgan ma'lumotlar mavjud bo'lganda, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ushbu Bankka kamchiliklarni to'liq ko'rsatgan holda, xatolarni bartaraf etish va yetishmayotgan hujjatlarni taqdim etish uchun besh ish kunidan kam bo'limgan muddat (imkoniyat) beradi.

Bunda, arizani ko'rib chiqish muddati xatolarni bartaraf etish va yetishmayotgan hujjatlarni taqdim etish vaqtida to'xtatib turiladi.”.

2. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga kelib tushgan ariza va unga ilova qilingan hujjatlar o'sha kunning o'zida ro'yxatdan o'tkaziladi va Bankka ariza qabul qilinganligi to'g'risida yozma yoki elektron tasdiqnomasi yuboriladi.

Bunda, arizalar ish vaqtidan keyin yoki dam olish va bayram kunlari kelib tushganda ariza navbatdagi ish kuni O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga kelib tushgan va qabul qilingan kun hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Vakolatxonani akkreditatsiya qilish (akkreditatsiyaning amal qilish muddatini uzaytirish yoki akkreditatsiya qilishni rad etish) to'g'risidagi qarorni ariza va unga ilova qilingan hujjatlar qabul qilingan vaqtdan boshlab bir oy muddat ichida qabul qiladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА  
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**230** Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2373-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 736-сон «Ёввойи ҳайвонларни сақлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 18 майдаги 5, 18-сон қарори (рўйхат рақами 2373, 2012 йил 21 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 282-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология, атроф-мухитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши вазири**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 10 апрель,  
2373-сон

**Ички ишлар вазири**

**А. ТАШПУЛАТОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 8 апрель,  
21-сон

*Келишилди:*

**Қишлоқ хўжалиги вазири**

**И. АБДУРАХМОНОВ**

2025 йил 20 марта

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2025 йил 9 майда эълон қилинган.

*Соғлиқни сақлаш вазири**А. ХУДАЯРОВ*

2025 йил 28 март

*Фанлар академияси президенти**Ш. АЮПОВ*

2025 йил 18 март

Ўзбекистон Республикаси  
 Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва  
 иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил  
 10 апрелдаги 2373-сон, Ички ишлар вазирли-  
 гининг 2025 йил 8 апрелдаги 21-сон қарорига  
**ИЛОВА**

**Аҳоли пунктларида ёввойи ҳайвонларни сақлаш қоидаларига  
 киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Қўйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«1<sup>1</sup>. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-  
 нинг 2024 йил 5 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний  
 шахслар томонидан ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳи-  
 тида ёки тутқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонлар рўйхатига  
 киритилган ҳайвонларни (йиртқич, заҳарли ва инсон соғлиги ва хаёти учун  
 хавфли ҳайвонлар) сақлашга нисбатан татбиқ этилмайди.».

2. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «зоопарклардан» деган сўз «ҳайво-  
 нот боғларидан, питомниклардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«7. Ёввойи ҳайвонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-  
 нинг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус  
 электрон тизим орқали руҳсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни  
 бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 18-иловасига муво-  
 фиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
 ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бериладиган гувоҳномалар асосида  
 питомниқда сақланиши мумкин.».

4. 10-банд қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«10. Ёввойи ҳайвонлар ҳисоби ҳар йили 1 январь ҳамда 1 июль ҳолатига  
 кўра Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш  
 ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси томонидан юритилади  
 ва бу тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилади. Бунда далолатнома уч  
 нусхада тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳо-  
 фаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси ва пи-  
 томник эгаси томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ҳудудий  
 бўлинмада қолдирилиб, иккинчи ва учинчи нусхалари питомник эгаси ҳамда  
 Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқ-  
 лим ўзгариши вазирлигига тақдим этилади.».

5. 11-банддаги «шароитлар,» деган сўз «минимал талаблар,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 12-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокисиз питомникларда сакланаётган Ўзбекистон фаунасига мансуб ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, касал ва жисмоний нуқсонга эга ҳайвонларни ўзбошимчалик билан табиатга чиқариб юбориш;»;

олтинчи хатбошидаги «ундаш.» деган сўз «ундаш;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон фаунасига бегона (инвазив) бўлган ёввойи ҳайвонлар турларини табиатга қўйиб юбориш;

бир-бирига хавф соладиган ҳайвонлар турларини битта ёки яқин жойга жойлаштириш;

ёввойи ҳайвонларни жамоат жойларида олиб юриш ва уларни сайд қилдириш, шунингдек, махсус қафассиз бошқа жойларга ташиш.».

7. 16-бандда:

«в» кичик банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«в) ёввойи ҳайвонларни ўзининг тури билан урчитиш;»;

«г» кичик банддаги «бошқариш.» деган сўз «бошқариш;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги «д» ва «е» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«д) Ўзбекистон фаунасига бегона (инвазив) бўлмаган турларни Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокида табиатга қўйиб юбориш;

е) ёввойи ҳайвонларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш».

8. Илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига\* мувофиқ таҳирда баён этилсин.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 QTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 INVESTITSIYALAR, SANOAT VA SAVDO VAZIRLIGINING  
 QARORI

**231** O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyatida gaz-kimyo kompleksini qurish, “Mustaqillikning 25 yilligi” konida dastlabki qidiruv va uni ishlatish bilan birga “O'zbekiston mustaqilligi” investitsiya blokiga nisbatan mahsulot taqsimotiga oid bitimni amalga oshirish doirasida O'zbekiston Respublikasi bojxona chegarasi orqali olib o'tiladigan tovarlarning bojxona rasmiylashtiruvi tartibi to‘g‘risidagi nizomning muqaddimasiga o‘zgartirish kiritish haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2934-1*

O'zbekiston Respublikasining “Yer qa'ri to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasi, Investitsiyalar bo'yicha davlat qo'mitasi, Tashqi savdo vazirligining 2017-yil 14-sentabrdagi 01-02/12-35, 03/17-1092, 2017/09-14-son qarori (ro'yxat raqami 2934, 2017-yil 10-oktabr) (Qonun hujjalari ma'lumotlari milliy bazasi, 11.10.2017-y., 10/17/2934/0082-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyatida gaz-kimyo kompleksini qurish, “Mustaqillikning 25 yilligi” konida dastlabki qidiruv va uni ishlatish bilan birga “O'zbekiston mustaqilligi” investitsiya blokiga nisbatan mahsulot taqsimotiga oid bitimni amalga oshirish doirasida O'zbekiston Respublikasi bojxona chegarasi orqali olib o'tiladigan tovarlarning bojxona rasmiylashtiruvi tartibi to‘g‘risidagi nizomning muqaddimasidagi “Yer osti boyliklari to‘g‘risida” degan so‘zlar “Yer qa'ri to‘g‘risida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vazirining  
birinchi o'rinnbosari**

**I. NORQULOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 25-aprel,  
250-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 8-mayda e'lon qilingan.

**Investitsiyalar, sanoat  
va savdo vaziri**

**L. KUDRATOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 17-aprel,  
2025/11-1-son

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**232** **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил  
7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқукбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 3 ноябрдағи 415-сон буйруғи (рўйхат рақами 3342, 2021 йил 14 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 14.12.2021 й., 10/21/3342/1158-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШПУЛАТОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 18 апрель,  
207-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2025 йил 8 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2025 йил  
18 апрелдаги 207-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига  
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартериш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«1. Факультетга ҳарбий хизмат ўтаган (эркаклар учун) ва олий маълумотга эга, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади («хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислигига фақат камида икки йиллик амалий стажига эга ички ишлар органларининг ходимлари қабул қилинади).».

2. 5-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«5. Факультетга танлов тенг хуқуқлилик, адолатлилик, ошкоралик ва ўқишга қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида босқичма-босқич бўлиб, дастлабки танлов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоят ички ишлар бошқармаларида (кейинги ўринларда таркибий тузилмалар ва худудий бўлинмалар деб юритилади) ҳамда маҳсус-профессионал танлов Институтда амалга оширилади.».

3. 8-банддаги «Худудий ички ишлар органлари» деган сўзлар «Таркибий тузилмалар ва худудий бўлинмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 23, 26 ва 43-бандлар ҳамда З-илованинг 2-бандидаги «худудий ички ишлар органлари» деган сўзлар «таркибий тузилмалар ва худудий бўлинмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Касбий тайёргарлик бошқармаси бошлиғи» деган сўзлар «Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 15 ва 16-бандлар ҳамда З-илованинг 20-банди «таркибий» деган сўздан кейин «тузилмалар» деган сўз билан тўлдирилсин.

7. 28-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«28. Департаментда ташкил этилган ишчи гурӯх томонидан маҳсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилиб, таркибий тузилмалар ва худудий бўлинмаларга юборилади.

Таркибий тузилмалар ва худудий бўлинмалар ишчи гурӯхлари режа-жадвалга мувоғиқ номзодларни маҳсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари билан таништиради, уларнинг белгиланган муддатларда

Институтга шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан тұлық ҳолда етиб келишларини таъминлайды.».

8. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсан.

9. 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсан.

10. 5-иловада:

а) 14-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Тест синовларининг саралаш бали 34 балл (максимал баллнинг 56 фоизи)ни ташкил этади.»;

б) 15-банддаги «32» рақами «34» рақами билан алмаштирилсан.

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартариш ва  
қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

га

(ички ишлар органи бошлигининг лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

да

(номзоднинг яаш жойи)

яшовчи \_\_\_\_\_ дан

(номзоднинг Ф.И.О.)

## АРИЗА

Менга Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетининг \_\_\_\_\_ мута-

(мутахассислик номи)

хассислиги бўйича ўқишига кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва моддий таъминоти билан таништирилдим.

Синовларни тилида \_\_\_\_\_ топшираман.  
(ўзбек, рус)

Чет тили бўйича синовларни (имтиҳонни) \_\_\_\_\_ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

Оиласдан ўзгаришлар бўлганда ҳамда яқин қариндошларимдан бирортаси жиной жавобгарликка тортилган тақдирда, уч кун муддатда бошлиқларимга ва кадрлар билан таъминлаш хизмати (бўлими)га ёзма равишда хабар бераман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_.

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
кўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

— га  
(ички ишлар органи бошлигининг лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

## БИЛДИРГИ

Менга Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетининг \_\_\_\_\_ мута-

(мутахассислик номи)

хассислиги бўйича ўқишга кириш учун хужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрайман. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва моддий таъминоти билан таништирилдим.

Синовларни тилида \_\_\_\_\_ топшираман.  
(ўзбек, рус)

Чет тили бўйича синовларни (имтиҳонни) \_\_\_\_\_ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING  
 QARORI

**233 Pullik tibbiy xizmat ko'rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash tartibi 8-bandiga o'zgartirish kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 7-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3603-1*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1998-yil 10-noyabrdagi PF-2107-son “O'zbekiston Respublikasi Sog'lijni saqlash tizimini isloh qilish davlat dasturi to'g'risida” Farmoniga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Sog'lijni saqlash vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Sog'lijni saqlash vazirligining 2024-yil 26-dekabrdagi 210-sonli va 2024-yil 24-dekabrdagi 20-son qarori (ro'yxat raqami 3603, 2025-yil 27-yanvar) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2025-y., 10/25/3603/0082-son) bilan tasdiqlangan Pullik tibbiy xizmat ko'rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash tartibi 8-bandiga quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Tibbiy xizmatga to'lov qiymatini belgilashda, rentabellik ko'rsatiladigan tibbiy xizmat tannarxining 20 foizidan ortiq bo'lishi mumkin emas.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 28-aprel,  
254-son

**Sog'lijni saqlash vaziri**

**A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 23-aprel,  
10-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 9-mayda e'lon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2025 йил 11 апрелдаги 3-мх-сон “Спорт турлари бўйича 2025 — 2028 йиллар учун Ягона спорт тасифини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

**2025 йил 5 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3623.**

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 2-maydagi 10/14-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida xorijiy davlatlarning banklari vakolatxonalarini akkreditatsiya qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

**2025-yil 6-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1883-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2025 йил 10 апрелдаги 2373-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 8 апрелдаги 21-сон “Аҳоли пунктларида ёввойи хайвонларни сақлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

**2025 йил 6 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2373-2.**

4. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 25-apreldagi 250-son hamda Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2025-yil 17-apreldagi 2025/11-1-son “O‘zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyatida gaz-kimyo kompleksini qurish, “Mustaqillikning 25 yilligi” konida dastlabki qidiruv va uni ishlatalish bilan birga “O‘zbekiston mustaqilligi” investitsiya blokiga nisbatan mahsulot taqsimotiga oid bitimni amalga oshirish doirasida O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasi orqali olib o‘tiladigan tovarlarning bojxona rasmiylashtiruvchi tartibi to‘g‘risidagi nizomning muqaddimasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

**2025-yil 7-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2934-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2025 йил 18 апрелдаги 207-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруфи.

**2025 йил 7 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342-2.**

6. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil

28-apreldagi 254-son hamda Sog'liqni saqlash vazirligining 2025-yil 23-apreldagi 10-son “Pullik tibbiy xizmat ko'rsatadigan davolash-profilaktika muassasalarini moliyalash tartibi 8-bandiga o'zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

*2025-yil 7-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3603-1.*